

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**УЎК: 811.512.133'373.6**

**ҒАНИЕВ НУРБЕК ЎКТАМОВИЧ**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ  
ЭТИМОЛОГИК ВА КОГНИТИВ ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий  
даражасини олиш учун тақдим этилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар: филология фанлари доктори,  
доцент Маҳмуд Равшанов**

**Жиззах -2022**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ҚИЗИЛТЕПА ТОПОНИМЛАРИ ЭТИМОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАВСИФИ.....</b>	<b>15</b>
§1.1. Қизилтепа тумани этнотопонимларининг ареал ва тарихий таҳлили .....	15
§1.2. Ўзбек этногенезини ўрганишнинг тарихий, лисоний, когнитив, семиологик ва ономастик хусусиятлари.....	29
§1.3. Тумандаги ўз ва ўзлашма қатламга мансуб ойконимларнинг лисоний хусусиятлари.....	43
<b>Биринчи боб бўйича хулоса.....</b>	<b>54</b>
<b>II БОБ. ҚИЗИЛТЕПА ТУМАН ЭТНОЛОГИЯСИГА ОИД АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ.....</b>	<b>56</b>
§2.1. Худуд топонимик объектлари номларининг умумий тавсифи таснифи.....	59
§2.2. Қизилтепа топонимларининг этимологик, когнитив, этнографик ва тарихий хусусиятлари.....	68
§2.3. Туман топонимлари ўрганилишининг лисоний ва лингвокультурологик хусусиятлари.....	77
<b>II боб бўйича хулосалар.....</b>	<b>83</b>
<b>III БОБ. ТУМАН ЭТНОЛОГИЯСИГА ОИД ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАР ВА ТОПОНИМИК МАНБАЛАРНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАВСИФИ.....</b>	<b>86</b>
§3.1. Худуд микротопонимлари тарихий-этнологик изоҳли луғатини тузиш ҳамда маълумотлар базасини шакллантириш масалалари.....	86
§3.2. Қизилтепа тарихий топонимлари изоҳли луғати.....	92
§3.3. Қизилтепа тумани ойконимларидан айримларининг дастлабки этимологик таҳлили.....	100
<b>III боб бўйича хулосалар.....</b>	<b>118</b>
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....</b>	<b>120</b>
<b>ҲОЖАТЛИК АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>123</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>139</b>

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида жой номларини ифодаловчи макро ва микропонимлар миллий, тарихий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий нуктаи назардан алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, муайян ҳудуднинг махсус тўпланмаган, кам ўрганилган топонимик бирликларини йиғиш, уларнинг лексик-семантик хусусиятлари, номинатив, коммуникатив, услубий вазифаларини аниқлаш эса бугунги глобаллашув жараёнида дунё халқлари ўртасида ўзаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий алоқалар, туристик муносабатларда амалий аҳамият касб этади. Зеро, «Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодларга қолдириш, давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир»<sup>1</sup>.

Дунё тилшунослигида топонимшунослик тилшуносликнинг ономастика соҳаси таркибида муҳим йўналиш сифатида тобора такомиллашиб бормоқда. Унинг таркибида муайян маҳаллий ҳудуд жой номларини ифодаловчи урбаноним, гидроним, ороним, ойконим, хороним, некроним каби ономастиканинг мустақил турлари генезисини, этимологик хусусиятлари ҳамда ерлик аҳолининг миллий урф-одатлари, қадриятлари, эътиқоди, ҳаёт тарзи, моддий-маданий мерос объектлари маълумотлари асосида аниқлик киритиш, ҳудуд ономастикасининг лексик-семантик хусусиятларини мужассамлаштирган топонимларнинг концептуал, парадигматик, лингвогеографик, этнолингвистик, лингвокультурологик белгиларини очиш муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда олиб борилган кенг қўламли ислоҳотлар ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий мавқеини кўтариш, давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган қонун ва

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 29

қарорлар тилшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиий»<sup>3</sup> бўлган ҳозирги бир шароитда ўзбек ономастикаси соҳасини илмий назарий ва амалий йўналишларда жиддий ривожлантиришни ҳам талаб этади. Шу каби талаб ва эҳтиёжлар натижасида ўзбек тилшунослигида халқ тарихи, қадрияти, анъана ва урф-одатларини ўзида тўлиқ ифодаловчи лисоний бирликлар – топонимларни муайян ҳудуд мисолида лингвистик тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса уларнинг маънавий мерос, миллий маданий бойлик ва кўҳна тарихий ёдгорликлар мажмуининг алоҳида муҳим бир элементлигини кўрсатади.

Шу сабабли ҳам, Навоий вилояти Қизилтепа тумани топонимларини илмий ва амалий жиҳатлардан монографик йўналишда маънавий мерос ҳамда маданий бойликларимизни «ономастик маданият»<sup>4</sup> сифатида ўрганиш ва лингво-географик нуқтаи назаридан илмий-амалий асосларда тадқиқ этиш зарурияти сезилмоқда. Бу эса мазкур илмий тадқиқот ишининг долзарблигини, ўрганилган ҳудуд бўйича илмий назарий ва илмий амалий жиҳатларининг асосланиши, унинг ўзига хослигини кўрсатади.

Бу жиҳатдан қадимдан шаклланган ва ҳозирда ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш йўлини босиб ўтаётган Қизилтепа тумани топонимларининг лексик-семантик, ономастик-грамматик хусусиятларини, келиб чиқиш асосларини лингвогеографик, этнолингвистик ҳамда лингвокультурологик аспектда ўрганиш долзарблик касб этади.

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисидаги қонуни”. –Тошкент,1989.; Географик объектларнинг номлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни. –Тошкент, 2011. 12 октябрь (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 й., 41–сон. 448–модда).

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони. Манба: <http://lex.uz/docs/4561730>

<sup>4</sup> Шмелева. Т. В. Ономастика. Учебное пособие. Славянске-на-Кубани, 2013.-С.9.

Зеро, «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим»<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида: «...илмий асосланган янги сўз ва терминларни истеъмолга киритиш, замонавий терминларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш»<sup>6</sup> юзасидан вазифаларнинг белгилаб берилиши, Қизилтепа тумани микротопонимларининг тадқиқи юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»<sup>7</sup>, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 4

---

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. Тошкент.: 2020. Lex/uz.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // www.lex.uz

<sup>7</sup>«Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 989-сонли «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 29 январдаги 40-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 989-сон «Давлат тилини ривожланириш департаменти тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 29 январдаги 40-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертациянинг илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шубҳасиз, олдинги даврларда ҳам, яъни XX асргача Бухоро амирлиги ҳудудидаги топонимлар, жумладан, аҳоли пунктларининг номлари, номланиш ҳамда номланиш меъёрлари ҳақида тарихий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва сиёсий манбаларда ўша давр мафқурасидан келиб чиққан ҳолда шарҳ, талқин мазмунидаги бир қанча қайдлар учрайди<sup>8</sup>. XX-XXI асрлар матбуотида ҳам булар тўғрисида қисқа маълумотлар учрайди. Сабаби, уларга қисман лингвистик жиҳатдан, асосан, географик ҳамда тарихий нуқтаи назардан муносабат билдирилган бўлиб, умуман олганда, улар талқин ва таснифий тавсифдадир. Бугунгача топонимлар лингвистик, географик ва тарихий йўналишларда умумий, энциклопедик, тавсифий, таъбирли ҳамда изоҳли

---

<sup>8</sup>Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. - 279 с.; Борнс А. Путешествие в Бухару. – Москва, 1849; Вамбери А. Путешествие в Среднюю Азию из Тегерана через Туркменскую пустыню по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 г. Изд. 1-е. – Москва, 1867; Изд. 2-е. – Москва, 1874; Его же. Очерки Средней Азии. – Москва, 1868.

таҳлил тарзда ўрганилган. Мана шу илмий изланишлардаги йўналишларнинг таъсирида мамлакатимиз топонимлари маълум даражада тадқиқ этилган бўлса ҳам, уларнинг этимологик таҳлиliga кам муносабат билдирилган. Сабаби, туркий тилларнинг этимологияси муаммоларига бағишланган анжуман материалларида бу таҳлилни назарий масалалари шу таҳлилдай баҳсли эканлиги кўрсатилган<sup>9</sup>.

Жаҳон тилшунослигида Х.А.Смит, А.Л.Даузат, Г.Ж.Коплей, Г.В.Лемон, В.Пизани кабиларнинг илмий изланишлари топонимиканинг фан сифатида шаклланиши тамойиллари юзасидан алоҳида ўзига хос кўрсаткичга эга. Рус тилшунослигида эса бу борада А.Абдурахманов, А.В.Суперанская, В.Д.Беленькая, А.А.Белецкий, О.Т.Молчанова, Э.М.Мурзаев, Н.Я.Подольская, Г.Н.Смолицкая каби олимларнинг топонимика соҳасидаги мақсадли тадқиқотларни келтириб ўтиш ўринли<sup>10</sup>.

Ўзбек топонимикаси назарий асосларининг яратилишида олимларимиздан Э.Бегматовнинг ўзбек антропонимлари ҳамда топонимикаси, Т.Нафасовнинг Қашқадарё вилояти топонимлари, Ш.Қодированинг Тошкент микротопонимлари, Т.Раҳматовнинг Самарқанд топоними этимологияси, Ж.Латиповнинг Марғилон шаҳри жой номлари, Л.Каримованинг ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши, С.Н.Найимовнинг Бухоро вилояти ойконимлари, З.Дўсимовнинг Хоразм топонимлари, Х.Холмўминовнинг<sup>11</sup> Сурхондарё вилояти топонимлари,

<sup>9</sup>Проблемы этимологии тюркских языков. - Алма-Ата, Гылым, 1990. –С.400.; Кайдаров А. Т. Тюркская этимология: проблемы и задачи // Проблемы этимологии тюркских языков. Алма-Ата, Гылым, 1990. –С.5-25.

<sup>10</sup>Абдрахманов А. А. (Алма-Ата) Актуальные проблемы тюркской топонимики // ОУ. – Ташкент, 1989. – С. 15-16.; Абдрахманов А. А. Этимологическое исследование некоторых этнонимов общих для узбекского и казахского народов // Материалы конференции по ономастике Узбекистана. – Джизах, 1985. – С. 20-21.; Абдрахманов А. К вопросу о методах этимологического исследования топонимов Казахстана // Тюркская ономастика. –Алма-Ата, Наука, 1984. –С.120-130.;Абдумуратов К. А. Почему так названо? (На материале Каракалпакской топонимии). – Нукус, 1970. – С. 129.

<sup>11</sup>Smit. A.H. English Place-Names Elements. – Cambridge., 1956. –P.163.; Алберт Даузат. La Toponymie française. – Paris: Bibliothèque scientifique, Payot, 1960, Rimpression 1971 –P.168.; Copley G. J. Names and Places with a short dictionary of common or wellknown place-names. – London: Phoenix House Ltd., 1963. –P. 226.; Lemon G.V. English Etymology. – G.: Robinson, 1783. –С. 693.; Суперанская А. В. Что такое топонимика? – Москва: Наука,1985. –С.176.; Беленькая В.Д. Топонимы в составе лексической системы языка. – Москва., 1969. 166 с.; Белецкий А.А. Лексикология и теория языкознания (ономастика). – Киев., 1971. –С.156.; Молчанова О.Т. Топонимический словарь Горного Алтая. – Горно-Алтайск, 1979. –С.398.; Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – Москва: Мысль, 1974. –С.382.; Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1988. –С. 188.

Б.Ўринбоевнинг Жиззах ва Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи, А.Мухаммаджоновнинг топонимлар илмий тавсифи ва этимологик таҳлилининг тарихий жиҳатлари, А.Отажонованинг Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари, Т.Эназаровнинг Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи, С.Аҳмедовнинг Жиззах вилояти топонимларининг семантик хусусиятлари, И.Холмуратовнинг Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларининг лисоний тадқиқи, Н.Адизованинг Бухоро тумани микротопонимларининг лексик-семантик тадқиқи йўллари назарий масалаларига бағишланган мақола, монография ва диссертациялари муҳим аҳамият касб этди<sup>12</sup>. Қизилтепа топонимлари, уларнинг номланиши ҳамда номланиш меъёрлари ҳақида тарихий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий манбаларда турли шарҳ, талқин мазмунидаги бир қанча қайдлар XX асргача ҳам мавжуд бўлган<sup>13</sup>. Илмий тадқиқот ишини бажариш жараёнида қайд этилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда,

---

<sup>12</sup> Нафасов Т. Қашқадарё область топонимлари: фил. фан. ном.. дисс. – Тошкент, 1968. –Б.301.; Кадырова Ш. М. Микротопонимы Ташкента: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1970. –С.28.; Рахматов Т. Этимология топонима Самарқанд. Советская тюркология. – Баку, 1973. – 4-сон. –С.43-50.; Латипов Ж. Марғилон шаҳри ва унинг атрофи топонимияси: фил. фан. ном.. дисс. –Тошкент, 1975. –Б. 219.; Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 1982. –Б.96.; Найимов С.Н. Ойконимы Бухарской области: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. –Б.20.; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. –Б.104.; Холмўминов Х. Бойсун район микротопонимларининг лексик-семантик хусусиятлари. Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 1988. –Б.73-75.; Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах, 1992. –Б.53.; Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. – Самарқанд, 1997. –Б.202.; Мухаммаджонов А. Жой номлари – тарихий манбадир. Илмий-амалий конференция докладлари тезислари. – Тошкент, 1994. –Б.15-17.; Бегматов Э. Истиклол ўлкасининг топонимик сиёсати. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – 3-сон. – Б.3-9.; Отажоннова А. Хоразм этнотопонимлари. – Тошкент: Фан, 1997. – Б.94-111.; Эназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. Фил.фан..док. дисс. автореф. - Тошкент, 2006.–Б.8-13.; Аҳмедов С. Жиззах вилояти топонимларининг семантик хусусиятлари. Фил.фан.фал.док.(PhD) дисс.автореф. – Самарқанд, 2019. – 20 б.; Холмуратов И. Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларининг лисоний тадқиқи. Фил.фан.фал.док.(PhD) дисс.автореф. – Бухоро, 2020. – 20 б.; Адизова Н. Бухоро тумани микротопонимларининг лексик-семантик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Бухоро, 2021. – 21 б.

<sup>13</sup> Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Фан, 1966. –Б.119.; Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1-жилд. – Тошкент, 1966. – 273 б.; Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 1960. – 512 б.; Хаников Н.В. Бухоро хонлигининг тасвири – Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843.; Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения О Зерафшанском округе с приложением списка населенных мест округа. – СПб., 1874.; Ситянковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана. ИТОРГО. Т.1, вып. 2. 1900. – С.121-314.



Қизилтепа тумани микротопонимларининг этимологик ва этник тадқиқи масалалари монографик тарзда текширилди ва натижалари умумлаштирилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Навоий давлат кончилик институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилшунослигида тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари» (2017-2021 й.й) йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қизилтепа тумани топонимларининг этимологик жиҳатдан келиб чиқиш омиллари, номланишнинг ўзига хос сабаблари, ономасиологик-номинацион, семантик ва когнитив, этнографик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** Қизилтепа тумани топонимлари бўйича фактик материалларни йиғиб, уларни ифодаловчи ономастик-номинацион бирликларга хос этимологик, номинацион-ономаसीологик, лингвотопонимик белгиларнинг умумий ва хусусий белгиларини барча параметрлар асосида исботлаш;

туман топонимларининг ономастик-номинацион таркибини жаҳон тилшунослигидаги топонимик термин ҳамда тушунчалари, тадқиқ тамойиллари ва усуллари асосида аниқлаш;

туман топонимларини ономастик-этниқ ва деривацион-номинацион, этнологик хусусиятлари бўйича таснифлаш;

туман ҳудудидаги жой номларининг лисоний табиатини ономастик-номинацион сатҳи меъёрларига мос ҳолда тавсифлаш, номинацион-этимологик типларини далиллаш;

туман топонимларининг келиб чиқиш асос ва омилларини, номланиш хусусиятларини синхрон, қисман диахрон аспектда этимологик тавсифи бўйича тўлиқ ёритиш;

Қизилтепа тумани топонимлари бўйича изоҳли ва тарихий луғатлар яратиш асосида Навоий вилояти ва республика топонимия комиссиялари

ишида жой номларини расмийлаштиришни тартибга солиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қизилтепа тумани топонимлари тадқиқи юзасидан белгилаб кўрсатилган манбалар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Қизилтепа тумани топонимларининг этимологияси, лексик-семантик ва ономастик-этнологик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-тарихий, лингвогеографик, номинатив-ономастиологик, математик-статистик, функционал-ономастик каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

Қизилтепа туманидаги *Абу Муслимтепа, Азизонтепа, Азизобод, Хонобод, Тошработ, Работигарди, Хўжақўрғон, Ўртақўрғон* каби номлар ясалишида *тепа, обод, работ, қўрғон* сингари компонентларнинг мамлакат топонимиясига доир умумийлик, хусусийлик ва ўзаро алоқадорлик жиҳатлари далилланган;

маҳаллий ҳудуддаги *Қизилтепа, Найманча, Урганжи, Фамхўр, Қалъайи Азизон, Ванғози, Шейхон, Халқобод, Роҳобод, Майизгарон, Собунгарон, Шейхон, Сўфиён* каби жой номларининг келиб чиқиш генезиси, луғавий маънолари ва миллий-маданий семантикасининг аҳоли турмуш тарзи, истиқомат ўрни, миллий-маданий қадриятлари, касб-кори, диний эътиқодий қарашларига боғлиқлиги асосланган;

туман жой номларининг атоқли оти сифатида шаклланган комонимлар таркибида антропоним, этноним, ранг-тус, ҳажм-ўлчов билдирувчи, касб-корни англатувчи, жойлашиш ўрнига ишора қилувчи бирликлар асосида шаклланган *Холбой тепа, Биби Саида, Манғит, Найман, Сарой, Ўба, Арабон, Тожиклар, Эшонтўпи, Қизилтепа, Оқработ, Катта Араб, Кичик Найман, Бўлақработ, Ўртачўл, Қуйи Ревартун, Кулолон, Новвойлар, Вахмкор* каби ономастик-этимологик типлари ҳамда ойконимларнинг ономастик лексика сатҳи меъёрларига мос лингво-ономастик хусусиятлари очиб берилган;

худуд топонимларининг *Мангит-Мангит-Мингат, Найман-Найманча, Дўрман-Дўрмон-Дурман, Қатагон-Қатаган, Эмакти-Этмакчи, Вахмкор-Вахм каби* яширин маъноларининг мавжудлиги, халқлар дўстлигининг жой номларида уйғунлашувидаги лисоний манба сифатидаги қадимийлиги, табиийлиги ҳамда барқарорлиги каби жиҳатлари очиб берилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

-Қизилтепа тумани топонимлари бўйича йиғилган кенг фактик материаллар асосида жой номларини ифодаловчи ономастик бирликларга хос лингвотопонимик ва лингвомаданий белгиларнинг умумий ва хусусий мавжудлиги худуд аҳолисининг тили, дунёқараши, миллий анъана ва урф-одатларига боғлиқлиги далилланган;

-худуд топонимларига оид материаллар таҳлилидан келиб чиқадиган илмий хулосалар, ўзбек топонимшунослигининг назарий ва амалий асослари ҳамда таҳлил усулларини бойитиши асосланган.

**Қизилтепа тумани топонимлари илмий тадқиқи натижалари** ономастика фани муҳим соҳасининг мотивацион йўналиши бўлган топонимика бўйича изоҳли, имло луғатларини яратишда, вилоят ва республика топонимия комиссиялари ишида гегорафик-топонимик объектларни расмийлаштиришни тартибга солиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишда манба сифатида қўлланиши мумкинлиги тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, илмий назарий маълумотларнинг илмий манбалар асосида келтирилганлиги, берилган таҳлиллар лингвогеографик, лингвомаданий, қиёсий-тарихий ҳамда лингвоўлкашунослик таҳлил ва умумлаштириш, номинатив-ономасиологик, математик-статистик, функционал-семантик ва этимологик-этнологик методлар воситасида асосланганлиги, мавзу юзасидан чоп этилган илмий ишларнинг барчаси, республика ва халқаро миқёсдаги илмий нашриётларда эълон қилинган мақолаларда келтирилган назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорийланиши, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Навоий вилояти ҳамда мамлакат ҳудудидаги ҳар бир туман топонимлари бўйича лингвотопонимик тадқиқот юритиш, уларнинг когнитив, лингвомаданий ва этимологик умумий ва хусусий белгиларини аниқлаш, изоҳли ва имло луғатини яратиш имконини бериши асосида белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти натижасида олинган илмий хулосалар ва назарий тавсиялардан** «Ўзбек ономастикаси», «Ўзбек диалектологияси», «Ҳозирги ўзбек тили» фанларига алоқадор муаммоларни тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий назарий қарашларни тўлдириш ҳамда кенгайтириш, «Қизилтепа тумани микротопонимларининг изоҳли луғати»ни яратиш, Навоий давлат педагогика институти, Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги барча таълим муассасаларида, ёш авлод тарбиясида, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини ривожлантиришда фойдаланиш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қизилтепа тумани топонимларининг этимологик ва когнитив тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қизилтепа туманидаги *Абу Муслимтепа, Азизонтепа, Азизобод, Хонобод, Тошработ, Работигарди, Хўжақўрғон, Ўртақўрғон* каби номлар ясалишида *тепа, обод, работ, қўрғон* сингари компонентларнинг мамлакат топонимиясига доир умумийлик, хусусийлик ва ўзаро алоқадорлик жиҳатлари далилланган материаллардан «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этнолингвистик вазият» мавзусидаги фундаментал лойиҳа (ОТ-Ф1-71 рақамли)да фойдаланилган (Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2021 йил 19 октябрдаги 03/2236-сон маълумотномаси). Натижада ҳудуд топонимлари пайдо бўлишининг назарий асосланиши илк Марказий Осиё минтақасидаги туркий компонентли жой номларини аниқлаш ва уларнинг келиб чиқиш масалаларини ёритишда хизмат қилган;

маҳаллий ҳудуддаги *Қизилтепа, Найманча, Урганжи, Ғамхўр, Қалъайи Азизон, Ванғози, Шейхон, Халқобод, Роҳобод, Майизгарон, Собунгарон, Шейхон, Сўфиён* каби жой номларининг келиб чиқиш генезиси, луғавий маънолари ва миллий-маданий семантикасининг аҳоли турмуш тарзи, истиқомат ўрни, миллий-маданий қадриятлари, касб-кори, диний эътиқодий қарашлари асосида пайдо бўлганлиги асосланган материалларидан Ф1-ХТ-0-19919 рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал лойиҳа бажарилишида фойдаланилган (Навоий давлат педагогика институтининг 2021 йил 6 ноябрдаги 88-87-3207/04-сон маълумотномаси). Натижада фалсафий-мифологик хусусиятларга доир поэтик масалаларни ойдинлаштиришда асос бўлиб хизмат қилиши кўрсатилган;

ҳудуд топонимларининг *Манғит-Манғит-Минғат, Найман-Найманча, Дўрман-Дўрмон-Дурман, Қатагон-Қатаган, Эмакти-Этмакчи, Вахмкор-Вахм* каби яширин маънолари борлиги, халқлар дўстлигининг жой номларида уйғунлашувидаги лисоний манба сифатидаги қадимийлиги, табиийлиги ҳамда барқарорлиги хусусида маълумот берувчи жиҳатлари тўғрисидаги хулосалардан Қизилтепа тумани ҳокимлиги ҳузуридаги топонимик комиссия томонидан фойдаланилган (Навоий вилояти Қизилтепа тумани ҳокимлигининг 2021 йил 12 ноябрдаги 06/839-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикасининг топонимик сиёсатида оид вазифаларни бажаришга, ҳудуд топонимикасида тарихий номларни тиклашга, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштиришга эришилган;

туман жой номларининг атоқли оти сифатида шаклланган комонимлар таркибида антропоним, этноним, ранг-тус, ҳажм-ўлчов билдирувчи, касб-корни англатувчи, жойлашиш ўрнига ишора қилувчи бирликлар асосида шаклланган *Холбой тепа, Биби Саида, Манғит, Найман, Сарой, Ўба, Арабон, Тожиқлар, Эшонтўпи, Қизилтепа, Оқработ, Катта Араб, Кичик Найман,*

*Бўлақработ, Ўртачўл, Қуйи Ревартун, Қулолон, Новвойлар, Вахмкор* каби ономастик-этимологик типлари ҳамда ойконимларнинг ономастик лексика сатҳи меъёрларига мос лингво-ономастик хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг «Давлат тили – миллат ғурури», «Қадрият», «Алишер Навоий мероси ёшлар тарбияси ва истиқболнинг бебаҳо хазинасидир», «Дахлдорлик туйғуси» мавзуларида кўрсатувлар ҳамда «Долзарб мавзу», «Муносабат» каби радиоэшиттиришларида фойдаланилган (Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 16 сентябрдаги 01-02/98-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатув ва эшиттиришларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда долзарблиги илмий-амалий аҳамият касб этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этирилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 122 саҳифани ташкил этади.

# **I БОБ. ҚИЗИЛТЕПА ТОПОНИМЛАРИ ЭТИМОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАВСИФИ**

## **1.1. §. Қизилтепа тумани этнотопонимларининг ареал ва тарихий таҳлили**

Мазкур бобнинг тавсифланаётган фаслида этнотопонимлар ўзининг тил хусусияти, ҳозирги кунга қадар шаклланиш даври ва маълум уруғ ёки қабилага мансублигига кўра тарқалиши, ареал карталар, ареал таҳлилий маълумотлар асосида ёритилди. Ареал термини латинча «arealis» - майдон, кенглик»<sup>14</sup> сўздан олинган бўлиб, тилшуносликнинг бир бўлими сифатида тил ҳодисаларининг муайян кенгликда тарқалишини белгилаб, тиллараро (диалектлар) муносабатларни лингвистик география методлари асосида тадқиқ этади. Қизилтепа тумани микротопонимияси этномулоқот ҳудуди ҳисобланиб, бу ҳудудда этнослар орасидаги алоқалар бирмунча қизгин кечган бўлиб, этник хилма-хилликни ташкил этади, одатда, бундай мулоқот майдони «этномулоқот майдони» каби иборалар билан ифодаланади. Мазкур масала юзасидан жаҳон номшунослиги (ономастикаси)да эътиборли ва теран илмий илдизли тадқиқотлар яратилган<sup>15</sup>.

### **Қизилтепа этнотопонимларининг ареал-хронологик таҳлили**

Тумандаги этнотопонимлар ареал-хронологик ва генетик шаклланиш жиҳатларига кўра, жаҳон тилшунослиги тадқиқотларига таянилиб, таҳлил қилинган<sup>16</sup>. Маълумки, ўзбек ва форс-тожик этнонимияси туркий-форсий этнонимларнинг ажралмас таркибий қисмидир. Ўзбек ва тожик (эроний) уруғ-қабилалари ва уларнинг тармоқлари билан боғлиқ номлар туркий

<sup>14</sup>Развитие методов топонимических исследований. Москва: Наука, 1970.112 с.; Рамазанова М.Н. О цветовом и нецветовом значении формантов ак и кара в ойконимии Ташкентской области // Материалы конференции по ономастике Узбекистана. Джизак, 1985. - С. 8-9.; Рахматов Т. Этимология топонима Самарканд // СТ.1973.4-сон.- С.43-50.

<sup>15</sup>Попов А.И. Об историческом методе в топонимических исследованиях // Развитие методов топонимических исследований. Москва: Наука, 1970. - С. 25-38.; Поспелов Е. М. Математико-статистические методы в топонимике // Вопросы географии. Сборник 70. Москва: Наука, 1966. - С. 38-46.; Поспелов Е. М. Топонимика в школьной географии. Москва: Просвещение,1981. - 142 с.; Поспелов Е.М. Школьный топонимический словарь. Москва, 1988. - 224 с.; Принципы топонимики. Москва: Наука, 1964. - 151 с.; Проблемы этимологии тюркских языков. - Алма-Ата, Гылым,1990. - 400 с.; Проблемы Азербайджанской ономастики. II. - Баку, 1988. - 308 с.

<sup>16</sup>Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общeturкские и межтюркские основы на гласные. Москва: Наука, 1974. - 767 с.; Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общeturкские и межтюркские основы на букву «Б».Москва: Наука, 1978. - 350 с.

халқлар этник таркибида кўп ҳолларда учраши, табиий. Муайян уруғ ва қабила номларининг тарқалишини ареал-лингвистик жиҳатдан ўрганиш ўзбек этноним ва этнотопонимларини тадқиқ қилишда аҳамиятли бўлган тарихий, тадрижий ва субординатив асосланиши хусусиятига кўра этнотопонимлар қуйидагича тавсифланди:

**Қадимий давр.** Бу давр муайян ҳудудларда давлатчиликнинг юзага келиши ҳамда мавжуд жой номларининг илк ҳолати ва пайдо бўлиши билан тавсифланади. Тарихий манбаларда ўша даврларга оид бўлган тарихий номларнинг ҳозирги ҳолатида, яъни Қизилтепа, Тавоис, Ванғози топонимлари мазмун-моҳияти негизида қадим минг йилликларда ўрганилган туман ҳудудида яшаб келган сак, анди каби туркий уруғ қабилаларининг ҳаёт тарзи, урф-одатлари ҳамда этник таркибининг яшириниб ётганлиги айрим тарихий манбалар ҳамда кекса кишилар томонидан тақдим этилган афсона ва ривоятлар асосида тўлиқ аниқланган. Мана шу даврда пайдо бўлган номлар этимон термини асосида талқин этилади. Этимолок таҳлил қилишда этимон тушунчасини А.Белецкий сўзнинг биринчи шакли ва илк маъноси сифатида шарҳлаган бўлса, Н.Подольская номнинг илк шакли ҳамда маъноси деб талқин этган. Ўзбек топонимист олими Т.Эназаров эса ҳозирда тилимизда мавжуд сўз ёки морфеманинг келиб чиқишига асос бўлган сўз ёки морфема деб таърифлайди.

Туркий тиллар ономастикасининг тадқиқи манбаларидан бири бўлган туркий сўзларни араб лексикографияси талаблари асосида арабча изоҳлаб бера олган ва шу ўринда йигирмадан ортиқ туркий қабилалар яшаган ҳудудларнинг жой номларини йўлма-йўлакай ўрганиб, баъзи бир топонимларнинг ўша вақтдаги маъно нозикликларини мавжуд манбалар асосида талқин қилган М.Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарига бориб тақалади. Бу асар А.Н.Кононовнинг фикрича, «ХІ аср туркий халқларининг ҳаёти, турмуш тарзи, ... этнонимлар ва топонимлар. ... қавм-қариндошлик атамалари,.... географик номлар ва атамалар, ... турли тарихий, мифологик қаҳрамонларнинг номлари, диний, этник атамалар ва бошқалар



хақида маълумот берувчи ягона манбадир»<sup>17</sup>. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, бу асарда туркий тилларнинг улкан ономастик сатҳи ўз аксини топган.

Қизилтепанинг энг қадимги даврларини тавсиф этишда ҳудуддаги энг қадимий суғориш иншоотлари – гидронимларнинг айрим лисоний-когнитив ва лингвомаданий хусусиятлари тавсифига ёндашиш тадқиқот доирасида лозим топилди. Туман ҳудудининг қадимийлиги ҳамда археологик ёдгорликларнинг, маданий қатламларнинг бирмунча кўплигини ҳисобга олиб, мазкур ҳудудни диахрон планда тадқиқот объекти сифатида ўрганилишига етарли илмий назарий асос бор деб ҳисоблаймиз. Тадқиқот жараёнида Қизилтепада аниқланган мавжуд 72 номдаги тарихий-археологик ҳамда архитектура объектларнинг номлари ўрганилди. Уларнинг илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиш натижаси тарихий-археологик объектлар, тадқиқот топонимик объекти сифатида рўйхатга киритилди. Уларнинг изоҳлари келтирилган рўйхат қуйидагича шакллантирилди. (8-илова)

Қизилтепа тумани гидронимларига алоқадор қуйидаги суғориш тизимларининг мавжудлиги ҳудуднинг қадимги даврдан ҳозиргача деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқиш билан шуғулланганлигидан далолат беради. Зарафшон дарёси Бухоро воҳасининг, жумладан, Қизилтепа тумани (Коми Абу Муслим) оби-ҳаёт манбаи ҳисобланган.

XVII асрда яшаган балхлик аллома Маҳмуд ибн Валининг «Сирлар денгизи» асарида ёзилишича, қадимги Бухоро воҳаси 10 та туман ёки рустоққа (қишлоқ хўжалиги ҳудудларига) бўлинган. Уларнинг номлари эса шоҳариқлар номи билан юритилган. Улар орасида Коми Абу Муслим рустоқи ҳам бўлган. Коми Абу Муслим бирлигидаги «кам», «ком», «кон» морфемаси қадимги сўғд сўзларидан олинган бўлиб, «қазимок», «ариқ», «сув

---

<sup>17</sup>Наханова Л.А.Историко-семантическая интерпретация топонимов в Орхоно-Енисейских памятниках. Диссертация на соискание ученой степени (PhD) доктора философии. - Астана, 2014. -С.13; Кононов А.Н. Махмуд Кашгарский и его «Дивану лугат-ит турк»// Советская Тюркология. – 1972. №1. –С.3-17.

билан тўлдирилган жой» маъносини билдиради. Абу Муслим комининг аввалги номи Бурғози бўлган.

Юнон олимлари Зарафшон дарёси номини ўз тилларида «Политимет» – «юксак кадрли», «юқори кадрли», деб атаганлар. Юнон географи ва тарихчиси Страбон (мил.авв. 64-24 йй.) қаламига мансуб 17 китобдан иборат «География» асарида Политимет (Зарафшон) дарёси ҳақида муҳим маълумотлар бор<sup>18</sup>.

Ҳазора дарёси қуйисида Раскуй деб аталадиган жойдан Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғидан Абу Муслим канали ўзани бошланиб, Маликчўл сарҳади орқали туман марказидан 5 км.гача жануби-ғарбга оқади. Абу Муслим ўзанининг номи, унинг бошланиш ҳавзасидаги қадимий-тарихий ёдгорлик номи билан боғлиқ. Бу ёдгорлик Абу Муслим қалъаси (Абу Муслимтепа) номи билан ҳозирги кунга қадар юритилади. Абу Муслим ариғи, Абу Муслим қабристони ҳамда бу қабристонда Абу Муслим сағанаси бор. Бу қадимий ёдгорлик ҳақида Ҳ.Ҳасанов «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан» асарида «Абу Муслимтепа – Зарафшон водийси бўйида, Қизилтепа станциясидан шимолроқда, қадимий қалъа вайроналари»дир, деб изоҳ бериб ўтган.

Зарафшон дарёсидан сув оладиган Қизилтепа худудида қуйидаги каналлар мавжудлиги гидроним сифатида топонимик объектларни ташкил этади: Абу Муслим, Зармитан, Эмакти, Варозун, Ревартун, Афғонон, Сўфиён, Нимқоб, Навганди, Ўба, Узбор, Пўстхўр, Муғжин, Тожикон, Обжувоз, Гумбаз, Узилишкент каби анҳорлар ҳозир ҳам сақланиб қолган. Кампирак (Канпирак) истехком девори ва у билан боғлиқ ономасиологик-этимологик, ономастик-номинацион хусусиятлар тавсифида ҳам Қизилтепа худудида муҳим тарихий илдизлар мавжудлиги қайд этилади.

Воҳа мудофаа девори сифатидаги Кампирак деворининг шарқий қисми Карманадан Ҳазорага, Ҳазорадан Ганчтепа, Абу Муслимтепа, Шаҳривайрон, Қизилтепа, Оқсочтепа, Ажвандитепа, Лавондоқтепа орқали ҳозирги Когон

---

<sup>18</sup> Maqsudov R., Rajabov Q. Qiziltepa tarixi. - Toshkent., 2016. – B.15.

тумани шарқий жанубига чўзилганлиги тарихдан маълум. Бухоро худудининг асосий қисмини ўраб олган мазкур археологик-тарихий ёдгорликнинг чегараланиши қуйидагича: ғарбий қисми Карманадан, Тошработ, Гиждувон, Ромитан, Жондор орқали, Қорақўл тумани худудига борган<sup>19</sup>.

**Қизилтепа туманидаги қадимий тепалар, мазорқўрғонлар ва карвонсаройлар.** Дўрмонтепа-Азизонтепа қадимги шаҳар ёдгорлиги; Сайилтепа - Андоқ қишлоғида жойлашган. Маълумотларга қараганда, бу ерда 3 минг йил илгари Наврўз байрами нишонланган; Ғамхўртепа – Ғамхўр қишлоғида жойлашган, V-VIII асрлар; Ғанчтепа - Тошработда жойлашган. Бу ёдгорликларни бўрихона ҳам деб атайдилар; Элмирзаттепа - бу ёдгорлик ҳам Тошработда жойлашган; Шаҳривайрон - Кампирак девори тизимидаги шаҳар истехкоми; Ўқтамсавобтепа - Шаҳривайрондан жанубда жойлашган карвонсарой; Қизилтепа ёдгорлиги туман марказининг шимолий-ғарбий чеккасида жойлашган. Кампирак девор тизимидаги катта савдо ҳамда ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган қалъа маркази. IV аср; Манғиттепа – Ўтмишда катта шаҳар вазифасини бажарган. Унинг қадимги номини тарихчи олимлар ҳозирги ўрни Ванғози деб тахмин қилишмоқда; Оқсочтепа – Кампирак девор тизимидаги кудратли мудофаа истехкомига эга кучли қалъа. IV-V аср; Хўжа Ажвандитепа - ўтмишда шаҳар бўлган; қалъа сифатида фаолият кўрсатган; Лавандоқтепа - милодий эрадан аввалги I асрда асос солинган. Кампирак девор ўз аҳамиятини йўқотгандан сўнг, унинг тизимидаги кўриқчи шаҳар ва қишлоқлар ҳам таназзулга учраган; Хушартитепа – ҳозирги Ғардиён худудида; Тотиёнтепа - ҳозирги пайтда бу ёдгорлик бузиб йўқотилган; Бўстонтепа – Сўғдиёнанинг биринчи шаҳарларидан бўлиб, унинг қуйида Боязид Бистомий рамзий қабри мавжуд; Хожағойибтепа – V аср, Ғойиб ота қабри бор; Мирҳошимтепа – Ванғози агроэкспорт корхонаси худудида. Ҳозирги пайтда бузилган; Новвойонтепа – V аср; Ишлонкўптепа V аср, ҳозир қабристон; Кесакхўртепа

---

<sup>19</sup>Maqsudov R., Rajabov Q. Qiziltepa tarixi. - Toshkent., 2016. – B.34-287.

–V аср; Талолактепа – V аср. Ҳозир мавжуд эмас; Талиумартепа - IV аср; Қасриомонтепа – IV аср; Хартазонтепа – IV-V асрлар; Ревартунтепа - санаси номаълум; Эмактитепа - санаси номаълум; Синжаметонтепа – V аср. **Митан** сўзи сўғдча уй, макон, кўналға, манзилгоҳ маъноларини билдиради. Бу ерда Ҳазрати Имло зиёратгоҳи мавжуд; Қудахонтепа – Афғонон қишлоғида. V-VIII асрлар; Қўрғонтепа – Зармитан қишлоғида. Санаси номаълум; Саъдваққостепа – Шоҳруд қалъаси ёқасида. Зармитан қалъаси шу ёдгорлик ўрнида бўлган деган фикр ва ғоя мавжуд; қадимда ўзбек ва форсий (эроний) халқлари таркибида Митан қабиласи қишлоқ номини Зармитан деб олганлиги тўғрисида ривоятлар мавжуд; Хожамозортепа – санаси номаълум; Пуштикалонтепа – санаси номаълум; Хусбуддинтепа – V аср. Бу ҳудудда машҳур Хусбуддин ўриги етиштирилган; Мозортепа – санаси номаълум; Варозунтепа – V аср; Чорбоғтепа – санаси номаълум; Қўлбатепепа – V аср; Авазбоботепепа – V аср. Консурун қишлоғидаги ҳовуз ва қудуқларда Нуротадагидек балиқлари бўлган; Каттатепепа – V-XII асрларда шаҳар сифатида фаолият кўрсатган. Қадимги даврларда бу ерда ўн кун бозор бўлган<sup>20</sup>.

**Қизилтепада мавжуд мазорқўрғонлар.** Бухоро сўғдининг маданияти туб аҳоли ва Зарафшон воҳасининг шимолий томони чўл ҳудудларида яшовчи кўчманчи чорвадорлар ҳаёт тарзи натижасида шаклланган. Сўғдийлар оташпарастлар бўлиб, олов, тупроқ, ҳаво, сувни муқаддас санашган. Бу тўрт унсур ҳақида Алишер Навоийнинг асарларида ҳам маълумот бор. Бу тўрт унсур (элемент) ҳақида бир қанча ривоят ва афсоналар мавжуд. Кўчманчи чорвадорлар осмоний жисмлар – Қуёш худоси Митра ҳамда ҳайвонларга сиғинишган. Шу сабабдан ҳам, ўликларни қурол-анжомлари билан дафн этишган. Кампирак девори ташқарисида Бухоро воҳасида, жумладан, Қизилтепа туманида мазорқўрғонлар вужудга келган. Масалан, Шаҳривайрон, Лавандоқ, Қуйимозор қабристонлари қабилар.

---

<sup>20</sup>Maqsudov R., Rajabov Q. Qiziltepa tarixi. - Toshkent., 2016. – B.34-297.

Мозорқўрғонлардан қайиққа ўхшаган тобутлар, қуроллар, идишлар, турли тақинчоқлар, пардоз буюмлари, қўйнинг олдинги оёғи, тангалар, остадонлар, ҳатто аёллар қабрида ўқ-ёй, камон учи топилган. Ўқ учлари бронзадан, кейинчалик темирдан ясалган.

Мозорқўрғонлардаги буюмларнинг маҳаллий аҳоли буюмлари билан ўхшашлиги, улар ўртасидаги муносабатлар уйғунлашиб бораётганидан; аёллар мозорқўрғонларида қурол-яроғнинг топилиши эса уларнинг жамият ҳаётида эркақлар билан тенг қатнашганидан далолат беради.

**Тавойис сўғд давлати таркибида.** Қадимги сўғд минтақаси Зарафшон водийси, Қашқадарё ҳавзаси маданий ҳудудларидан иборат бўлган ва Сўғдиёна Туроннинг қадимги тарихий маданий вилоятидан бири ҳисобланади. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да «Мен – Ахура Мазда яратган иккинчи зарзамин ва гўзал юрт Сўғд диёри эди» деб ёзилган. Ривоятнинг мавжудлиги Қизилтепа топонимлари тарихий-этимологик илдизларини тўлиқ исботлайди.

Ўрта аср тарихчи ва географлари томонидан «Сўғд минтақаси уч қисмда Самарқанд (Марказий Сўғд), Бухоро (Ғарбий Сўғд) ва Кеш-Нахшаб Сўғди (Жанубий Сўғд)га ажратилган»<sup>21</sup>лиги Ўзбекистон тарихи асарида тўлиқ тавсифланган.

**Ғарбий Сўғд** – ҳозирги Қизилтепа, Конимех, Бухоро ва Қорақўл маъмурий ҳудудларидан ташкил топган. Қизилтепа тумани Навоий вилоятининг Конимех, Навбаҳор, Кармана ва Қизилтепа туманлари; Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Вобкент, Бухоро ва Когон туманлари; Қашқадарё вилоятининг Муборак, Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани билан чегарадош.

**Қизилтепа топоними атамаси изоҳи ҳақида.** Тошрабат, Ванғози ва Бўстондан туманнинг шарқ томони Кўктоғга қараб борилса, уюм-уюм қизил рангли бархан тепаликлар кўз олдимизда намоён бўлади. Бундан юз йил

---

<sup>21</sup> Эшов Б., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. I жилд. (Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача).- Тошкент., 2014. –Б.108-109.

олдин ҳам, ҳозирги Қизилтепа шаҳри ўрнини, яйдоқ чўл бўлган даврни, Қизилтепа деб аташган. Кўктоғ ён-атрофлари яққол кўриниб турган. Шунинг учун одамлар қадимдан бу жойларни Қизил сифати этимони билан аташганлиги ривоят ва афсоналардан маълум.

Тадқиқотнинг ўрганилиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, номларнинг яралишида омил бўлиб хизмат қилган даврлар қуйидагича изоҳ этилди.

**Араблар даври.** Фан нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, ҳар қандай этник алоқалар, шунингдек, этномаданият хусусиятлари, бирламчи, тилда ўз ифодасини топади. Араб этник қатламининг (арабларнинг) Ўрта Осиё минтақасига, шу қаторида ўрганилган туман ҳудудига кириб келиши, узоқ давом этган этник-миграцион жараёнларни бошлаб берди. Натижада мазкур ҳудуд аҳолисининг этник шаклланишининг янада мураккаблашишига олиб келди. Тилимизга араб тилига хос сўзларнинг ўзлашганлиги, жой номларида араб этнонимининг бирмунча кўп учраши бунинг яққол далилидир. Араб этноними билан боғлиқ номлар Қизилтепа ҳудудининг сезиларли (асосан, бир қанча ареалида) даражада учрайди. Масалан: Арабон, Арабхона, Арабо, Арабқишлоқ, Араб, Қушайр, Араб тўпи қабилар.

VII асрда бостириб кирган Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги кўшин 709 йилда Тавойисни ҳам эгаллайди. Араб кўшинларига қарши сўғдийлар ва туркийлар кураш олиб боради. Қутайба макр ишлатиб, уларни бир-биридан ажратиб енгади, исломлаштириш учун сўғд ва бошқа аҳолини қириб ташлайди, зардуштийлар маънавий-маърифий ёдгорликларининг қулини кўкка совуради.

Ғардиён ҳудудида Абу Муслимтепа ёдгорлиги бор. Аммо бу ёдгорлик араб лашкарбошиси Абу Муслимдан анча олдин ҳам мавжуд бўлган. Абу Муслим ҳаракати ва Муқанна қўзғолонининг ислом динига эмас, даставвал, уммавийлар сулоласига қарши, сўнгра Араб халифалигининг сиёсий ҳокимиятига қарши ҳаракат, деб баҳолаганлар.

Абу Муслимнинг асли исми Иброҳим, лақаби Абу Исҳоқ, отасининг исми Муслим бўлган. Абу Муслим унинг лақаби бўлиб, у араб

халифалигининг Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ноиби бўлган. Лашкарбоши ва давлат арбоби сифатида тарих маълумотларига кирган.

Абу Муслимнинг Бухорода, жумладан, Қизилтепа туманидаги ҳозирги Абу Муслимтепада бўлгани ҳақида ривоятлар бор. «Қизилтепа туманида Абу Муслим анҳори борлиги, Қизилтепанинг Абу Муслим номи билан маълум даврда аталганлиги, ҳозирда ҳам унинг шахсига, халқпарварлигига халқнинг ҳурмат-эҳтироми бўлса керак»<sup>22</sup>.

**Мўғуллар даври.** Ўзбекистоннинг қадим ҳудудига мўғулларнинг бостириб кириши ва уларнинг истилоси оқибатида этноним ҳамда этнотопонимларнинг ривожини учун янги даврни бошлаб берди.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида маҳаллий уруғлар, қабилаларнинг мавқеи мўғулларга қай даража алоқадорлигига қараб белгилана бошлади. Тарихчи олимларнинг фикрига кўра, «Мўғуллар истилосидан сўнг XIII аср охири, XVI аср бошларида Зарафшон водийсининг шарқидаги йирик стратегик шаҳар ва муҳим савдо марказларининг мавқеи кўтарила борган»<sup>23</sup>. Қизилтепа тумани ҳудудидан қадимдан савдо қарвон йўлининг ўтганлиги, бу ҳудуднинг қандай даражадаги мавқега эга эканлигидан далолат беради. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида бундай ҳудудларга катта аҳамият берилган. Мўғуллар чорвадор халқ бўлганлиги боис, ҳудуднинг серсув, серўт яйловларига муқим ўрнашганлар. Найман, Найманча, Уйрот, Арғун, Айрончи каби топонимик номлар мўғул уруғларининг кўлами кенгайганлигини кўрсатади. Бу каби мўғул уруғлари Қизилтепа тумани ҳудудида ҳам миқдор жиҳатдан жуда кўп сонни ташкил этади. Бу тарихий жараёнлар туман ҳудуди жой номлари тавсифига асосланиб, мўғул уруғларининг жойлашиши мавжуд бўлганлигини исботламоқда. Кейинчалик маҳаллий халқ билан аралашиб, уларнинг таркибига сингиб кетганлар. Найман, Дўрман, Арғин, Ахтаци, Дархон, Қатағон, Кенагас, Сарой каби этнотопонимлар пайдо бўлган. Бу каби этнотопонимлар Қизилтепа ҳудудида

---

<sup>22</sup>Мақсудов Р. Қизилтепа зиёратгоҳлари. – Тошкент: Zilol buloq, 2020. – Б.54-55.

<sup>23</sup>Maqsudov R., Rajabov Q. Qiziltepa tarixi. – Toshkent, 2016. - 94 b.

керагидан ортиқ миқдорда мавжуд. Демак, Қизилтепа этнотопонимларини ўрганиш мазкур ҳудуд тарихини ўрганишга илмий-назарий асос бўлади деган хулосани берамиз.

**Қипчоқлар даври.** Қипчоқ уруғи қадимий туркий тилли қабиаларнинг энг йирик ва нуфузлиси ҳисобланиб, узоқ тарихий даврлар давомида этнослар аралашуви жараёнларида иштироки натижаси сифатида ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз каби туркий тилда сўзловчи халқларнинг миллат бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этган ҳамда уларнинг этник таркибига сингиб кетган уруғлардан саналади. Қипчоқ уруғининг тармоқларига асосланган этнотопонимлар Қизилтепа ҳудудида озчиликни ташкил этади: Қирғиз, Қозоқовул, Кўсаовул, Оқсоч қабила<sup>24</sup>.

**Шўролар даври.** Чор Россиясининг истилочилик ҳаракатлари ҳамда шўро сиёсати мафкурасининг нотўғри сиёсати оқибатида миллат тарихининг турли даврларида халқ турмуш тарзи, эътиқоди асосида пайдо бўлган этнонимлар ҳамда топонимларга боғлиқ тасаввур, тушунчаларга нисбатан эскилик сарқити тамғасининг ёпиштирилиши оқибатида кўплаб номлар йўқ қилинди. Натижада коммунистик мафкурани ифода этувчи миллий менталитетимизга ёт номлар юзага келди. Жумладан, Қизилтепа туманида қадимдан мавжуд этнотопонимлар ўрнида Ленинизм, Москва, Маркс, Калинин, Иттифок, Қизил Юлдуз, Тельман, Ленинград каби сунъий номлар қўлланила бошланди. Ўша даврда босқинчи инқилобчиларнинг номини абадийлаштириш учун жой номлари ўзгартирилиб, уларнинг номлари берилган. Бу ҳолат, нафақат, Қизилтепа тумани ҳудудида, балки бутун Ўзбекистонда бундай ҳолатни кузатиш мумкин эди. Масалан, туман ҳудудида Ленин (Гадойлар ва Майта қишлоғида), Социализм (Баланд Ғардиён), Қизил Ўзбекистон (Паст Ғардиёнда), Сталин (Сармозор ва Қушарти қишлоқларида), Янги турмуш (Кулолон ва Элобод қишлоқларида), Гулистон (Тотиён қишлоғида) номли жамоа хўжаликларининг ташкил

---

<sup>24</sup>Maqsudov R., Rajabov Q. Qiziltepa tarixi. – Toshkent, 2016. - 94 b.



этилиши бунинг яққол далилидир. Шунингдек, туман маркази ҳудуди билан чегарадош Ғиждувон туманида ҳам Ленинизм, Маркс, Энгельс, Коммунизм, Калинин, Фрунзе каби кўплаб турли объектлар номларида ҳам миллийлигимизга хос бўлмаган номларни кўплаб учратиш мумкин эди.

Туман аҳли шўролар тузуми даврида ўзининг қадим авлодлардан қолган бошқа миллий ва диний кадриятлари қатори хунармандчилик анъаналарини ҳам йўқотган. Хусусий мулкчиликнинг тағ-томири билан йўқотилиши, жамоалаштириш сиёсати оқибатида қишлоқ одамлари оддий деҳқонга – дала меҳнатчисига айланиб қолган. Шунинг учун ҳам одамлар, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланадиган бўлиб қолган.

Демак, Шўро ҳукумати даври Қизилтепа топонимлари (аниқроғи антропотопонимлари)ни ўрганиш ўша мустабид тузум тарихига бир назар десак ҳам бўлаверади. Улар бу билан чегараланмасдан, 1937-1938 йилларда ўзларининг айбларини бостириш учун Қизилтепа ҳудудида ҳам 60 фоиз жой номлари ўшалар номига ўзгартирилган. Ҳозирда бу жой номларининг аксарият барчаси янгиланди.

**Мустақиллик даври.** Жамият тараққиёти тўхтовсиз давом этар экан, мамлакатларнинг халқаро даражадаги турли хил алоқалари ривожланиб боради. Янги-янги алоқаларнинг вужудга келиши, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, халқларнинг сиёсий қарашларининг ўзгариши, буларнинг ҳаммаси жой номларида ҳам ўз аксини топади. Масалан, ўтган XX асрда аввалига инқилоб намоёндалари исм-фамилиялари билан боғлиқ жой номлари, кейинроқ Зарбдор, Ёшларобод, Илғор, Янгирўзғор, Янгиобод, Мустақиллик каби топонимлар вужудга келди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин тарихий жой номлари қайта тикланди, шунингдек, янги жой номлари пайдо бўла бошлади. Мустақиллик майдони, Истиқлол, Эркинлик, Бунёдкор ва бошқалар. Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳоли пунктларини қайта номлашда, миллий руҳга йўғрилган номлар асосида номлаш кенг йўлга қўйилди. Натижада, мустақиллик йилларида тилимиз,

хаётимизга бегона бўлган номлар ўрнига янги, миллатимизнинг тарихий анъаналари, кадриятларига хос ва мос номлар қўйила бошланди.

Неотопонимлар – янги туркум жой номлари бўлиб, замонавий бирликларнинг пайдо бўлиши асосида вужудга келади. Бундай ўзгартирилган янги жой номлари республикамизда бўлгани каби, Қизилтепа микротопонимиясида ҳам вужудга келган. Масалан, «Қуйимозор» корхонаси, «Навоий Гулбоғ сервис» МЧЖ, «Амриддин Ашур», «Гулшан Дурдона», «Демас зар замин», «Султон Маҳмуд Бўстони», «Бобомуродов Акмал Зиёдуллаевич», «Чорбоғ ғаллакори» фермер хўжаликлари, «Шароф Бозор соҳибкор» таъмирлаш устахонаси «Зарина», «Асилбек зиёнур», «Юксунтуз» хусусий корхоналари, «Қуёшжон» мактабгача таълим ташкилоти, «Ванғози агроэкспорт» корхонаси ва бошқалар. (11-илова)

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, «республика ҳудудидаги жой номларини тартибга солиш, ўзгартириш ва қайта номлаш»<sup>25</sup> бўйича босқичма-босқич ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, мустақилликнинг илк йилларида тоталитар тузум мафкурасини ифода этувчи номларни бартараф қилиш мақсадида туман маъмуриятининг ўзбошимчалик асосида жой номларига нисбатан муносабати юзага келди (шахс номларининг топонимик ном сифатида қўлланилиши). Бу ҳолатни тўғри англаган ва баҳолай олган ҳукуматимиз томонидан қонун ва қарорлар чиқарилиб, ҳеч бир асоссиз ўзгартирилган, унутилишга юз тутган тарихий номлар тикланди, «жой номларига миллий, тарихий-анъанавий, ўзбекона руҳ бериш»<sup>26</sup> асосида кенг қамровли ишлар ташкиллаштирилди ҳамда амалга оширилди. Бу ҳолат ҳам Қизилтепа тумани топонимикасига ҳам ўз

---

<sup>25</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон 448-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги 295-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон 483-модда) ижросини таъминлаш, шунингдек, географик объектларни номлаш соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)

<sup>26</sup> Ражабов Қ., Максудов Р. Қизилтепа тумани: кеча ва бугун. – Тошкент: САННОФ, 2021. – 408 б.

таъсирини кўрсатди. Жумладан, генетик шаклланиш жиҳатларига кўра тарихий этнотопонимлар қуйидагича тавсифланди:

**92 бовли ўзбек уруғлари билан боғлиқ этнотопонимларнинг тарқалиш ареали.** Бошқа туркий халқлар сингари ўзбек халқи ҳам муайян уруғ, қабилаларнинг этник қатламидан таркиб топган. Ўтмиш тарихимиз гувоҳлик берадики, ўзбек аجدодлари Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларда жуда қадим даврлардан буён яшаб келган бўлиб, ўзбек элатининг асосини, рамзий маънода ўқ илдизини ташкил қилган. Ён илдизларнинг ўқ илдизга бирикиб бориш жараёнида ўзбек элати вужудга келган<sup>27</sup>. Янги этноснинг вужудга келиши бир неча этник гуруҳларнинг етакчи этнос атрофига жипслашишидан бошланади. Қизилтепа тумани этнотопонимлари орасида ўзбек уруғлари билан боғлиқ жой номлари салмоғи ва тарқалиш чегарасининг кенглиги билан бошқа этнотопонимларга караганда етакчилик қилади. Масалан, Дўрмон, Қипчоқ, Қатаған, Манғит, Кенагас, Сарой, Найман, Айрончи каби этнотопонимлар учраши фақат Қизилтепада эмас, балки бундай этник туркий уруғлари бутун республикамизнинг барча ҳудудларида учрайди.

**Маҳаллий туркий уруғлари билан боғлиқ этнотопонимларнинг тарқалиш ареали.**

Туркий қабилалар ўзбек халқи этник таркибидаги асосий 7 қатламдан бири ҳисобланади. Улар Ўрта Осиё, хусусан, Зарафшон водийси ҳудудида доимий равишда турғунлашиб, маҳаллий халқлар билан этногенетик ва маданий алоқаларда бўлиб келганлар. Уларга илмий адабиётларда Ўрта Осиё ҳудудига Шайбонийлардан аввал келиб ўрнашган туркий, турк-мўғул қабилаларининг авлодлари сифатида қаралади. Ҳозирда Қизилтепа туманининг ўзларини туркий элат вакили ҳисобловчи аҳолининг катта қисми форс-тожик қавмлар билан бирга иноқ яшайдилар.

Тадқиқотимиз натижасида келтирилган ҳудудда барқут, урганжи, туркман, қирғиз, қорақалпоқ, қозоқ, мирзалар, ўба, олатўпи, мирзатўпи,

---

<sup>27</sup>Maqsudov R., Rajabov Q. Qiziltepa tarixi. – Toshkent, 2016. - 94 b.

айрончи, қўлба, мерган, сарибош, сарой, қутчи каби майда қавмларнинг авлодлари яшаётганлиги аниқланди<sup>28</sup>. Муҳими шундаки, ушбу этнослар ёрдамида тилимизда муайян этнотопонимлар вужудга келганлигини кўришимиз мумкин: Хўжатўпи, Урганжи, Қирғизон, Ўба, Айрончи, Қўлба, Мерган, Сарибош, Манғит, Найманча, Сарой, Қозоқовул қабилар.

Қирғизлар билан боғлиқ этнотопонимларнинг тарқалиш ареали. Зарафшон водийсида ўзбеклар билан ёнма-ён, ҳатто аралшиб яшаб келаётган қирғиз халқининг этномаданий алоқалари қадим даврларга боради.

Қозоқлар билан боғлиқ этнотопонимларнинг тарқалиш ареали. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, турли этник қатламларга мансуб уруғ ва қабилаларнинг узоқ мураккаб тарихий жараёнларда ўзаро аралашуви натижасида турли туркий миллатлар қаторида ўзбек миллати ҳам шакллانганлигини кўраемиз.

Тадқиқот натижасида аниқланишича, қозоқлар, асосан, Қизилтепа худудида қуйидаги манзилларда яшаши аниқланган, ушбу худудларда Қозоқовул, Кўсаовул каби аҳоли масканларининг мавжудлиги бунинг яққол далилидир.

**Форс-тожик халқлари билан боғлиқ этнотопонимларнинг тарқалиш ареали.** Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асари, асосан, туркий уруғлар ва қабилалар ҳамда араб тилларини ўрганишда энг муҳим манба саналиб, унда этнографияга, тарихга, географияга ҳамда фольклорга доир қимматли маълумотларни топишимиз мумкин. Профессор Ҳ.Дадабоевнинг фикрича, «У туркий тилларнинг фонетик ва грамматик хусусиятларини турк, ўғуз, қипчоқ шевалари материаллари асосида қиёслайди»<sup>29</sup>. Маҳмуд Кошғарийнинг фикрича, «Улар икки тилда, кўпинча, туркий ва сўғдча ёки форсийда сўзлашувчилардир. Уларнинг ҳар бирларининг тилларини ўз ўрнида сўзлайман», дейди<sup>30</sup>. Кўринадикки, Кошғарий ўз асарида туркий ва эроний (сўғд, форс) тилларнинг ўзаро таъсирини назарда тутди.

<sup>28</sup>Maqsudov R., Rajabov Q. Qiziltepa tarixi. – Toshkent, 2016. - B. 3-90.

<sup>29</sup> Дадабоев Ҳ. «Девону луғотит турк»нинг тил хусусиятлари. – Тошкент, 2017. –Б. 6-40.

<sup>30</sup> Маҳмуд Кошғарий. “Девону-луғотит турк, 1- том. –Тошкент: Фан, 1960. -Б. 65.

Форс-тожик халқлари Ўрта Осиё, жумладан, Зарафшон воҳасининг қадимги этносларидан биридир. Улар, асосан, воҳанинг ғарбий ва шимолий-ғарбий қисмида жойлашган. Ҳозир Қизилтепа туманида тожик этноними асосида қуйидаги жой номлари учрайди: Каттатожик, Тожикмаҳалла, Тожикон, Тожик қишлоқ қабилар.

## **1.2. § Ўзбек этногенезини ўрганишнинг тарихий, лисоний, когнитив, семиологик ва ономастик хусусиятлари**

Шахснинг атроф-муҳит, борлиқ ҳамда макон тушунчаларига нисбатан унинг муносабати мулоқот орқали юзага чиқади. Ушбу муносабат натижасида макон ва борлиқ манзарасини турли шаклларда, белгиларда онгида намоён этиши орқали мужассамлашади. Мана шу каби турли белги, шакл, ранг ҳамда бошқалар орқали топонимик манзара номи пайдо бўлади. Географ олим Қ.Ҳакимовнинг фикрича, «Ойконимларни тизимли тадқиқ қилиш, нафақат жой номларининг келиб чиқиши, балки ушбу ҳудудда яшовчи халқларнинг тили, тарихи, этнографияси, турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий қадриятлари, касб-кори каби бир қатор масалаларни ойдинлаштириш имконини беради»<sup>31</sup>. Тилшунос олим С.Аҳмедов «Баъзи топонимлар халқ эътиқоди, дунёқараши, маданий муносабатларини ифодаловчи бирликлар асосида юзага келган, дейди ва уларни бир қанча гуруҳларга ажратади»<sup>32</sup>.

**Этнотопонимларнинг семантик хусусиятлари.** Навоий вилояти Қизилтепа тумани топонимикасининг характерли хусусиятларидан яна бири, яъни турли миллат, халқ, элат, қабила ва уруғ номи билан аталган этнотопонимларнинг кенг тарқалганлигидир. Туман ҳудудида ўзбек-туркий уруғлари билан биргаликда қирғиз, қозоқ каби халқлар ҳамда тожик халқига мансуб этник гуруҳлар яшаб келади. Шу сабабдан ҳам этник гуруҳлар

<sup>31</sup>Ҳакимов Қ. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида). География фан...ном.. дисс. Автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 2.

<sup>32</sup> Аҳмедов С. Жиззах вилояти топонимларининг семантик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Самарқанд, 2019. – 20 б.

номларига оид сўз ўша жойда қўлланган топонимларда ҳам ўз ифодасини топган: Қозоқовул, Тожикқишлоқ, Тожикмахалла, Арабон, Тожикон ва бошқалар топонимикасида этноойконимлар салмоғи катта. Қизилтепа топонимикасида этник жиҳатдан бир қанча турларда элат ва халқлар яшаганлиги боис, уларнинг яшаш тарзига боғлиқ микротопонимлар мавжуд. Уларнинг аксарият кўпчилиги мустақилликнинг илк даврларида қайта тикланди<sup>33</sup>. Буни этник номларнинг унутилиши ҳамда Ўртачўл худудини ўзлаштириш натижасида пайдо бўлган аҳоли пунктлари номларининг давр талаби асосида жой номлари қўйилганлиги билан изоҳланади.

### **Антропотопонимларнинг ономастик–этимологик хусусиятлари.**

Мазкур минтақа ва худуд жой номлари, хусусан, микротопонимлар ичида антропотопонимлар, яъни кишиларнинг исми, фамилиялари ҳамда лақаблари билан аталадиган топонимлар сон жиҳатидан этнотопонимлардан кейинги ўринда туради. Шахслар номини жойларга қўйиш катта тарихий билимни талаб этиб, унда шахснинг келиб чиқиши, таълим-тарбия, ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий, ҳарбий-сиёсий, жамият тараққиётида тутган ўрни, ақл-тафаккури, Ватан ва маҳаллий худуд ривожига қўшган ҳиссаси алоҳида ўрин тутди. Шу сабабдан ҳам Қизилтепа топонимларининг антропотопонимлар билан номланишида ўзига хос ёндашув кузатилади. Навоий вилояти худудидаги бир қатор антропотопонимларнинг халқ эътирофи асосида шаклланганлигини Қизилтепа микротопонимиясининг ўзига хос хусусияти сифатида баҳолашда, мазкур худуд топонимикаси бўйича тўпланган материаллар тўлиқ асос бўлади дейиш мумкин.

**Шахс фаолияти билан боғлиқ топонимларнинг семантик-этимологик таҳлили.** Айрим топонимлар шахсларнинг турли хатти-ҳаракатлари, кундалик ҳаётидаги фаолияти билан боғлиқ ҳолда номланади: Чармгарон, Читгарон, Новвойлар, Тадбиркорлар, Совунгарон, Қаламфуркоро ва бошқалар. Масалан, Новвойон топоними ўз номидан келиб чиқиб, қишлоқ аҳли қадимдан нон пишириш фаолияти билан шуғулланганлигини

<sup>33</sup>Maqsudov R., Rajabov Q. Qiziltepa tarixi. – Toshkent, 2016. – B.31-79.

ифодалайди. Натижада қишлоқ номи адресантлик функцияси орқали Новвойон шаклида қўлланила бошланган. Бу каби киши фаолияти билан боғлиқ шу каби кўпгина ойконимларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шу қишлоқнинг шарқида қадимда Қаламфуркоро деган қишлоқ ҳам мавжуд бўлган. Қаламфур – қалампир; кор – иш, меҳнат; коро(н) – касб эгаси, машғулот билан боғлиқ бўлган шахс оти ясайди (форс-тожикча). Қишлоқ аҳолиси аччиқ сабзаёт экинлари: пиёз, қалампир, саримсоқпиёз етиштириш билан шуғулланганликлари учун қишлоқ шу номни олган дейишади. Ҳозир бу қишлоқ номи ёзма манбаларда ишлатилмайди.

Тарих, лингвистика, этнография, когнитология, семиотика ва бошқа гуманитар фанлардаги мавжуд илмий изланишлар ҳамда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, академик А.Асқаров шундай таърифлайди: «Ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи икки босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқич – этногенез, иккинчи босқич – этник тарихдан иборат»<sup>34</sup> деган ғояни илгари суради. Шунингдек, академик А.Асқаров этногенез ва этник тарихнинг узок давомий жараёنлиги хусусида: «Халқ этногенези жуда узок давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён. Унинг ибтидоси қабила ва қабила иттифоқидан бошланади. Қачонки, айнан ўрганилаётган халқнинг этногенези яқунлангач, унинг иккинчи босқичи, яъни этник тарихи бошланади. Этник тарих ҳам жуда узок давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён бўлиб, этник тарих ўз ривожининг маълум нуқтасига етгач, унинг миллат бўлиб шаклланиш жараёни бошланади. Мана шу илмий-методологик асосдан келиб чиққан ҳолда, халқларнинг этногенези ва этник тарихи ўрганилади. Халқларнинг келиб чиқиши масаласида, яъни этногенез ва этник тарихни ўрганишда махсус назарий ҳамда илмий методологик ишланмалар борки, уларга асосланмай туриб, бирор халқнинг келиб чиқиши

---

<sup>34</sup>А.Асқаров. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари./Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари./ Тошкент., 2004. 19-20 ноябрь. – Б. 3-10.

хақида тўғри тасаввурга эга бўлиш қийин. Биринчидан, ҳар бир халқ ҳозирда яшаб турган ҳудудлари билан азалдан боғлиқдир»<sup>35</sup>, деган тўхтамга келади.

Демак, жаҳонда ўзининг этногенез жараёни даврида бошқа этник бирликларнинг аралашуви содир бўлмаган бирорта халқ йўқ. Бу тўғрида профессор С.П.Толстов шундай деган эди: «Ҳозирги замон Ўрта Осиё халқларининг биронтаси ҳам қадимги этник гуруҳларга бевосита бориб тақалмайди. Аксинча, уларнинг шаклланишида, ерли халқлар ва теваарак-атрофдан кўчиб келган халқлар ҳар хил нисбатда ўз аксини топган»<sup>36</sup>. Бу каби тавсифлар ўзбек халқига ҳам тегишли. Шундан келиб чиқадики, ўзбек халқининг қадим аجدодлари туркий тилли ҳамда эроний тилли элатлардан таркиб топган этник бирлик бўлиб, уларнинг ватани бўлган Мовароуннаҳр минтақаси ўзбек элатининг халқ бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Бу уларнинг йиллар давомидаги қоришуви жараёнида содир бўлган.

Демак, икки тилда сўзлашувчи этник бирликлардан ўзбек халқи таркиб топган. Тўғри, академик А.Асқаров фикр ва ғояларида асосий эътибор халқнинг тарихи ҳамда унинг этник таркиби ҳақида фикр юритилганлиги, топонимиканинг этимологик асосланишини ўрганишга катта илмий-назарий асос бўла олади. Ҳолбуки, Қизилтепа тумани топонимларининг шаклланишида этник, тарихий, этногенез ва бошқа тарихий-ижтимоий ҳулосалар чуқур ўрганилган бўлса ҳам, тилшунослик, когнитология, семиотика фанининг ҳосиласи сифатида уларнинг этимологик таркиби тўлиқ ҳамда мукамал ўрганилмаган.

Иккинчидан, этногенез ҳамда этник тарихнинг когнитив, фалсафий хусусиятларини ўрганиш жараёнида, аввало, ўрганилаётган халқ этногенези қайси даврдан бошланганлигини аниқлаб олмоқ керак. Чунки кишилик тараққиётининг муайян бир босқичида этнос пайдо бўлади<sup>37</sup>, деган илмий ҳулоса мавжуд. Шундан келиб чиқиб, қадим ўтмишда яшаган «аждодлар»га

<sup>35</sup> Кўрсатилган манба. –Б. 3-10.

<sup>36</sup>Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ, 1947. №VI-VII. - С.304.

<sup>37</sup>Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журналы. 2002 й. №4. –Б. 3-10.



этносининг бориб тақалишини этногенезнинг илк нуқтаси деб ҳисоблаш мумкин<sup>38</sup>. Худудда истиқомат қилаётган ўзбек ва тожикзабон тилли халқларнинг қадимги аجدодлари кимлар эди, деган савол бизни ўйлантиради. Улар Мовароуннахрнинг туб жойли ўтроқ ва чорвадор аҳолиси бўлиб, туркий ва эроний тил лаҳжаларида сўзлашишган. Бу борада академик А.Асқаров «Бу икки хил тилда сўзлашувчи қабила ва элатларнинг биринчи бор бир-бирлари билан аралашиб жараёни ўзбек этногенезининг бошланиши, дастлабки нуқтаси ҳисобланади», деган қимматли фикрларни беради. Шунингдек, профессор. А.Ю.Якубовскийнинг «Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида» асарида: «Ўзбек этногенези Турк хоқонлигидан бошланади», – деб таъриф бериб ўтган<sup>39</sup>. Академик А.Асқаров: «Забардаст олим С.П.Толстов ўзбек халқи этногенезининг бошланиши Қанғ давлати доирасида содир бўлди, «Қанғ давлатининг таркибида ва у эгаллаб турган минтақаларда ўзбек халқининг илк аجدодлари яшаган, буларнинг этник таркиби ва тили бир хилда бўлмаган деган ғояни илгари суради» деб таъкидлайди. С.П.Толстов ўртага ташлаган бу ғоя Ўзбекистон худудларида олиб борилган кенг кўламли археологик ва антропологик материалларда ўз исботини тўлиқ топган. С.П.Толстов ғоясининг кенг кўламли илмий исботи академик К.Шониёзов асарларида келтирилган. Шунингдек, К.Шониёзов С.П.Толстов фикр-мулоҳазаларига баъзи бир аниқликлар киритиб, «Қанғ давлати ўрамида мураккаб этник жараён юз берган. Аммо бу жараён ўзбек аجدодларига хос этногенетик жараён эди. Бу элат эрон тилли халқлар билан туркий тилли қабилаларнинг аралашиб, қоришиб бориши натижасида ташкил топди», -деган хулосага келади»<sup>40</sup> дея таъриф беради. Мутахассис олимлар томонидан қимматли далилий материаллар тўпланган бўлса-да, аммо бу минтақада ўтмишда истиқомат қилган аҳоли тили хусусида чиқарилган

<sup>38</sup>Асқаров А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекской народы. (Материалы к этнической истории населения Средней Азии). –Ташкент, 1986. - С. 3-10.

<sup>39</sup>Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида – Тошкент., 1941. – Б. 6-7.

<sup>40</sup>А.Асқаров. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари./Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари./ - Тошкент., 2004. 19-20 ноябрь. –Б.4.

хулосалар холислик ва тарихийликдан анча йироқ эди. Чунки бу даврда совет мафкурасининг таъсири остида бир қатор тилшунослар томонидан «Қора денгизнинг шарқий соҳилларидан то Байкалгача чўзилган чўлларда қадимда эроний тилли аҳоли яшаган, бу географик кенгликнинг фақат Тоғли Олтой кисмидагина туркийлар яшарди»<sup>41</sup>, деган нотўғри талқин юзага келган эди. Натижада собиқ тузум даврида жамланган илмий назарий материалларни қайта таҳлилдан ўтказиш, истиқлол берган сиёсий ғоявий эркинликдан тўғри фойдаланилганлиги натижасида, ўзбек халқи этногенезининг илк босқичи минг йил нарига қадимийлашди. «Ўзбекларнинг икки хил тилда сўзлашувчи илк аждодларининг, нафақат иқтисодий ва маданий, балки этник жиҳатдан ҳам бир-бирларига яқинлашиш, аралашуш, қоришиш жараёни сўнгги бронза давридан бошланди, -деган хулосага тўлиқ бўлмаса-да, келинди»<sup>42</sup>. Бу каби ўта долзарб илмий талқиннинг юзага келишида бир қатор манбаларнинг аҳамияти катта бўлди.

Этнос ҳақида ўз даврининг етакчи олими ва тадқиқотчиси Э.М.Мурзаевнинг таъкидлашича, «бу биологик ҳосила эмас, балки ижтимоий ҳодиса эканлигидир»<sup>43</sup>. У кишилиқ тараққиёти маълум бир босқичининг ҳосиласидир. «Этнос ўзининг шаклланиш жараёнида, яъни этногенез босқичида ва ундан кейин ҳам ҳар хил тарихий сабабларга кўра, унинг таркибига янгидан-янги этник қатламлар қўшилиб боради»<sup>44</sup>. Бу табиий ҳол бўлиб, дунёда ҳеч бир халқ йўқки, у ўз этногенез жараёнининг илк

---

<sup>41</sup>Смирнов К.Ф. Е.Е.Кузьмина. Происхождения индоиранцев в свете новейших археологических открытия. М., 1977. - С.5-56; Кузьмина Е.Е. Происхождения индоиранцев в свете новейших археологических данных. Сб. Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. Москва., 1981. - С.101-125.; Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии?. Материальная культура племен Андроновских общности и происхождения индоиранцев. - Москва., 1994.; Дьяконов И.М. Прородина индоевропейцев (по поводу книги Е.Е.Кузьминой «Откуда пришли индоарии?» ВДИ. 1995. №1. - С.123-130.; Грантовский Э.А. Ранняя история иранских племен Передней Азии. - Москва., 1970. - С.351-358; Бонгард-Левин Г.М., Грантовский Э.А. От скифии до Индии. -Москва., 1983 г.; Оранский И.М. иранские языки в историческом освещении. -Москва., 1979.

<sup>42</sup>Асқаров А. Мустақиллик йиларида тарих, археология ва этнология. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали. 1996. №6. –Б.71.; Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали. 2002 й. №4. –Б.55.

<sup>43</sup>Мурзаев Э.:Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – Москва: Мысль,1974. - 382 с.; Мурзаев Э.М. География в названиях. – Москва: Наука, 1979. - 166 с.; Мурзаев Э.М. Апеллятив в топонимах Средней Азии // ОСА.– Фрунзе: Илим, 1980. - С.198-211.; Мурзаев Э. М. Тюркская этнотопонимия // Этническая топонимика. – Москва. 1987. - С. 36-61.;Мурзаев Э. М. Словарь народных географических терминов. –М., Мысль, 1984. - 654 с.

<sup>44</sup>Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали. 2002., №4. – Б.55.

босқичларидан то миллат даражасига кўтарилгунича бошқа этник кўшилмаларсиз ривожланган бўлса.

Бундан келиб чиқадики, дунё халқларининг барчаси келиб чиқиши жиҳатидан, жумладан, Қизилтепа худуди этник қатлами ҳамда топонимларининг келиб чиқиши ва этимологик хусусиятига кўра, турли этник қатламларининг кўшулуви натижасидир. «Ўзбек халқининг ибтидоси бунинг яққол ифодаси ҳисобланади. Ҳақиқатан, ўзбек халқи этногенетикаси бирламчи даврлардан халқ бўлиб шакллангунига қадар, унинг негизини этник жиҳатдан турли қатламлар ташкил этганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ўзбек халқининг қадимий этногенези туркий тилли этник қатламлардан бошқа турли этник гуруҳларни ҳам даврлар давомида ўзига сингдириб борган»<sup>45</sup>.

Ошанин Л.В. ўзининг «Ўрта Осиё аҳолисининг антропологик таркиби ва унинг халқи этногенези» асарида «Ҳар бир халқнинг этник тарихини ўрганиш этник бирликнинг шаклланиш жараёнини илк босқичдан бошлашни тақозо этади. Этник бирликнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унинг этносга айланиши жуда қадим-қадим замонлардан бошланиб, то унинг халқ бўлиб шакллангунига қадар давом этадиган бутун бир тарихий жараёндир. Этнос тарихининг муҳим босқичларидан бири эса унинг узил-кесил шаклланиш жараёнининг ниҳоясига етишидир. Агар этнос шаклланиши ниҳоясига етган бўлса, унга кейинроқ кўшилган этник компонентлар шаклланган этнос таркибини ўзгартириб юбора олмайди, балки унинг таркибида этнографик гуруҳлар сифатида узоқ вақтлар яшаб, маълум бир тарихий воқелик таъсиридан сўнг этнос таркибига сингиб кетади. Улар жанубий Сибирь худудларида истиқомат қилган кўчманчи этник қатламлар антропологик типининг тимсоли сифатида Зарафшон водийси, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг тоғолди ва чўл минтақаларида узоқ вақт алоҳида этнографик гуруҳлар бўлиб яшаб келганлар. Уларнинг бадавлат аслзода табақаси шаҳарларга ўрнашиб, Ўрта Осиё ўзбек хонликларини бошқарсалар ҳам,

---

<sup>45</sup>Кўрсатилган манба. – Б. 55.

уларнинг маҳаллий туб жойли аҳоли таркибига сингиши жуда секин кечди»<sup>46</sup>, деган фикрларни билдиради. Ҳар қандай халқнинг этник ўтмишини ўрганишда унинг этник бирликнинг вужудга келишининг илк босқичлари, этник хусусиятлари белгиларини ўрганиш маълум даражада илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширади. Этногенез жараёни давомида этник белгилар бирма-бир таркиб топиб боради. Этник белгилар орасида тил бирлиги, ўзликни англаш ва этномаданият ўзига хос аҳамиятга эга. Бу борада этнос масалалари билан шуғулланган олимларнинг фикр-мулоҳазалари мавжуд. Масалан, археолог В.Ф.Генинг «Этник белгиларни, этносни уюштирувчи этник омиллардан фарқ қилиб, этник белгиларнинг муҳим томонини доим этник маъно ва мазмун касб этади»<sup>47</sup>, деган фикрни билдиради. Шунингдек, у бирлик сифатида ҳудудий ҳамда иқтисодий хўжаликни этник муносабатлар ва этник онгнинг туғилишига асос берувчи, этносни уюштирувчи объектив омиллар сифатида қарайди. Этнограф В.В.Мавродин «Тил ва ўзликни англаш бирлиги элатни халқ сифатида бирлаштирувчи муҳим омилдир»<sup>48</sup>, дейди. Шунга кўра, этногенетик илмий тадқиқотларининг тўғри йўналишдалигини таъминлаш, этногенезнинг этник хусусияти ривожланишида этник белгилар ва этник омилларнинг таркиб топиш жараёнини кузатиш билан боғлиқ ҳисобланади. Этномаданий ҳамда антропологик тип, ҳудудий, иқтисодий хўжалик ва сиёсий уюшма бирликлари, шунингдек, муайян бир давлат доирасидаги этноснининг жипслиги этник омиллар таркибини ташкил этади. «Этник белгиларга эса тил бирлиги, этник жой номлари ва ўзликни англаш бирлиги, яъни тарихий қисматнинг умумийлиги киради. Уларнинг таркиб топиши бир даврда юз бермайди деган илмий-назарий хулосалар асосли эканлиги, балки улар узоқ давом этган тарихий жараёнда бирин-кетин шаклланиб боради, деган хулосани беради.

---

<sup>46</sup>Ошанин Л.В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез его народов. Ч.1-3. Ереван. 1957-59. С.59

<sup>47</sup>Генинг В.Ф. Этнический процесс в первобытности. - Свердловск, 1970. - С.23.

<sup>48</sup>Мавродин В.В. К вопросу о складывании Великорусской народности и русской нации. СЭ, №1. 1947. - С.89.

Уларнинг асосий қисми таркиб топгач, элат халқ сифатида шаклланади, этногенетик жараён яқун топиб, этник тарих, халқ тарихи бошланади»<sup>49</sup>.

Масала моҳиятига комплекс ёндашиш этногенетик жараёнларни ўрганишда, яъни этногенез билан боғлиқ илм-фан ютуқларидан фойдаланиш муаммо ечимининг илмийлигини англатади<sup>50</sup>. Академик А.Асқаров «Этногенез муаммоларини ҳал этишда фойдаланаётган бирламчи манбаларнинг нисбати ва хусусиятини билиш муҳимлигини ва бу бирламчи манбаларни этнография, антропология, археология, лингвистика, ёзма ёдгорликлар, топонимика, нумизматика, эпиграфика ва бошқалар ташкил этишлигини таъкидлаб ўтади. Уларнинг ҳар бири этногенез ва этник тарих учун қимматли маълумот беради. Этногенетик жараённи ўрганишда учта масалага, яъни ўрганилаётган этнос туб ерли ёки келгинди эканлигини; ўрганилаётган этнос асосининг бир компонентли ёки кўп компонентлилигини; ўрганилаётган халқ этник уюшмасининг ўзаги дастлаб қаерда таркиб топганлигига ойдинлик киритиб олиш зарур»<sup>51</sup>, деб ҳисоблайди.

Академик А.Асқаровдан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, доимо бир нарсани, жой номларининг шаклланиши ўзаро алоқадорликда эканлигини, дунёдаги барча халқлар кўп компонентли бўлиб, ўзбек халқи ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбек миллатининг этногенези ва этник тарихининг илмий назарий масалалари академик К.Шониёзов томонидан ҳам чуқур тадқиқ этилган. Мутахассис олим сифатида этногенез ва этник тарих масаласида бир қатор илмий ишлари эълон қилинган. Масалан, «Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар» номли мақоласида ўзбек этногенези ва этник қатламига доир терминларга, яъни уруғ, қабила, этник бирлик ҳамда этник гуруҳларга таъриф берилган бўлиб, ушбу ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти илмий далиллар асосида очиб берилган. Ушбу мақоланинг

---

<sup>49</sup> Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали. 2002, № 4. Б.57.

<sup>50</sup> Крюков М.В., Софронов М.В., Чебоксаров Н.М. Древние Китайцы. Проблемы этногенеза. - Москва., 1978. - С.11

<sup>51</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. - Тошкент: «Университет». 2007, - Б.70.

кайта тўлдирилган варианты 2001 йилда нашр этилган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» китобига киритилган<sup>52</sup>. К.Шониёзов талқинига кўра, «Элат билан миллат атамалари ҳали фанда обдон такомиллашгани йўқ»<sup>53</sup>, деган илмий-назарий хулоса келиб чиқади. Албатта, бу фикрга қисман қўшилиш мумкин. Чунки миллат таърифи ҳамда халқ таърифига бир-бирига ўхшаш талаблар қўйилса-да, бироқ моҳиятан улар яхлит бир маънони англатмайди. Бу йўналишдаги тадқиқотлар профессорлар Т.Эназаров, М.Абдиев, Э.Бегматов, Э.Мурзаев, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Б.Ўринбоевлар ишларида ҳам учрайди. Этнотопонимия юзасидан муҳим бир йўналишда Т.Эназаровнинг илмий-назарий ишланмалари, ўзбек илмий терминологик маълумотлар базасини яратишга катта ҳисса бўлиб қўшилган. Бугунгача ўрганилаётган ҳудуднинг этник қатлами билан боғлиқ топонимлари, Т.Эназаровнинг таъбири билан айтганда, лингвистик, географик ва тарихий йўналишларда умумий, энциклопедик, тавсифий, таъбирли ҳамда изоҳли таҳлиллар тарзда кам ўрганилган<sup>54</sup>.

Демак, этнос ва этник туркумланиш ҳақида тарихшунос ва жамиятшунос олимларимиз томонидан асосли ғоя ва фикрлар берилади:

биринчидан, халқ узил-кесил шаклланган феодализм жамиятининг ижтимоий маҳсули деб қаралса, миллат капиталистик жамиятнинг ижтимоий маҳсули бўлиб ҳисобланади;

иккинчидан, халқ жипсловчи этник омил ҳисобланган ҳудуд бирлиги давр тақозосига кўра, ўзгариб туради. Бироқ миллий давлат чегараси –жаҳон жамоатчилик ташкилотлари томонидан тан олинган қатъий, мутлақо дахлсиз ва муҳофазали бўлади;

учинчидан, халқ шаклланиш жараёнида ҳар доим ҳам унинг этник номи бўлмаслиги мумкин, қачонки, халқ миллат даражасига кўтарилиши, унинг этник номи бўлиши шарт эканлигини ифода этади;

---

<sup>52</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент, 2001. –Б.74-102.

<sup>53</sup> Қўрсатилган манба. – Б. 74-102.

<sup>54</sup> Эназаров Т. Ж. Жой номларининг мукамал таснифи этимологик таҳлил асосидир // Геодезия, картография ва кадастр журнали. – Тошкент, 2000, №3 –Б. 12-16.

тўртинчидан, тарих тақозосига кўра, халқ сиёсий уюшмаси ҳисобланган давлат ҳамма вақт ҳам этнос номи билан аталавермайди, қачонки, халқ миллат даражасига эришгандагина, миллат номи давлат номи сифатида қаралиши шарт;

бешинчидан, этнос халқ даражасида ўша давр жамияти тартиб-қоидаларига кўра, ватан фидойиси бўлиш, миллий ғурур, ўз халқидан фахрланиш ҳисси кўп ҳолларда юксак даражага чиқмайди;

олтинчидан, халқ миллат даражасига чиққанда, унинг тили, албатта, давлат мақомини олиши шарт, халқ даражасидаги этнос тил бирлиги ҳар доим ҳам давлат мақомига эга бўлавермайди;

еттинчидан, миллатнинг узил-кесил шаклланиши билан давлат жамият томонидан бошқарилади ва жамиятнинг барча соҳаларида миллат талаби ва хоҳиш иродасини бажарувчи механизм юзага келади<sup>55</sup>.

Демак, миллат шаклланиши узоқ давом этадиган тарихий ва ижтимоий жараён бўлиб, тадқиқотимиз йўналишига алоқадор имкониятлар доирасида академик А.Асқаров томонидан берилган хулосаларга тўлиқ қўшиламмиз<sup>56</sup>.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўрганилаётган ҳудуд халқининг таркиб топиши икки хил тилда сўзлашувчи этник қатламларнинг аралашishi ва қоришуvidан таркиб топганлиги, туркий ва форсий тилда сўзлашувчи этник қатламларнинг дастлабки аралашуви тарихий ва маданий археологик материалларга кўра, тарихнинг турли даврларида юз берганлигидан далолат беради. Ушбу давр ўзбек халқининг бошланғич этногенез ҳодисаси сифатида баҳоланиши мумкин. Бунда «Ўзбекистон миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» тамойилига таянишимизга тўлиқ назарий асос бўлади. Ўзбекистон минтақасида иқтисодий-хўжалик ва этномаданий ҳаётдан гувоҳлик берувчи ўзига хос

---

<sup>55</sup> А.Асқаров. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. // Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих. Республика илмий-назарий семинар материаллари. Т. 2004. 3-10 б.

<sup>56</sup> Кўрсатилган манба. – Б.3-10.

маданият шаклланди<sup>57</sup>. Ушбу маданиятнинг шаклланишида туркийзабон хун қабилалари ва қанғиларнинг ўрни катта бўлиб келган. Натижада туркий тилли «қанғар элати таркиб топди»<sup>58</sup>.

Ўзбек халқи этногенезининг кейинги босқичи илк ўрта асрлар даврини ўз ичига олади. Бу даврда. Ўрта Осиё ҳудудига туркий тилли қабилаларнинг кириб келиши боғлиқ бўлиб, бу қабилалар таркибида тухси, қарлуқ, чиғил, қалтатой, арғун, турк, мусабозори каби уруғлар кўп эди. Бу каби туркийзабон қабилалар ҳақидаги фикрларни М.Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам кўриш мумкин. Алломанинг таъбирича, «Тилларнинг энгили ўғузча, энг тўғриси, яхшиси *yağma, tuxsi* қабиларнинг тили ва, шунингдек, *İla* (Или), *Ertiř* (Иртиш), *Yamar, Etil* водийларидан *uğur* шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил - ҳоқония ўлкасида яшовчиларнинг тилидир»<sup>59</sup>. Туркий тилли қабилаларнинг кўпчилиги маҳаллий аҳоли билан аралашиб яшай бошлайди, бу даврга келиб бу ҳудудларга туркийлар келишининг кети узилмайди. Бу тўғрисида профессор А.Якубовскийнинг ёзма манбалар асосида Ўрта Осиёнинг туркий қабилалар кириб бормаган бирор ҳудуди қолмади<sup>60</sup>, деган фикрларини келтиришимиз мумкин.

Ўрта Осиё ҳудудларини араблар босиб олгач, туркий қабилалар кириб келишини тўхтатиш чораларини кўрдилар. Натижада қадимдан саккиз аср давомида бу ҳудудга кириб келган туркий қавмларнинг ўтроқлашиши юз берди. Мазкур ҳудудда туркий тилли этник қатлам вужудга келади ҳамда сўғдийларнинг туркийлашиш жараёни тезлашади.

Етакчи тарихшунос олим К.Шониёзовнинг кузатишларига кўра, туркий этнослар таъсирида Сирдарёнинг ўрта оқимларида сак қабиласи бўлган қанғарларнинг туркийлашиш жараёнлари (милодий I-II асрлар) тезлашган. Милоддан аввалги VII-VI асрларда Еттисув, Мовароуннаҳр ва Хоразм

<sup>57</sup>Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы Ташкентского оазиса. –Ташкент, 1982. - С.70- 80.; Филанович М.И. Ташкент.; Зарождения и развитие города и городской культуры. –Ташкент, 1983. - С.135- 152.

<sup>58</sup>Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент, 2001. – Б.19.

<sup>59</sup> Маҳмуд Кошғарий. “Девону-луғати-т-турк. –Тошкент: Фафур Ғулом, 2017. -Б.25.

<sup>60</sup>Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа – Тошкент, УзФАН. 1941.-С. 3-6.



худудларига келиб ўрнашган туркий тилли этник гуруҳларнинг саклар ва бошқа форсий тилли этник қатламлар билан аралашуви ҳамда ўтроқлашиши натижасида туркий тилли қанғар этноси пайдо бўлади. Бу ўзбек элатининг шаклланишига муҳим роль ўйнаган қадимий туркий этнос ҳисобланади. Олим К.Шониёзов: «Айни шу асрларда (милоддан аввал I, милодий VII асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимларида, Зарафшон, Қашқадарё воҳаларида ва Хоразмда деҳқончилик, хунармандчилик ва тижорат билан шуғулланиб келган аҳоли маданияти, яъни туб ерли аҳоли маданияти, шу худудларга келиб ўрнашган кўчманчи чорвадор туркийзабон этнослар маданияти билан аралашиб боради. Натижада аралашган (синкретик) маданият ҳосил бўлади. Туб ерли аҳоли маданиятини кўчманчи қабилалар маданияти билан қўшилганлиги археологик ашёлар (жунарик, қовунчи топилмалари) асосида ҳам исботланган. Археологлар бу қўшма маданиятни кангюй ёки қовунчи маданияти деб номлаганлар»<sup>61</sup>, деган фикрни билдиради.

Қорахонийлар даврида бу худудларда сиёсий ҳокимиятнинг туркийларнинг қўлига ўтиши ўзбек халқи шаклланишининг сўнгги босқичи бошланганлигидан далолат беради. Минтақада этник омилларнинг тўлиқ рўёбга чиқиши асосида ўзбек халқига хос бўлган этнос барқарорлашади.

Умумтуркий тил ҳисобланган қарлуқ-чигил лаҳжалари асосида қурилган эски ўзбек тилига қарор топади. Ушбу жараён Фарбий Қорахонийлар давлати доирасида юз берди, деган илмий хулоса мавжудлиги тўлиқ исботланган<sup>62</sup>.

Номшунослик (ономастикада) топонимик хусусиятларни ўрганишда этимологик тавсиф йўналишлари қуйидаги ҳолатларга эга. Ўзбек топонимияси ва номшунослиги бўйича этимологик тавсиф кам бўлса-да, етакчи олимларимиз Э.Бегматов, Н.Улуқов, Т.Нафасов, С.Қораев, Ҳ.Дониёров, Б.Ўринбоев, Р.Қўнғуров, Б.Йўлдошев, Т.Эназаров, М.Абдиев, Б.Қиличев, Ш.Темиров ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Лекин ўзбек

<sup>61</sup> К.Шониёзов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.84-85.

<sup>62</sup> А.Аскарлов. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. // Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих. Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Тошкент: 2004. – Б.9-10.

топонимларининг этимологик таркибини ўрганишда ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам лексикографик, ҳам тарихий-этник хусусиятлари номларнинг этимологик таркибига нисбатан махсус ўрганилмаган. Айниқса, Навоий вилояти Қизилтепа тумани топонимларини ўрганишда мазкур топонимик бирликларнинг этимологик таркибини тадқиқ ва тавсиф қилишда, умумий бўлса ҳам, Ш.Раҳматуллаев, З.Дўсимов, Х.Эгамов, Т.Нафасов, С.Қораев, Б.Ўринбоев, С.Найимов, Т.Эназаров, Н.Адизова, Ш.Темиров каби олимларнинг ишларини ўрганилаётган ҳудуд топонимияси бўйича изоҳли ва этимологик луғатларини тайёрлашда хизмат қиладиган назарий муҳим манба сифатида кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизда жой номлари бетакрор маъноси ва моҳияти, шаклан қисқа, мазмундорлиги билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон халқларининг қадим тарихини аجدодларимиз тафаккурининг маҳсули бўлган жой номларининг асосий хусусиятларини бериш, ўзбек менталитетининг тўлақонли шаклланишига қайсидир хусусияти жиҳатдан тўлдириши, турли тарихий-этник илмий манбаларда қайд этилган. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 15-, 22-моддаларида таъкидланганидек, бу номларнинг барча ономастик (атокли) номларнинг ижтимоий муносабатларда, шунингдек, жамият тараққиётидаги аҳамияти беқиёсдир. Мазкур топонимларнинг табиийлиги ҳамда миллийлигини сақлашда Қонун талаби асосида бир қанча эски талабга жавоб бермайдигани, этимологик таркибининг эскирганлиги юзасидан тавсиялар асосида жой номлари ўзгарди<sup>63</sup>.

Жумладан, Навоий вилоятига чегарадош Самарқанд вилоятида «*Энам яхши*», «*Шилқим*» каби топонимлар ҳеч қандай этимологик таркиб таҳлилига жавоб бермайди. Топонимлар бошқа тил бирликларидан фарқ қиладиган

---

<sup>63</sup>«Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 989-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 29 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

кўшимча вазифаси, яъни топонимик вазифаси ҳам борки, бу масалада лисоний ва тарихий, когнитив, этник ва бошқа ижтимоий хусусиятларини тавсифлаш асосида топонимларнинг кўшимча маъновий-лисоний хусусиятларини «Қизилтепа топонимларининг этимологик-тарихий ҳамда лисоний луғати»ни тузиш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Жой номларига муносабат мамлакатимизда 2012 йил 11 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг географик номлари тўғрисида»ги қонунлари талаби асосида Навоий вилояти Қизилтепа тумани топонимларини номлаш ва қайта номлаш бўйича жуда кўп ташкилий ва лисоний вазифалар бажарилди. Лекин шунга қарамасдан Қизилтепа топонимларининг этимологик таркибини ўрганишга доир ҳеч қандай бир этимологик луғат тузилмаган.

Тадқиқот иши ўзбек топонимик лексикасининг этимологик таркибини ўрганиш билан бир қаторда, ўзбек шевашунослиги (диалектологияси)га оид тадқиқотларни ҳам қамраган ҳолда амалга оширилган. Бу бир жиҳатдан ижобий ҳолат бўлиб, профессорлар Б.Йўлдошев, Э.Бегматов, З.Дўсимов, Н.Улуқов, Т.Эназаров ва бошқа етакчи олимларимизнинг ишларида топонимик лексиканинг тарихий хусусиятлари, келиб чиқиш ҳолати ҳақида қимматли маълумотлар берилганлигини кўришимиз мумкин.

### **1.3.§. Тумандаги ўз ва ўзлашма қатламга мансуб ойконимларнинг лисоний хусусиятлари**

Жой номлари халқларнинг тарихий ўтмиши ҳақидаги муҳим маълумот манбаи бўлиб, атроф-оламнинг миллий борлигини, муайян тил эгалари тафаккурининг бадий миллий мантиғини акс эттиради. Миллийлик халқнинг тарихий тараққиёти натижасидир. Муайян бир халқ тарихининг асоси унинг ўзи яшаётган атроф-оламни қайта шакллантиришга қаратилган меҳнати маҳсулидир. Топонимияда миллий дунёқарашнинг туб хусусиятлари

билан боғлиқ қатламлар, шунингдек, ўзгаришлар ва йўқолишларга тобе қатламлар ҳам мавжуд<sup>64</sup>.

«Географик номлар ономастик лексикада махсус қисмни ташкил этади. Маълумки, географик ном, нафақат, тил бирлигининг кўп ўлчовли табиатини, балки миллатлараро тил алоқаларини ҳам кўрсатади. Шу маънода алоҳида ҳудуд топонимиканинг тавсифи минтақавий топонимиканинг лексик тизимини шакллантиришдаги асосий қолипларни аниқлаш учун қизиқиш уйғотади.

Топонимларнинг экстралингвистик хусусияти яхши маълум. Ҳар қандай географик ном топонимнинг ўзига хос хусусияти бўлган муайян тарихий давр ҳақида маълумот бера олади. Қадим даврларда яратилган номларни мерос қила туриб, топонимик тизим янгиларини ҳам яратиб боради. Топонимияда турли-туман унсурларнинг мавжудлиги, уларни тарихий кетма-кетликда ўрганиш зарурлигини талаб этади»<sup>65</sup>.

Маълумки, ер сайёрасининг ҳар қандай ҳудуди топонимияси лингвистик қатламлардан иборат. Қизилтепа тумани ҳудуди бу борада ҳам бундан мустасно эмас. Қизилтепа тумани вилоятнинг марказий қисмларидан бири бўлиб, қадимда бу ҳудудда ҳам маданий, ижтмоий-сиёсий жараёнлар ҳамда турли этник қатламларнинг аралашуви содир бўлган. Асосан, ўзбек ва тожик тилларида сўзлашувчи аҳоли оқими билан боғлиқ тарихий воқеалари ҳамда минтақадаги замонавий этник ва лингвистик жараёнлар ва дунёқараш билан боғлиқ ўзгаришлар Қизилтепанинг географик номлари тизимида ўз аксини топди.

Бинобарин, Қизилтепа тумани географик номлари тизимига назар ташласак, уларнинг турли тиллар лексикасига оид сўзлардан ташкил топганлигининг гувоҳи бўламиз<sup>66</sup>. Умумтуркий ва ўзбекча сўзлар ҳамда

<sup>64</sup>Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.-Тошкент, 2006. –Б.6-14.

<sup>65</sup> Жамсаранова Р.Г. Топонимия Восточного Забайкалья. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –Улан-Уде, 2002. -157 с.

<sup>66</sup> Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: ЎМЭ, 2005.

бошқа тиллардан кирган ўзлашмалар орқали жой номлари шаклланганлигини кўрамиз. Топонимларни маълум тилларга мансуб сўзлардан ташкил топганлигини инбатга олиб, икки қатламга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ўз қатламга мансуб топонимлар.
2. Ўзлашган қатламга оид топонимлар.

**Ўз қатламга мансуб топонимлар.** Ўз қатламга умумтуркий ва ўзбекча сўзлардан вужудга келган топонимлар киради. Туман ономастикасида ўз қатламга мансуб сўзлар билан аталган топонимлар асосий ва муҳим ўринни эгаллайди. Бу хил топонимларда ўзбек тили лексикасининг тарихий ҳамда ҳозирги тараққиётини акс эттиради. Ўз қатлам гуруҳидаги топонимлар турли даврларда яратилган бўлиб, улар асосидаги сўзлар ҳар хил қимматга эгадир<sup>67</sup>. Кўплаб жой номлари ҳозирги ўзбек тилида фаол ишлатилувчи сўз ва грамматик шакллар орқали ифода қилинган: Яккатут, Ўртачўл, Чўпонота, Оқрабат, Азизобод, Янгиҳаёт, Беклар, Бунёдкор, Олмазор, Шодлик каби.

Туман топонимларини мавзуй жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Жойнинг рельеф хусусиятини ифодаловчи жар, қир, дўнг, тўқай, тепа, чўл сўзлари асосида яратилган топонимлар: Маликчўл, Ўртачўл, Тошрабат Авазбоботепа, Дўрмонтепа, Манғиттепа, Қўрғонтепа.

2. Гидрографик терминлар, яъни сой, ариқ, булок, кўл, сув, қудук, кўприк, кечик сўзлари билан алоқадор топонимлар: Обиҳаёт, Нимшоҳжўй, Сувғон, Қарноб, Янги Қудук, Тўдакўл, Қуйимозор сув омборлари, Аму-Бухоро канали кабилар.

3. Айрим ўсимлик, дарахт номлари (арча, ёнғоқ, олма, терак, тол, тут, узум, ўрик, қамиш, қайрағоч, арпа) билан аталган топонимлар: Ўрикзор, Олмазор, Гулбоғ, Лўблhxўр, Яккатут, Пахтаобод, Пахтакор, Азизон тут, Муғжин тут сингарилар.

---

<sup>67</sup>Адилова Н.Б. Бухоро тумани микротопонимларининг лексик-семантик тадқиқи. ф.ф.ф.д (PhD) дисс.автореферати. – Бухоро, 2021, - Б.10-16.

4. Касб-хунарни ифодаловчи сўзлар билан аталган ўзбекча топонимлар: Шифокорлар, Нефтчилар, Тадбиркорлар каби.

5. Ранг-тус билдирувчи ўзбекча оқ, қора, қизил, сарик, кўк сўзларига алоқадор топонимлар: Қизилтепа, Оқолтин, Оқработ, Оқсоч, Оқмачит, Оқбурут, Оқтош, Қизилтонг, Кўктош, Кўкиштон ва бошқалар.

6. Ҳажм, шакл, масофа, юза, ўлчов, ўрин маъносини билдирувчи ўзбекча сўзлар иштироки билан номланган топонимлар: Ўртақўрғон, Ўртачўл, Юқори Майта, Баландғардиён, Пастғардиён, Бўлакработ, Гумбаз, Қуйи Ревартун, Юқори Ревартун ва бошқалар.

7. Сонни, микдорни ифодаловчи сўзлар ёрдамида ҳосил қилинган ўзбекча топонимлар: Учгумбаз, Яккатут, Бештуғ сингарилар.

8. Уруғ, қабила номлари асосида юзага келган топонимлар: Дўрман, Қатағон, Найманча, Айрончи, Сарой, Манғит, Урганжи, Араблар, Тожик ва бошқалар.

**Ўзлашма қатламга мансуб топонимлар.** Мамлакатимиз топонимиясида генетик жиҳатдан бошқа тилларга мансуб бўлган сўзлардан таркиб топган топонимлар бирмунча учрайди.

Ана шундай ўзга тил сўзлари асосида яратилган ўзлашма қатламга форс-тожик тили, араб тили, рус тили лексикасига алоқадор сўзлар воситаларида ясалган топонимлар киради. Туман ҳудудига тегишли номларнинг нисбатан катта қисмини ўзбекча номлар билан бир қаторда форс-тожикча сўзлар ташкил этади.

**Форсча-тожик тилига оид қатлам.** Ўзбекистон ҳудудлари топонимиясида форсча-тожикча топонимлар анчагина қисмини ташкил этади<sup>68</sup>. Бу табиий ҳолдир, чунки бу икки халқ (ўзбеклар билан тожиклар) қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб, ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқада бўлиб келганлар. Бундай муносабатлар икки халқ тарқалган ҳудуднинг жой номлари тизимида ҳам ўз аксини топган. Бинобарин, Қизилтепа туманида ҳам форсча-тожикча топонимлар салмоқли ўринни

<sup>68</sup>Найимов С.Н. Ойконимы Бухарской области. Автореф. диссер.канд.филол.наук. - Ташкент, 1984. –С.16.

эгаллайди. Қуйида уларнинг баъзилари ҳақида фикр юритамиз: «об» компонентли топонимлар. «Об» сўзи тожик тилида «сув» деган маънони билдиради ва бир қанча топонимлар таркибида иштирок этади. Масалан: Обиявғон, Обихаёт, Дуобдурун, Шанба обхўр.

«Дех» сўзига алоқадор номлар. «Дех» сўзи «қишлоқ» маъносини билдиради ва жой номлари таркибида фаол қатнашади<sup>69</sup>. Мисоллар: Дехқонобод.

«*гар+он*» компонентли топонимлар. *-гар* аффикси асли тожик тилидаги *кор (иш)* сўзи билан алоқадор бўлиб, баъзан ўзбек тилидаги *-чи* аффикси англатган маънога яқин маънони англатиш учун хизмат қилади. *-он* кўшимчаси эса отларга хос сўзларда (*-лар*) кўпликни ҳосил қилади. Масалан, ҳолва/гар/он // ҳолва/чи/лар, совун/гар/он // совун/чи/лар каби<sup>70</sup>. Биз топонимиздан тадқиқ этилган ҳудуд топонимлари: Майизгарон, Собунгарон, Косагарон, Читгарон топонимлари шу тахлитда вужудга келган. Асосан, бундай топонимларнинг маълум бир қисми касб-ҳунарни ифодалаб келади.

«*-он (ён)*» компонентли топонимлар. Бундай компонентли номлар ўрганилган ҳудуд топонимиясида унумдор ҳисобланади. Масалан, Азиз/он // азиз/лар, Шейх/он // шайх/лар, Кулол/он // кулол/лар, Сўфи/ён // сўфи/лар, Нонвой/он (Новвойон) // нонвой/лар, Тожик/он // тожик/лар, Араб/о(н) // араб/лар, Авғон/он // авғон/лар каби.

Шунингдек, Азизон, Шейхон, Сўфиён топонимлари икки компонентдан, яъни биринчи компоненти арабча азиз, шайх, сўфи топоасосдан иборат бўлса, иккинчи компоненти юқорида берилган тожикча топоформантдан ташкил топган. Натижада яхлит шаклга эга ойконим номи юзага келган (Азизон, Шейхон, Сўфиён). Бу топонимлар апеллятив лексикадан топонимлашув жараёнида ономастик лексика сатҳига ўтишидан юзага келган.

<sup>69</sup> Адизова Н.Б. Бухоро тумани микротопонимларининг лексик-семантик тадқиқи. ф.ф.ф.д (PhD) дисс.автореферати. – Бухоро, 2021, -Б 16-19.

<sup>70</sup> Гуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1977. - 405 б.

Тил тарихи бўйича тадқиқотларда ўзбек тилида топонимларда кўплик кўшимчалари у қадар кенг эмас. Лекин *-лар* аффиксининг Қизилтепа худудида икки вариантда ўрганилиши нуқтаи назаридан мазкур худуд топонимлари таркибида ўзбекча ва тожикча элементлар борлиги кўзга ташланади.

*-лар* компоненти. Профессор Ш.Раҳматуллаев ва академик Ғ.Абдурахмоновлар бу аффиксни сўз ясовчи морфемалар қаторига киритишмаган. Бу аффикс контекстда номаълум кўпликни, ҳурматни, бирон фикрни таъкидлашни, мавҳум тушунчани аниқлаштиришни, умумийликни, такрорни билдиради<sup>71</sup>, деган фикрни беришади. Тадқиқотчи Н.Охунов тадқиқотларида<sup>72</sup> ҳамда топонимия бўйича кузатишлар кўрсатадики, *-лар* аффикси ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар, ҳолатлар билан боғлиқ вужудга келган топонимлар ясалиши учун хизмат қилади. Бу гуруҳ топонимлари турли халқлар, элатлар, уруғларнинг ривожланиши, босиб ўтган йўллари, сиёсий тузуми, тарихи, шуғулланган касб-ҳунарлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келади ва ўзида шундай ҳодиса-воқеаларни акс эттирган касб-ҳунар номлари (Шифокорлар, Нефтчилар, Тадбиркорлар) ҳамда халқ, қабила, уруғлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган этнотопонимларда ўз ифодасини топади (Қипчоқлар, Найманлар, Араблар, Тожиклар, Туркманлар).

Ўрганилган худудда *-лар* компонентли номлар санокли бўлиб, озчиликни ташкил этади.

**«-хўр»** компонентли топонимлар. Тожикча хўрдан – «емоқ» феълидан, негиздан англашилган предметни ейдиган, ичадиган ёки кўп ейдиган, кўп

<sup>71</sup>Қораев С. Топонимика. Тошкент: «O‘zbekiston файласуфлари миллий нашриёти», 2006. – Б.9.

<sup>72</sup>Охунов Н. Словообразующие аффиксы как топоформанты топонимии Узбекистана и Азербайджана // Азербайджан ономастикасы масалалари. - Баку, 1988.- С.194-196; Охунов Н. Тил ва жой номлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988.- 24 б.; Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. Т., Фан, 1989. 56 б.; Охунов Н. Жой номлари таъбири. Т., Ўзбекистон, 1994. - 86 б.; Охунов Н. Зарафшон водийси этноойконимлари // ЎТА. Т., Фан, 2000. 1-сон. Б. 20-23.; Охунов Н. Этноойконимларнинг ясалиши // Тил ва адабиёт таълими. Тошкент., 2000. 4-сон. Б. 38-43.; Охунов Н. Этноойконимларнинг ясалиши // Тил ва адабиёт таълими. Тошкент., 2012. 5-сон. Б.-43.; Оразов М. Исторический принцип этимологических исследований в казахском языке // Проблемы этимологии тюркских языков. Алма-Ата, «Гылым»,1990. - С.122-126.; Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари.-Тошкент: Фан, 1997. 128 б.; Отажонова А. Хоразм этнотопонимлар ва уларнинг луғавий асослари. НДА. Т.,1997. – Б.24.; Откупщиков Ю. В. Диалектный материал и этимологии // Международный симпозиум по проблемам этимологии исторической лексикологии и лексикографии. Тезисы докладов. М., Наука, 1984. - С. 38-39.; Персидско-русский словарь. Москва., 1960. -668 с.



ичадиган шахсни билдирувчи от ясайди: гўжа/хўр, палов/хўр, кимиз/хўр, нонхўр, чой/хўр. Баъзан сифатларга ҳам кўшилиб, шахсни белги орқали англатади: текин/хўр<sup>73</sup>.

Шунингдек, туркийларни англатувчи хўр сўзи ҳақида (Хитой тили катта иероглифлар луғати, 3-жилд, 2057-бет) хитойшунос олим А.Хўжаевнинг фикрича, «Рус адабиётидан ҳозирги замонавий тилга кириб келган «тунгус» этноними, хитойча «дунгху» деб аталиб, шарқий «ху»ларни билдирган, хитой тилида ундош «р» товушини талаффуз этиш мумкин бўлмаганлигидан хитойлар «хўр»терминини «ху» иероглифи билан ифода этишган. «Ху» ва «хулу» туркийча «хўр» терминининг хитойча талаффузидир. «Хўр» қадимий туркийда эркин, озод, бир жойга боғланиб қолмаган, кўчманчи халқ маъносини англатган»<sup>74</sup>.

«-кор (-гар,-гор,-кар)» компонентли топонимлар. Тожик тилидан кирган; касб эгаси, мутахассислик, машғулот билан боғлиқ бўлган шахс оти ясайди: пахта/кор, бино/кор, халос/кор, хизмат/кор, даъво/гар, дурад/гор, мис/кар каби.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият–енгилмас куч» асарида қадимда ишлаб чиқаришнинг муайян соҳалари мавжудлигидан дарак берувчи топонимлар ҳақида фикр билдирилиб, шундай ёзилади: «Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чархчилик ... Парчабоф сингари маҳалла номлари бу ерда ҳунармандчилик нақадар ривожланганлигидан, халқимизнинг азалдан ўтроқ ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганлигидан далолат беради»<sup>75</sup>. Шунуқтаи назардан ўрганилган ҳудуд микротопонимиясида «-кор (-гар,-гор,-кар)» формантли, етакчи олим С.Қораев таснифи бўйича ижтимоий-иқтисодий ойконимлар мавжудлиги, ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг

<sup>73</sup> А.Ғуломов, А.Тихонов, Р.Кўнгулов. Ўзбек тили морфем луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1977. - 442 б.

<sup>74</sup> А.Аскарлов. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. // Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих. Республика илмий-назарий семинар материаллари. - Тошкент., 2004. –Б.5-6.

<sup>75</sup> И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият. 2008. – Б.67.

такомил топганлигидан далолат беради. Масалан, Собунгарон, Майизгарон, Читгарон, Кулолон, Косагарон, Пахтакор, Вахимкор, Бунёдкор каби.

«-зор» компонентли топонимлар. Асосдан англашилган предметнинг бўлиш ёки мўллик ўрнини билдирадиган отлар ясади: пахта/зор, олма/зор, гул/зор ва бошқалар.

Ўрганилган ҳудуддаги бир қанча ясама топонимлар мавжуд ойконимик асос(лар)га ойконимик формант(лар)нинг қўшилиш жараёнидан ойконим ясалиши рўй берган. Масалан, **Ўрикзор** (*ўрик+зор, аммо ўрикзор эмас*), **Олмазор** (*олма+зор, лекин олмазор эмас*), **Гулзор** (*гул+зор, бироқ гулзор эмас*) ва х. Бу тарзда ясалиш асосий ойконимик ясалишга мисол бўлиб, юқоридаги сингари қўшимчалар турдош отларни ясади. Бизнингча, бундай вақтда топонимнинг ўзаги бўлган ономастик сўзларнинг, аввало, турдош от сифатида ясалганлиги, кейинчалик ономастик лексика сатҳида топонимлашув ҳодисаси натижасида топонимлар сатҳига кўчганлигини инобатга олишимиз лозим.

«-лик» компонентли топонимлар. Турли хил сўз туркумларига қўшилиб, мавҳум маъноли ва конкрет предмет отини ясади: бола/лик, она/лик, талаба/лик, заргар/лик, тез/лик, дарс/лик, кунда/лик каби<sup>76</sup>. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, заргарлик, косиблик, мискарлик каби сўзлар ясалганда, касб-хунар, фаолият, яъни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган отларни ясади. Ўрганилган Қизилтепа тумани ҳудудида Мустақиллик, Эзгулик, Ободлик, Озодлик каби неоойконимлар (юнонча – νεος «янги»; οἶκος «макон, турар жой», опота «ном» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «янги жой номи» деган маънони беради.) мавжуд бўлиб, белги ифодаловчи сўзлар воситасида ҳосил қилинган. Бундай топонимлар, асосан, жамиятга хос ижтимоий-социал ўзгаришлар асосида юзага келган.

Жамиятга хос социал ўзгаришлар бўлгани каби, улар таъсирида номланган топонимлар ҳам соцтопонимлар дейилади. Соцтопонимлар термини биринчи бўлиб Т.Эназаровнинг тадқиқотларида қўлланилган.

<sup>76</sup> А.Фуломов, А.Тихонов, Р.Кўнғуров. Ўзбек тили морфем луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1977. - 442 б.

Шунингдек, *-лик* форманти *қизилтепалик, мангитлик, тошработлик, урганжилик, косагаронлик* номларида мансублик, тегишлилик маънолари мавжуд. Туман, шаҳар, қишлоқ кишиларининг қаердан эканлиги англашилади. *-лик* топоформантининг, кейинчалик вақтлар ўтиши билан халқ оғзаки нутқида *-ли* топоформанти шаклида айтилиши ҳам кузатилади, тавоисли, қумработли.

«*-бон*» компонентли топонимлар. Бирор нарсага қараб турувчи, кўриқловчи шахсни ҳамда фаолият, эгалик билан боғлиқ отларни ясайди: боғ/бон, қўйчи/бон, сарой/бон кабилар. –бон морфемаси –вон шаклида ҳам ифодаланади (б-в): дарвоза/вон, қўйчи/вон. Худуд топонимиясини ўрганишда, мана шу шаклда ҳосил бўлган жой номлари мавжудлиги аниқланган. Масалан, калет/вон – калит/бон.

Олиб борилаётган тадқиқотлардан шу нарса маълумки, қўйилган номлар ўз манзил-маконини муқаддас билишга, илоҳийлаштиришга ва уни асраб-аввайлашга сабаб бўлган. Бундай номлар маҳаллий аҳолининг маънавий-маданий қарашларини ўзида акс эттирган бўлиб, улар ёрдамида ер, сув, ҳаво, худуднинг табиати компонентлари муҳофаза қилинган. Натижада географик номлар ёрдамида атроф-муҳитга зарар етмаган, аксинча, табиий бойликлардан оқилона ва тежамли фойдаланиб келинган. Бундай топонимлар халқнинг фаровон ва тинч яшаши ҳамда аҳоли масканларининг тоза ва обод бўлишига хизмат қилган. Бу каби жой номлари кенг тарқалган бўлиб, «-(и)стон», «-зор», «-кор», «-обод» формантлари воситасида, П.Н.Ғуломов таъбири билан айтганда, «... ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар, ҳолатлар билан боғлиқ вужудга келган топонимлар»дир<sup>77</sup>. Масалан, Гулистон, Гулзор, Бунёдкор, Янгиобод, Деҳқонобод, Обод Турмуш, Манзилобод, Пахтаобод, Маликобод, Элобод, Роҳобод (Руҳобод) кабилар.

«-(и)стон» компонентли топонимлар. Халқ номига қўшилиб, у яшайдиган жойни; бошқа предметлар номига қўшилиб, унинг ўрнини

---

<sup>77</sup>Ғуломов П.Н. Топонимларнинг турлари ва жой номларини районлаштириш ҳақида мулоҳазалар / Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 42-жилд// Топонимика ва умумгеографик масалалар/. Илмий мақолалар тўплами. –Т., 2013. –Б. 9.

кўрсатадиган унумсиз морфема: Ўзбек/истон, Тожик/истон, Қирғиз/истон, Туркман/истон; гул/истон, қабр/истон каби<sup>78</sup>.

И.О.Холмуратовнинг фикрига қараганда, *-истон* ойконимик форманти танланган топоасосларга қўшилиши билан ясалган ойконимлар туркий ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳисобланади. Бу ойконимик формантнинг омоними бўлган *-истон* қўшимчаси тилда аввал апеллятив лексикада ўрин-жой маъносини билдирувчи турдош отларни шакллантирган. Кейин улар этнонимларни ўзига қўшиб, ономастик лексика сатҳига ўтиб, жой номи вазифасини бажаради: ўз+бек > ўзбек+истон > ўзбекистон > Ўзбекистон; козоқ > козоғ+истон > козоғистон > Қозоғистон; турк+ман > туркман+истон > туркманистон > Туркманистон; тожик > тожик-истон > тожикистон > Тожикистон; қора+қалпоқ > қорақалпоқ > қоақалпоғ+истон > қорақалпоғистон > Қорақалпоғистон. *-истон* ойконимик форманти этнонимлар асосида аталувчи мамлакат, ўлка, юрт номларига қўшилиб, макроойконимларни вужудга келтиради. Масалан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон ва бошқалар. Баъзи ўринларда ушбу топоформант микроойконим кўринишидаги топонимларни ҳам шакллантирган. Масалан, Ўзбекистон кўчаси ва бошқалар<sup>79</sup>.

Ўрганилган Қизилтепа тумани топонимиясида ҳам Ўзбекистон номидаги МФЙ, Ўзбекистон шоҳ кўчаси мавжуд бўлиб, юқорида берилган фикрларга аосланадиган бўлсак, шу тахлитда ҳосил бўлган.

«*-обод*» ва «*янги*» компонентли топонимлар. Тожик тилидан кирган айрим сўз маъносида қўлланишдан ташқари аффиксоид сифатида ишлатилиб, «обод» жой маъносини беради. Халк/обод, Дехқон/обод, Юнус/обод каби.

Топонимикада *обод* аффиксоиди қатнашган жой номлари энг кўп тарқалган. Обод сўзи тожикча *об-сув*, *обод-сувли*, *сув етарли жой* деган

<sup>78</sup> Гуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. Т., Ўқитувчи, 1977. 419 б.

<sup>79</sup> Холмуратов И.О. Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларининг лисоний тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси. – Бухоро, 2020. –Б 42.

маънони билдиради. Бу сўз шаҳар, қишлоқ, умуман, аҳоли манзилгоҳларига нисбатан ишлатилади. Асосий маъноси «гуллаган» демакдир. Азимобод, Бекмирзаобод каби<sup>80</sup>. Инсоният минг йиллар давомида чўлларни ўзлаштириб, янги ва обод манзилгоҳларни ташкил қилган. Натижада мазкур ҳолат жой номларида ҳам ўз изини қолдирган... . Бундай манзилгоҳларга – Янгиер, Янгиобод ва бошқалар киради<sup>81</sup>.

Мамлакатимиз ўзининг суронли тарихида бир қанча даврларни бошидан кечирганлиги тарихдан маълум. Мустақиллик даврида аҳоли пунктлари номларини қайта номлаш, тарихий номларни қайта тиклаш масалаларига катта аҳамият берилди. Неоойконимлар мана шу тарихий давр маҳсули сифатида қаралади. Улар биз яшаб турган тарихий даврда янгидан ташкил топган топообъектларга қўйилган номлар ҳисобланади. Мавжуд топонимлар тизимидаги баъзи бир топонимларнинг тарихий-ижтимоий тараққиётга мос келмай қолиши туфайли, мазкур топообъектлар қайта номланишидан пайдо бўлган ойконимлар – неотопоним ёхуд неоойконимлардир.

Ўрганилган ҳудудда Бекобод, Маликобод, Манзилобод, Шаҳриобод, Халқобод, Пахтаобод. Деҳқонобод, Элобод, Нуробод, Роҳобод, Ободлик, Янгиер, Янгиҳаёт, Янгиобод, Янги Қишлоқ, Янги Турмуш, Янги Қудуқ каби ойконимларни кўрсатиш мумкин.

Этник гуруҳларнинг этник ва маданий тарихининг бир тури сифатида қараладиган топонимик тизим халқлар, тарихий воқеалар, жисмоний ва географик хусусиятлар, инсоний муносабатларнинг тадрижийлиги – ҳудудлар ҳақидаги қимматли маълумотларни, баъзан ҳалигача аниқланмаган маълумотларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам туман топонимиясини ўрганиш ва тавсифлаш ўтмишда ва ҳозирги даврда ҳудудда яшаб, истиқомат

---

<sup>80</sup> Ахмадалиев Ю., Отақулов Ф. Замонавий жой номлари ва уларга қўйиладиган талаблар. / Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 42-жилд// Топонимика ва умумгеографик масалалар/. Илмий мақолалар тўплами. –Т., 2013. 19 б.

<sup>81</sup> Мавлонов А., Қодиров А. Чўл топонимлари хусусида айрим мулоҳазалар. / Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 42-жилд// Топонимика ва умумгеографик масалалар/. Илмий мақолалар тўплами. –Т., 2013. 59 б.

қилаётган халқнинг тарихи, этногенези ва этник маданиятини ўрганишда долзарблик ва илмий аҳамият касб этади.

## **I боб бўйича хулоса**

1. Ўзбек ономастикаси фанининг таркибий қисми бўлган топонимика ҳозирги даврда янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Ўз шаклланиш ва ривожланиш тарихига, аниқ тадқиқ объекти, предмети, мақсади ҳамда асосий вазифаларига, таянч манбалари, шунингдек, тадқиқотчиларига эга топонимика соҳаси луғавий бирликлар, атоқли отлар, апеллятив лексика билан иш кўрганлиги сабабли, тилшуносликнинг алоҳида бир йўналиши сифатида кундан-кунга катта натижаларга эришиб, ривож топиб бормоқда.

2. Олинган натижалар, орттирилган илмий тажриба, тўпланган назарий қарашлар, тадқиқот методлари ва таснифлаш усуллари туман топонимларини ўрганишда ҳам муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбек этнонимининг шаклланиш этаплари, уруғ, қабила ва элатларнинг тараққиёт босқичлари асосида ўзбек миллатининг таркиб топиши ҳақидаги маълумотлар илмий-назарий жиҳатдан тавсифланиб, таҳлил этилиб, олинган натижаларнинг хулосалари умумлаштирилди.

3. Туман жой номларини ифодаловчи макро ва микротопонимлар тил ва нутқдаги ономастик бирликлар тизимида алоҳида ўринга эга бўлиб, уларни муайян ҳудуд доирасида махсус тўплаб ўрганиш, лексик-семантик, лингвомаданий ва когнитив хусусиятлари, номинатив, коммуникатив, услубий вазифаларини аниқлаш, жаҳон мамлакатлари ўртасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий алоқалар, туристик муносабатларнинг кенг ривожлантирилиши учун ҳам аҳамиятлилиги туфайли муҳим ҳисобланади.

4. Тумандаги маҳаллий ҳудуд жой номларининг келиб чиқиш генезиси, лексик-семантик хусусиятлари, лингвогеографик, этнолингвистик, лингвокультурологик, концептуал, парадигматик ва ономастик-грамматик белгилари, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, истиқомат ўрни, миллий

маданий қадриятлари, касб-кори, диний эътиқодий қарашлар асосидаги маълумотлар орқали аниқлик киритилади.

5. Туман топонимлари тизими ўзбек топонимшунослигида ўз ўрнига эга. Улар ўзида шу ҳудудда яшовчи халқлар тарихи, қадрияти, анъана, урф-одатларини ифода этувчи, қадимдан шаклланган, ҳозирда ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш йўлини босиб ўтаётган, муайян лексик-семантик ва ономастик-грамматик хусусиятларга эга лисоний birlikлар бўлиб, ўрганилган ҳудуд топонимларининг ўзбек тилидаги бошқа топонимлар билан типологик ҳамда дифференциал белгилари юзасидан яхлит тасаввур уйғотиши билан аҳамиятлидир.

6. Топонимик тизим туман этник гуруҳларининг этник ва маданий тарихининг бир тури сифатида ҳудуд ҳақидаги қимматли маълумотларни, баъзан ҳалигача аниқланмаган маълумотларни ўз ичига олиши нуқтаи назаридан туман топонимиясини ўрганиш, тавсифлаш, ҳудудда яшаб, истиқомат қилиб келаётган аҳолининг тарихи, этногенези ҳамда этник маданиятини ўрганишнинг долзарблиги, илмийлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

7. Чор Россиясининг истилочилик ҳаракатлари ҳамда шўро сиёсати мафқурасининг нотўғри сиёсати оқибатида миллат тарихининг турли даврларида халқ турмуш тарзи, эътиқоди асосида пайдо бўлган этнонимлар ҳамда топонимларга боғлиқ тасаввур, тушунчаларга нисбатан эскилик сарқити тамғасининг ёпиштирилиши оқибатида кўплаб номлар йўқ қилинди.

8. Республикамизда ўзига ҳос топонимик сиёсатнинг юзага келиши Қизилтепа тумани ҳудудидаги кўплаб этнотопонимларни қайта тиклаш учун асос бўлди, тадқиқот натижасида тўпланган ва ҳозирда унутила бошланган айрим этнотопонимларни тиклаш учун имконият яратилди.

## II БОБ. ҚИЗИЛТЕПА ТУМАН ЭТНОЛОГИЯСИГА ОИД АТАМАЛАР, УЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Тарихий воқеа-ҳодисаларни тадқиқ қилиш, илмий таҳлил этиш, таққослаш ва қиёслаш орқали холисона мушоҳада билан хулоса чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Атамашуносликнинг ўрни тарихшунослик фанида беқиёсдир, чунки ҳар бир тарихий воқеликнинг ўз номи бўлиб, ушбу номлар орқали инсон тафаккури изоҳланади. Қадим даврлардан буён олимлар томонидан жой номларини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар қилиб келинган, жой номларининг табиат, жамият, шахс номи билан боғлиқ йўналишлари масаласида мукамал асарлар яратилган ва яратилмоқда. Илмий тадқиқотлар натижасида кўплаб мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий тарихига оид топонимларни ўрганиш бўйича қимматли асарлар ёзилди. Тарихий атамашунослик йўналишида Ўзбекистон олимларининг ҳам хизматлари ибратли бўлиб, бу тарихий йўналиш масаласида катта тажрибага эга бўлдилар. Таниқли олимлар Э.Бегматовнинг «Жой номлари маънавият кўзгуси» (1998), Ҳ.Ҳасановнинг «Ўрта Осиёнинг тарихий географияси ва топономияси», С.Қораевнинг «Ўзбекистоннинг ҳозирги ва қадимги жой номлари», «Ўзбекистон вилоятлари топонимлари», Ш.Қодированинг «Тошкент шаҳар микротопонимияси», Ё.Хўжамбердиевнинг «Сурхондарё», Т.Нафасовнинг «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати» (1988), З.Чориевнинг «Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати» (2002), Ш.Сафаров ва И.Умаровнинг «Айрим топонимлар» (2005), Т.Эназаров ва бошқ. «Ўзбекистон жой номларининг этимологик луғати топонимлар тилсими» (2019) каби асарлари ўзбек атамашунослигининг муҳим манбалари ҳисобланади. Мустақиллик йилларида топонимлар масаласига жиддий эътибор берилиб, жой номларини ўрганиш, мустабид тузум ғоясини ўзида акс эттирган жой номларини ўзгартириш<sup>82</sup>, миллий қадриятларни, урф-одатларни акс эттирувчи тарихий

<sup>82</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон 448-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон



жой номларини тиклаш, жойларга шахслар номини бериш иши бўйича тўлик ва тўқис, холисона далилларга асосланиш долзарб бўлиб қолди<sup>83</sup>. Шу каби мажбурий қўйилган, мазмун-маъноси аниқ бўлмаган топонимларнинг луғавий маъносини жиддий ўрганиш, эски номларни тиклаш, уларни асл таллаффуз қоидаларига мос ёзиш, мустақилликни тараннум этувчи жой номларини қўйиш аҳамияти жиҳатидан муҳим деб белгиланмоқда.

Мазкур тадқиқот этнологик нуқтаи назардан воқеа-ходисаларни тарихий таҳлил этиш билан бирга, жамият ва шахсларга боғлиқ жой номларини танлашда қандай мезонларга эътибор бериш ҳамда қандай шахсларнинг номларини абадийлаштириш масаласида ҳам илмий мушоҳадага таянишни мақсад қилади. Мазкур тадқиқот ишини яратишда Х.Ҳасанов, А.Асқаров, С.Қораев, Т.Нафасов, Ш.Қодирова, З.Дўсимов, З.Чориев, Н.Улуқов, Ш.Воҳидов, Р.Холиқова, А.Абдурахмонов, Б.Ахмедов, И.Жабборов, А.Сагдуллаев, П.Ғуломов, В.Никонов, Э.Мурзаев, Ё.Хўжамбердиев, С.Раҳимов, А.Қурбонов, А.Хромов, Ж.Бекмуҳаммедов, С.Найимов, Е.Койчубаев, Л.Наханова, Р.Юзбашев, Х.Холмўминов, Р.Мақсудов, Т.Эназаров, Б.Қиличев, А.Маликов, Ш.Темиров, Н.Адизова каби етакчи мутахассис олимларнинг олиб борган тадқиқотлари натижалари хулосаларидан ҳамда илмий нашрлардан кенг фойдаланилди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, дала тадқиқотлари, оммавий ахборот воситалари, туман архиви манбаларидан ҳам ўринли фойдаланилди. Қизилтепа тумани этнологик тарихини ифодалови топонимлари доирасида ҳозирги кунгача изоҳли этнологик луғатларнинг бирмунча кам

---

Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги 295-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон 483-модда) ижросини таъминлаш, шунингдек, географик объектларни номлаш соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)

<sup>83</sup>«Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 989-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 29 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

яратилганлигини ҳисобга олиб, мавжуд манбалар асосида ҳудуднинг этно-топонимик луғатини тузиш мақсад қилинган. Этно-топонимик луғат уч қисмдан иборат бўлади: Биринчи қисмда тарихий атамашуносликнинг илмий-назарий асослари, мустақиллик йилларида терминлар ва топонимларни ўрганиш бўйича ҳукумат қарорлари, уни амалга ошириш йўллари ҳамда натижалари ҳақида фикрлар жамланади. Иккинчи қисмда тарихий-этнологияга оид Зарафшон воҳасига хос топонимлар, уларнинг изоҳли этимологик луғати, жамланган топонимларнинг натижалари илмий таҳлил этилади. Чунки луғатда тарихий этнологияга оид манбаларни умумлаштиришга сабаб сифатида иккала йўналиш ўзаро бир-бирини тўлдирувчи табиат, жамият, шахс билан боғлиқ топонимларни ўз ичига олишлиги назарда тутилади. Инсон ҳаёти билан боғлиқ мустақиллик йилларидаги жой номларини қайта кўриб чиқиш, ўзлаштириш, янги жой номларини қўйиш асосида регионнинг диалектал хусусиятлари илмий-назарий таҳлилга тортилади ва географик объектларни номлаш, қайта номлаш учун лойиқ деб топилган манбалар тавсия этилади. Айрим илмий манбаларда ўзбек давлатчилигига асос солган буюк тарихий шахслар, миллий озодлик учун кураш олиб борган халқ қаҳрамонлари, жаҳон фани ва маданияти ривожига, ўзбек миллати маънавий тараққиётини ривожланишига муносиб ҳисса қўшган улуғ алломалар, шоир ва ёзувчилар, маънавият тарғиботчиларининг номларини абадийлаштириш масаласи ҳам тақдим этилади. Ушбу тақдим этилган жой номлари илмий-тарихий, тарихий-бадий, тарихий-географик, тарихий-геологик, тарихий-этнологик жиҳатдан мукамал ўрганилиб, луғавий асослари таҳлил этилади. Энг муҳими Зарафшон воҳасига оид топонимлар билан биргаликда аҳоли томонидан кенг талаффуз этиладиган, воҳага четдан кириб келган терминларнинг ҳам ушбу луғатга киритилиши белгиланмоқда. Чунки воҳа аҳолиси учун нотаниш бўлган, лекин кенг баён этиладиган терминларнинг маъно ва мазмунини билиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини, Зарафшон воҳаси топонимиясига оид, тўлиқ бўлмаса-да, халқ оммаси томонидан кенг ишлатилишини ҳисобга

олиб, замонавий топонимларни ҳам мазмун ва маъносини англаб олиш мақсадида ушбу китобга киритилади. Республикамиз вилоятлари топонимларини ҳам ўзида ифода этадиган ушбу этно-этимологик луғат амалга оширилган илмий иш сифатида китобхонга тақдим этилиши мўлжалланган.

Этник таркиб манбаи сифатида топонимга бўлган қизиқиш нуқтайи назаридан Қизилтепа тумани ҳудудининг жой номлари тизимини ўрганишга муурожаат қилиш анча асосли кўринади. Топонимлар аҳолининг маънавий ва моддий маданияти онларини қайд этиш ва акс эттириш қобилияти, унинг руҳияти муайян фанлар мутахассислари учун етарлича аҳамият касб этиши мумкин. Топонимик маълумотлар ҳудудда рўй берган тарихий воқеалар ҳақиқатини тиклашда, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, Қизилтепа тумани ҳудуди микро ва макротопонимиясининг тизимли тавсифига бўлган талаб, минтақа топонимиясидаги асосий лексик қатламларни ўрганиш ва аниқлаш ҳамда этимологик нуқтайи назардан туман ўтмишининг этнолингвистик манзарасини қайта яратиш имконини беради. Ҳудуд топонимикасининг тавсифи топонимикон ичида, нафақат, таснифий умумхусусиятларни ўрнатишга, балки алоҳида маҳаллий жой номлари тизимининг фарқловчи элементларини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Туман топонимиясининг диахрон ва синхрон жиҳатлардаги тавсифи жой номлари келиб чиқишининг этно-маданий фонини тақдим этиш, мамлакатимиз ҳудудий топонимлари ичидаги тизимли боғланишларни аниқлаш имконини беради.

## **2.1.§. Ҳудуд топонимик объектлари номларининг умумий тавсифи таснифи**

**Ареал лингвистиканинг асосий вазифаси** тил хусусиятларининг ҳудудий бўлинишини тавсифлаш ва изоглоссаларни талқин қилишдан иборатдир<sup>84</sup>. Қизилтепа туман ҳудудий этнотопонимларини ареал лингвистик

---

<sup>84</sup>.Нафасов Т. Ўзбек номномаси. Қарши, Насаф, 1993. 154 б.;Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Т., Ўқитувчи, 1988. 288 б.

жихатдан тадқиқ қилар эканмиз, уларнинг тарқалиш ўринларини белгилаш, ареал карталар асосида аниқлаштиришда боғлиқ (ички мотивланган) ва конвергент (бирлашиш) изоглоссаларга алоҳида эътибор қаратилди. Боғлиқ изоглосса, асосан, «бир генетик умумийликка эга бўлган тилларда ривожланиб, қиёсий-генетик тадқиқотлар усулида ифодаланади. Конвергент изоглоссалар эса узок даврлар бир ҳудудда яқин алоқада бўлиш натижасида ареал умумийликни келтириб чиқаради»<sup>85</sup>. Этнотопонимик изоглосса у ёки бу топонимик ҳодисанинг ҳудуд бўйича тарқалишини кўрсатувчи харитадаги белги тарзида қабул қилинган. Қизилтепа тумани этнотопонимларининг ономастик жиҳати, маъно кўламлари аниқланди.

Қайси типдаги объектни номлашига кўра, уларнинг пайдо бўлиш мезонлари мисоллар орқали ёритилди. Бу ҳақда тадқиқот ишининг 1 боб, 1.3 фаслида баён этилган илмий талқинларни умумлаштирган ҳолда ҳудуд топонимик терминларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: туман ҳудуди топонимияси бой ва хилма-хил бўлиб, ҳудуд бўйича тўпланган қуйидаги топонимик бирликлар: чўл номлари, сув билан боғлиқ номлар, плато номлари, тоғ, қоя, дўнглик, тепалик номлари, қишлоқ, кўча, аҳоли пунктлари номлари, маданий мерос объектлари номлари, қабристон номлари, мустақиллик йилларида пайдо бўлган номлар сираси ҳам буни тасдиқлайди. Далиллардан ҳам кўринадики, ҳудуд топонимияси тушунчаси ономастик нуқтаи назаридан кенг қамровга эга.

**Этнонимларнинг топонимга айланиши узок давом этадиган мураккаб жараён** саналиб, бунда жой номлари этнонимлар билан ўзаро муносабатда бўлади ҳамда ўзбек тилшунослигида янги атоқли отлар тизимининг юзага келишига асос бўлади. Қизилтепа тумани ҳудудий этнотопонимлари пайдо бўлиш ва қайси тип объекти номини англатишига кўра қуйидагича гуруҳланди:

---

<sup>85</sup> Шарафутдинова Н.С. Лингвистическая типология и языковые ареалы.// учебное пособие / - Ульяновск: УлГТУ, 2009. – С. 86-87.

1. **Агроэтнопонимлар** (юнонча. agros+ethnos+onoma) – уруғ номи билан боғлиқ дала, адир, ер участкаларига берилган атоқли отлар; Қорақалпоқ боғ; Авғонбоғ, Урганжибоғ.

2. **Агорэтнопонимлар** (юнонча. agora + ethnos + onoma) – уруғ номи билан боғлиқ майдон, бозор номи: Сарой бозори, Дўрмон қароргоҳи, Қатағон бозор, Сарибозор ва х.к.

3. **Агиоэтнопонимлар** (юнонча. agio+ethnos+onoma) – уруғ номи билан боғлиқ масжид, мадраса, муқаддас кадамжо ва илоҳийлаштирилган маконлар номи: Абу Муслимтепа, Манғиттепа, Хўжа Ажвандитепа, Авғонтепа, Дўрмонтепа, Қўлбаттепа, Кушартитепа, Ўзбек (туркий) масжиди, Тожик (форсий) масжиди, Тош масжид кабилар.

4. **Дромэтнопонимлар** (юнонча.dromog+ethnos+onoma) – уруғ номи билан боғлиқ ҳаракатланишга мўлжалланган ҳар қандай йўллар, кўча, бекат, маршрут номлари: Қизилтепа-Кармана; Нуробод; Қипчоқ бекати; Нурота-Найман.

5. **Этноойконимлар** – (юнонча. oikos+ethnos+onoma) – уруғ номи билан боғлиқ аҳоли яшовчи жой, масканларнинг атоқли оти бўлиб, улар куйидагиларга бўлинади: а) этнополисонимлар – уруғ номи билан боғлиқ шаҳар ва шаҳарча номлари: Урганч шаҳри, Қўнғирот шаҳри каби; б) этнокомонимлар – уруғ номи билан боғлиқ қишлоқ, овул типдаги жойлар номи: Қипчоқовул, Қозоқовул, Кўсаовул; қишлоқ номи: Арабон, Арабхона, Араблар, Авғонон, Қўлба, Тожикон, Манғит, Айрончи, Сарой, Қипчоқ, Кенагас, Сарибош, Башир; қўрғон номи: Хўжақўрғон ва б.қ.

6. **Хороноэтнопонимлар** – (юнонча χωρα+ethnos+onoma) уруғ номи билан боғлиқ вилоят, туман, ўлка номлари: вилоят номи: Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон; туман номи: Қўнғирот тумани, Балиқчи тумани кабилар..

7. **Некросэтнопонимлар** – (юнонча νεκρός, nekros+ethnos+onoma) уруғ номи билан боғлиқ мазор, қабристон ва мана шу типдаги муқаддас кадамжолар атоқли оти: Абомуслим қабристони, Беклар қабристони,

Беришум қабристони, Бештуғ қабристони, Биби Саидабону қабристони, Бибиқабўтпўш қабристони, Бободўғи қабристони, Ғойибон қабристони, Ғойибота қабристони, Гўдаконтёпа қабристони, Дўрмонтепа қабристони, Хўжа Ёдгор Вали қабристони, Хўжа Дониёр қабристони, Хўжа Ажвандибобо қабристони, Урганжи қабристони каби.

**8. Ороэтнопонимлар** – (юнонча  $\theta\rho\varsigma$ +ethnos+onoma) уруғ номи билан боғлиқ ер юзаси рельефидаги бўртиб, кўтарилиб чиққан ҳар қандай баланд жойлар (тоғ, қир, тепа, чўққи, доvon, дўнг ва бошқа) номлари: Қизилтепа адирлиги, Қоплонтёпа, Терикбобо, Майидқора, Окқум (қирлик ва тоғлар), Арабонтёпа, Афғононтёпа, Дўрмонтепа, Қўлбатёпа, Кушартитёпа, Манғиттепа кабилар.

**9. Этногидронимлар** – (юнонча ethnos+ὕδωρ,hudor+onoma) уруғ номи билан боғлиқ сувликдаги ҳар қандай (табiiй ва сунъiiй) объект номлари: Араби ариқ, Қатағон ариқ, Қирғиз ариқ, Манғит ариқ, Зармитан ариқ, Тожик ариқ, Қипчоқ ариқ.

**10. Этноурбонимлар** – (юнонча ethnos+urbanis+onoma) шаҳар ичида жойлашган ҳар қандай топографик объектларнинг номлари (агороним, годоним, хороним, эkkлeзионим, ойкодомоним). Мисолларда кўриб ўтилганидек, ойконим тарзидаги этнопонимлар номи ўша ҳудуддаги бирон - бир объект ёки топоним номига (урбоним тарзида) кўчади. Масалан: Дўнгсарой маҳалласи масжиди, Дехқонобод қишлоқ врачлик пункти, Чўянбош маҳалла ҳаммоми, Сарой маҳалла гузари каби.

Қизилтепа тумани этнопонимларининг аталиш мотивига кўра турларидаги этнопонимлар қуйидагича тасниф қилинган:

Таркиби уруғ ва қабила номлари асосида шаклланган этнопонимлар. Ҳозирда унутилган этник қатламлар номларининг ўзбек халқи ва миллатининг шаклланишидаги ўрни беқиёс бўлиб, тилимизда жой номлари сифатидагина сақланиб қолган. Уларни қайси уруғга мансублигига кўра шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

Нуфузли уруғ ва қабила номлари асосида юзага келган этнотопонимлар. Вилоят ҳамда туман ҳудудида араб, ўзбек, мўғул, қипчоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман халқлари номларини ташкил этган этнонимлар асосидаги жой номлари кўп учрайди. Масалан: Араблар, Арабхона, Тожиклар, Авғонон, Дўрман, Қатағон, Қипчоқ, Манғит, Найман, Айрончи, Митан, Баҳрин, Арғун, Сарой, Ўба, Қўлба, Юзлар, Қирқ, Минглар (Ҳазора форсча номи) каби. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, митан этноними 50 дан ортиқ жой номи таркибида учрайди. Бу ном билан боғлиқ этнослар халқ шеваларининг шаклланишига ҳам кучли таъсир кўрсатган.

**Уруғ ёки қабила тармоғи ҳисобланган этнотопонимлар.** Уруғ ва қабилаларнинг шаклланишида бўғин, авлод, аймақ, тўп, оила сингари бўлақлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, умумий ҳолда катта бир уруғни ташкил қилган. Ҳозирда уруғ тармоғи ҳисобланган майда уруғ ва қабила номи билан аталган қуйидаги топонимлар учрайди: 92 бовли ўзбек уруғлари таркиби ҳисобланган Қорақўрпа, Каттакўрпа, Чўжаюз, Бешкал, Марқаяюз, Қурама, Оқсоқол, Тўда; қипчоқ уруғи ҳисобланган Сирмоқ, Ўлмас, Еттиқашқа, Чанғароқчи, Товулди, Пучуғой, Туячи, Элатан, Оқбўйра, Каллар, Хўжамшукур, Қизилоёқ; тожик-форсий уруғлари ҳисобланган Бағиш, Қорабағиш, Чонбағиш, Жедигар, Оқэчки, Тейит, Қонди, Ўрғу, Қорағул, Саёк, Қорасадок этнотопонимлари мавжуд.

Ҳозирда қайси уруғга боғлиқлиги унутилган этнотопонимлар. Ушбу номларнинг қайсидир тармоқ ёки уруғга тегишлилигини аниқлаштириш қийин, аммо улар этнотопоним сифатида кўплаб адабиётларда келтирилган. Бўтақора, Бобоғози, Ахтачи, Мўдай, Кирбош, Оқбош, Қоракал, Балиқчи, Қияли қабила<sup>86</sup>.

---

<sup>86</sup>Эназаров Т.Ж. Ота компонентли микропонимлар // Актуальные проблемы современной лингводидактики и лингвистики. Т.,1995. С. 16-18.;Эназаров Т.Ж. Топонимлар этимологияси дидактик омиллардан бири сифатида // Сборник научных трудов. Т., 1995. С. 20-23.; Эназаров Т.Ж. Топонимлар этимологияси муаммолари // Сборник научных трудов. Т.,1995.-С.75-78.;Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимикасида атамаларни илмий меъёрлаш муаммоларига доир // Илмий анжумани материаллари. Т., 1995. 48-49-бетлар.;Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимикасида атамаларни тартиблаш ва топонимик лугатлар тузиш муаммолари // ЎзР География жамиятининг IV съезди материаллари. 2-қисм. Т.,1995. 149-151-бетлар.;Эназаров Т.Ж. Танқаснинг этимони тўғрисида // Сборник научных трудов. Т., Университет, 1996. – Б.19-23.

### **Халқ ва миллат номлари асосида шаклланган этнотопонимлар.**

Этнотопонимларни ареал жиҳатидан карталар асосида даврлаштириб ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, вилоят ҳудудида учрайдиган кўплаб уруғ ва элатлар аллақачон халқ бўлиб шаклланган миллатларнинг вакиллари ҳисобланади. Ҳозирда туманда араб этноними билан боғлиқ Арабон, Арабо, Арабхона, Араблар, Қушайр; тожик этноними билан боғлиқ Тожикон, Тожиклар, Дабашийён каби этнотопонимлари учрайди. Тўп лексемаси асосида юзага келган этнотопонимлар. Кишилар қадимдан ижтимоий мавқеига қараб маълум гуруҳ ва табақаларга бўлинган. Мана шу каби табақаланиш ва унга оид турли тушунча, тасаввурлар тилда муайян сўзлар ёрдамида ифодаланган. Тўпи Арбоб, Тўпи Сўфиён, Бойтўпи, Қўлтўпи, Арабтўпи, Мирзатўпи, Эшонтўпи этнотопонимлари таркибидаги *тўп* компоненти ушбу этник гуруҳларнинг бир ерга тўпланган таркиби яшайдиган жой номини англатади.

**Ранг-сифат билдирувчи сўзлардан ясалган этнотопонимлар.** Турли ранглар ва улар ҳақидаги тотемик, мифологик, диний, бадий, фалсафий тушунчалар ўтмишда туркий халқлар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу ҳақда тарихий манба ва этнографик адабиётларда фикрлар билдирилган<sup>87</sup>.

Маълумки, ранглар туркий тилларда баъзи рамзий маъноларни англатади. Чунончи, сариқ ранг – оқсуяк, аслзода, бойлик, мол-мулк, дабдаба, қизил – жануб, оқ – кун чиқиш, қора – кун ботиш маъноларини англатган. Қизилтепа, Оқработ, Оқсоч, Оқмачит, Оқбурут, Оқтош, Қизилтонг, Кўктош, Оқолтин каби.

---

<sup>87</sup>Эназаров Т.Ж. Ота компонентли микропонимлар // Актуальные проблемы современной лингводидактики и лингвистики. Т.,1995. С. 16-18.; Эназаров Т.Ж. Топонимлар этимологияси дидактик омиллардан бири сифатида // Сборник научных трудов. Т., 1995. С. 20-23.; Эназаров Т.Ж. Топонимлар этимологияси муаммолари // Сборник научных трудов. Т.,1995.-С.75-78.;Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимикасида атамаларни илмий меъёрлаш муаммоларига доир // Илмий анжумани материаллари. Т., 1995. 48-49-бетлар.;Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимикасида атамаларни тартиблаш ва топонимик луғатлар тузиш муаммолари // ЎзР География жамиятининг IV съезди материаллари. 2-қисм. Т.,1995. 149-151-бетлар.;Эназаров Т.Ж. Танқаснинг этимони тўғрисида // Сборник научных трудов. Т., Университет, 1996. – Б.19-23



**Микдорни билдирувчи сўзлардан ясалган этнотопонимлар.** Туркий уруғ ва қабилалар қадимий даврлардан бери ўз бошидан ўта мураккаб шаклланиш жараёнларини кечирган. Уруғ-қабилалар маълум микдор, одамларнинг гуруҳи, тўпи, бирлашуви ва уюшмасидан иборат бўлган. Маълум даврда бу тўдага янги қардош ва ноқардош уруғлар (этнослар) қўшилиб турган ёки қабилла маълум бир шохобча, тармоқларга бўлиниб кетган. Мана шундай жараёнлар уруғ, қабилла таркибидаги компонентларнинг сони микдорига таъсир этган. Шу хусусият, белги баъзи ҳолларда уруғ, қабилани аташ, номлашга асос бўлган. Худуд этнотопонимлари таркибида микдор тушунчасини акс эттирувчи қуйидаги номлар учрайди: Учгумбаз, Яккатут, Бештуғ қабилар. Ҳозирда маҳалла худудининг катталиги ҳисобига жой номларининг рақамлар билан ифодаланиши ҳам кузатилади: Қасриомон-1, Қасриомон-2, Сарой-1, Сарой-2 каби.

**Ҳажм-ўлчов маъноларини билдирувчи** тушунча асосида ясалган этнотопонимлар. Уруғ ва қабилалар ўзининг узоқ тарихий тараққиёти давомида ўзаро бирлашиб, қўшилиб улкан этносларни юзага келтирган ёки, аксинча, кичик бўлак, гуруҳларга бўлиниб парчаланиб турган. Бундай жараённинг турли тарихий даврларда ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий сабаблари бўлган. Натижада уруғ ва қабилаларнинг ҳажман йирик ва майда тармоқлари юзага келган<sup>88</sup>. Қизилтепа тумани худудидаги Катта Араб, Кичик Араб, Кичик Найман, Катта Найман, Катта Тожиқ, Ўрта Тожиқ каби этнотопонимлар бунга мисол бўла олади.

**Объектнинг ўрни ва яшаш манзили, жой номлари билан боғлиқ этнотопонимлар.** Жой номлари орасида этноснинг илк макони, яшаш

---

<sup>88</sup>Эназаров Т.Ж. Ота компонентли микротопонимлар // Актуальные проблемы современной лингводидактики и лингвистики. Т.,1995. С. 16-18.;Эназаров Т.Ж. Топонимлар этимологияси дидактик омиллардан бири сифатида // Сборник научных трудов. Т., 1995. С. 20-23.; Эназаров Т.Ж. Топонимлар этимологияси муаммолари // Сборник научных трудов. Т.,1995.-С.75-78.;Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимикасида атамаларни илмий меъёрлаш муаммоларига доир // Илмий анжумани материаллари. Т., 1995. 48-49-бетлар.;Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимикасида атамаларни тартиблаш ва топонимик луғатлар тузиш муаммолари // ЎзР География жамиятининг IV съезди материаллари. 2-қисм. Т.,1995. 149-151-бетлар.; Эназаров Т.Ж. Танқаснинг этимони тўғрисида // Сборник научных трудов. Т., Университет, 1996. – Б.19-23.

жойига нисбат бериб ҳосил қилинган бир қатор этнотопонимлар учрайди. Хусусан, Арабо, Арабон, Авғонон, Урганжи номларини ифодаловчи аҳоли пунктлари кишиларнинг аввалги яшаган жойлари номини англатади. Қизилтепа тумани ҳудудида объектнинг ўрни билан боғлиқ этнотопонимларни ҳам учратамиз, бу номлар этносни ҳудуднинг қайси ўринда жойлашганини кўрсатади. Масалан: Ўртақўрғон, Ўртачўл, Юқори Майта, Баландғардиён, Пастғардиён, Бўлакработ, Гумбаз, Қуйи Ревартун, Юқори Ревартун кабилар.

**Антропонимларга асосланган этнотопонимлар:** а) киши лақаблари билан боғлиқ этнотопонимлар. Масалан: Ҳазрат Шайх Шоди, Пири Пирон, Холбой тепа, Хўжа Бўстон, Биби Саида, Шақ-Шақ Ато, Адҳам саҳоба, Жума тўпчи, Аҳмад полвон каби. Ҳар қандай лақаб этнонимга айланавермайди, чунки лақаб этнонимга айланиши учун у фақат бир кишига эмас, балки муайян тоифа кишилар гуруҳи ёки ўша лақаб эгасининг авлодига тааллуқли бўлиши керак. Ана шунда у этнонимга, яъни ўша лақаб эгаси уруғининг номига айланади; б) касб-хунар, машғулот билан боғлиқ этнотопонимлар. Кишиларнинг машғулот ва турмуш тарзи айрим топонимларда ўз аксини топган: Читгарон, Собунгарон, Косагарон, Қассобон, Чармгарон, Кулолон, Новвойлар кабилар.

**Нисбий этнотопонимлар.** Бу номлар маълум бир гуруҳ, тўп истиқомат қилган жойларни англатади. Вақт ўтиши билан ушбу сўзларнинг ижтимоий-сиёсий маъноси унутилиб, улар этник терминга айланиб, маълум кишилар гуруҳининг номи бўлиб қолган. Ушбу этник гуруҳ вакиллари бошқа гуруҳларга қўшилмаслик жиҳатидан ажралиб турган. Масалан: Арбоб – юқори табақага мансуб киши: Тўпи Арбоб, тўпи Сўфиён, Бойтўпи, Қўлтўпи; Шейхон, Беклар, Ҳафтқориён, Хўжалар, Қалъайи Азизон, Маликобод.

Қизилтепа тумани Навоий вилоятида тарихий, этник, этногенез, топонимик, семантик ва лексикографик ишланмаси бўйича етарли кўрсаткичларга эга эмас эди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг топонимика соҳасини ўрганишда ва унинг тараққиёт тамойилларини тавсифлашда катта бурилиш даври бўлди. Шу даврдан бошлаб топонимларни ўрганишда илгаригидай, фақат бир гуруҳ олимлар эмас, балки бир қанча олимлар қатнашди. Рус олимларидан А.П.Дульзон, А.К.Матвеев, Ю.А.Карпенко, В.А.Серебренников, Э.М.Мурзаев, А.И.Попов кабиларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Марказий Осий ва Ўзбекистон ҳудуди топонимларини ўрганишда Н.Хаников, В.В.Бартольд, Э.М.Мурзаев ва бошқаларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси топонимларини, жумладан, Марказий Осиёдаги топонимлар ва жой номларининг келиб чиқиш тарихини, этнонимларини ҳамда географик объектларининг терминларини ўрганишда ўзбек олимлари улкан ҳисса қўшдилар. Бу соҳада тарихчи олимлардан Я.Ғ.Ғуломов, А.Асқаров, К.Шониёзов, В.Н.Набиев, Қ.Ражабов, Р.Мақсудов, А.Р.Муҳаммаджонов, тилшунос-лингвистлардан Э.Бегматов, Т.Нафасов, С.Қораев, С.Найимов, Ф.Абдуллаев, С.Иброҳимов, Ҳ.Зарипов, Ҳ.Дониёров, Р.Қўнғуров, Т.Нафасов, Б.Ўринбоев, Т.Эназаров, Ў.Орипов ва географ олимлардан Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев ва бошқаларнинг ишларини келтиришимиз мумкин<sup>89</sup>.

Фақат Ўзбекистон олимлари эмас, балки қўшни республика олимлари ҳам топонимларни ўрганишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар: Ғ.Қўнқашбоев, А.Абдурахмонов, Е.Кўйчибоев, А.Ғафуров, Ш.Атаниязов, Л.Наханова ва бошқа топонимист олимларнинг тадқиқотлари ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Мазкур мавзу юзасидан бир қатор фундаментал тадқиқотларни мисол келтиришимиз мумкин. Бу соҳада бир қанча илмий конференциялар ташкил этилган<sup>90</sup>.

Масалага лингвистик томондан ёндашадиган бўлсак, топонимлар ҳам тил луғат фондининг бир қисми ҳисобланади. Шу билан биргаликда жой номлари тил бирликларининг тилнинг бошқа қатламларидан фарқ қиладиган

---

<sup>89</sup> Абдрахманов А. А. (Алма-Ата) Актуальные проблемы тюркской топонимики/ ОУ – Ташкент, 1989. С.15-16

<sup>90</sup> Мурзаев Э. М. Тюркская этнотопонимия // Этническая топонимика. – Москва. 1987. С. 36-61.

томонлари бор. Ўзбек топонимларининг таркибий қисмида бошқа қардош тиллардаги каби поликомпонентли (кўп таркибли) хусусиятга эга эканлиги тадқиқотимиз объектида аниқланган<sup>91</sup>.

Ўзбек тилшунослигида топонимларни ўрганишда фақат унинг ясалиш хусусиятларига катта эътибор қаратилган. Лекин топонимларни юқорида қайд этганимиздек, ўрганишда унинг лингвистик ясалиш хусусиятларига эътибор қаратилганлигини кўрамыз.

## **2.2.8. Қизилтепа топонимларининг этимологик, когнитив, этнографик ва тарихий хусусиятлари**

Қизилтепа топонимларининг этимологик таҳлили, уларга оид термин ва атамаларнинг ишлатилиши хусусида юқорида қайд этганимиздек, этногенез, этнос ва этимологик таҳлил юзасидан Қизилтепа топонимларида етарлича маълумотлар бор ва мавжуд<sup>92</sup>. Топонимия соҳаси бўйича этимологик луғатлар тузиш амалиёти Ўзбекистонда етарлича амалга ошмаган бўлиб, йўқ даражада десак ҳам, бўлаверади. Тилшуносликнинг лексикография бўлимида сўзларнинг этимологик жараёнлари лингвистик нуқтаи назаридан таҳлил ва тавсиф қилинади. Ўзбек олимларидан Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг этимологик луғати» этимологик йўналишда дастлабки амалий ишлардан ҳисобланади»<sup>93</sup>.

Ўзбек тилидаги топонимларнинг этимологик таҳлилида ва унга хос хусусиятларнинг моҳияти ҳақида айни вақтгача ягона фундаментал илмий ишлардан бири сифатида Т.Эназаровнинг докторлик диссертацияси ҳамда этимологик таҳлилга тегишли жараёнларнинг боришини лозим деб биламыз.

Бу масалаларда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш ўринлидир:

1. Мавжуд топонимик объектларни бир-биридан фарқлаш учун уларга номлар бериш объектив ва ҳаётий эҳтиёж ҳисобланади. Акс ҳолда, киши

<sup>91</sup>Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Т.: 288 б.

<sup>92</sup>Абдурахманов А. Топонимика жене этимология. Алматы. 1975; Қайдаров А.Т. Тюркская топонимия: проблемы и задачи//, Алмааты, 1990, -С.20.; Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на гласные. М.: Наука, 1974, - 767 с.; Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. М.Мысль, 1978, - С.78-7.

<sup>93</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Т. “Университет” 2000, - 600 б.

Ўзига тегишли манзилларни топа олмасдан, овораи сарсон бўлиб юради. Шу сабабдан ҳам мамлакатимиздаги шаҳар, туман, кўча ва маҳаллалар номлангани каби қишлоқ, сой, дарё, тепа қабиларнинг номланиши табиий бир ҳолдир<sup>94</sup>.

2.Топонимик объектларга номлар бериш учун апеллятив лексикадан ономастик лексика сатҳига ўтган луғавий асослардан бирининг танланиши эса ономастик тасодиф ҳисобланади<sup>95</sup>.

Вақт ўтиши билан топонимларнинг таркибидаги топонимик асослар таркибида товушларнинг ўзгариши ёки уларнинг тушиб қолиш ҳолати ҳам фонетик ўзгариш сифатида тан олинади. Масалан: этимология ва этимологик таҳлил баҳсида рўёбга чиқади. Этимология соҳаси тилшуносликнинг бир бўлими сифатида қаралмоқда. Бу йўналишдаги луғатлар тузишнинг энг оптимал йўллари луғат мазмуни ҳамда луғат мақолалари учун танланган этимологик таҳлилларни амалга ошириш, қуйидаги баъзи бир терминларнинг қисқача изоҳида тўхталиш ўринли бир ҳолат эканлигини биламиз. Топонимлар бўйича ўзбек олимларининг қуйидаги ишлари диққатга сазовор ишлардир<sup>96</sup>.

Профессор Т.Эназаров «Ўзбек топонимлари бўйича шаклланадиган этимологик луғат тузишда лексикографик манба сифатида 2019 йилда «Ўзбекистон жой номларининг этимологик луғати топонимлар тилсими»ни тузди. Бу масалада биз этимологик луғат тузган мутахассисларга қиёсий характеристика бермоқчи эмасмиз. Шундай бўлса-да, М.Миртожиев, Ш.Раҳматуллаев, Э.Бегматов, Н.Улуқов, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Х.Эгамов, Н.Охунов каби олимларимизнинг тузган луғатларида этимологик таркиб аниқ мақсадга йўналтирилмаган бўлса-да, этимологик тадқиқотлар ҳамда

---

<sup>94</sup>Фалсафа. Қомусий луғат. 132-134;<sup>94</sup>; Университет, 2000.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. Т.Университет. 2001; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўзлар, улар билан ҳосил сўзлар) 2003. – 600 б.

<sup>95</sup>Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Т.: 1988, - 398 б.

<sup>96</sup>Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Т.: “Ўқитувчи, 1977. 174-б.; Н.Охунов Жой номларининг таъбири. Т.: “Ўзбекистон”, - 88 б.; Мурзаев Э.М. Очерки топонимики “Мысль” 1974. -382 б.; Мурзаев Э.М. География в названиях., Наука, 1979. -166 с.; Мурзаев Э.М. Апеллятив в топонимах Центральной Азии. Фрунзе. – 211 с.; Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. М.Мысль 1974. - 654 с.; Тюркская топонимия// Этническая топонимика М. 1987. -198 с.

топонимлар масаласи қисман ёритилган. Бу тузилган луғатларда бир мунча оптимал йўл танланганлигини кўрамиз. Айниқса, Т.Эназаров томонидан топонимларнинг этимологик таркибига оид танланган термин ҳамда терминларнинг ишлатилишида ҳам оригинал йўл танланганлигини гувоҳи бўламиз<sup>97</sup>. Мазкур луғатда ва луғат мақолаларида қуйидаги топонимларнинг этимологик таркиби бўйича термин ва атамаларнинг изоҳи масаласи қисман бўлса-да, илмий жиҳатдан ҳал этилган.

Мазкур таҳлил қилинаётган луғатда *агроним* – экинзор ерларнинг номлари каби изоҳланиши илмий жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ёритилган. Экинларнинг тури кўп бўлгани каби агронимларнинг ҳам тури ҳамда миқдори жуда кўп. *Агронимия термини* эса – экинзор ерларнинг номларининг мажмуи (комплекси) каби изоҳланади, масалан, пахтазор, ғаллазор, бедазор, бедапоя, жўхориپоя каби.

Бундан ташқари этимологик ва этник таҳлилда *антропоним* терминининг – кишиларнинг, инсонларнинг, одамларнинг исми ҳақида маълумот бериладиган хусусият каби изоҳланиши этимологик луғатлар тузилишида эътиборли бир жараён ҳисобланади. Жумладан, *антропоним* термини – антропонимлар бўйича номланган топонимларга тавсиф сифатида, айниқса, бу масалада Шўролар тузуми даврида инқилобчиларнинг номларини аҳоли пунктларига, берилишида кўриш мумкин<sup>98</sup> (Свердлов, Киров, Ленин, Маркс, Энгельс ва шу кабилар). Бу термин ва изоҳлар ҳозирда фаол ишлатилмас-да, бундай топонимик объектлар этимологик талабларга жавоб берадиган тарзда қайта номланган. Шунингдек, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, антропонимлар асосида номланган топонимларнинг салмоғи анча кенгайганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин («Гулҳаё Мафтун», «Кўчқор Карим келажаги», «Аслон Назар», «Латифбобо», «Феруз, Шухрат», «Амиршоҳ», «Нормурод Раҳмонов», «Акмал Амирбек», «Ҳалим Самад», «Мирзо Равшан», «Ўткир Ўктам орзуси» каби фермер

<sup>97</sup>Эназаров Т. Кўрсатилган луғат. 2019. –Б.24.; Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. Т. “Фан”, 1975. -Б 41-51.

<sup>98</sup>Эназаров Т. Кўрсатилган асар. – Б.24.

хўжаликларининг номларини санаб ўтиш мумкин). Бу масалалар ўзбек топонимияси, жумладан, микротопонимияси терминларининг узок ва яқин ўтмишини ўрганишга асосий манба бўлиб ҳисобланиш имконияти жуда катта. Бу этнотопонимик жараён иллюстратив топоним ва микротопонимлар тавсифида ўз ифодасини тўлиқ топган. Бундан ташқари бу тавсиф ва таҳлиллар Қизилтепа топонимлари ва микротопонимияси таҳлилида ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди.

Бу туркум луғатлар тузишда ишлатиладиган *апеллятив* (луғавий асос) – объектнинг номланиши учун танланган ва топонимик маълумотлар базаси, лексикографик манбаларни расмийлаштиришда, жумладан, луғатларнинг электрон платформасини, шунингдек, электрон маълумотлар базасини яратиш, ўзбек миллий корпусини шакллантиришда етакчи манба ҳисобланади. Бу туркум лексикографик, айниқса, этимологик лексикографиянинг, Фасмернинг немис тилидаги рус тили этимологияси бўйича тузган этимологик луғати мазмунига анча яқинлашган. *Апеллятив лексик бирлик* бирикмали термини ҳам қуйидаги изоҳи билан юқоридаги терминлар бирлиги мазмунига тўлиқ боғланади – объектнинг номланиши юзасидан топонимик маънолар маълумотлар базасини шакллантиришга етакчи луғат мақоласи сифатида киритилиши мумкин. Бундан ташқари *Биринчи номланиш қонуни* – апеллятив лексикасидаги сўз ва сўз бирикмаси ва қўшма сўзларнинг тўғридан-тўғри ономастик лексик таркибга ўтиш биринчи алмашув қонуни деб номланганлиги, изоҳнинг мукамаллигидан дарак беради. Апеллятив лексика бўйича ўзбек тилшунослигида маълумотлар, шунингдек, маълумотлар базаси тўлиқ шакллантирилмаган. Бу масаланинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари мавжудлигини кўрсатади.

Тўғри, луғат мақолалари таркиби ҳамда этимологик луғатни шакллантиришга ёрдам берадиган, фойдаланиш имконияти жуда катта бўлган бирикмали топонимлар масаласи хулосамиз давоми сифатида қаралади. Шу сабабдан ҳам, тадқиқот иши мазмунида қуйидагича ўзига хос

топонимик, микротопонимик ва этимологик тавсифни талаб этади – аниқловчи-аниқланмиш конструкцияли бирикмалар (Тошмасжид, Тўдакўл, Қорадарё, Оқдарё) диссертация мазмунини кенгайтирди. Бу эса бизга катта илмий параметрлар имкониятларининг истиқболли уфқларидан тўлиқ барҳаманд бўлиш имкониятини бериши билан бир қаторда илмий тадқиқот натижалари хулосаларидан бошқа барча топонимик ишларда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлигини ифода этади.

Юқорида тавсифланган термин ва атамаларнинг мазмуни ва изоҳи таҳлилини давом эттириб қуйидаги натижалар қўлга киритилди. *Гибрид топонимлар* изоҳи қуйидаги мазмунга эга – маъноли қисмлари турли тиллардаги сўзлардан иборат бўлган топонимлар. Масалан, Совунгарон // совун – арабча асос, гарон – форс-тожикча формант; Азизон // азиз – арабча асос, он – форс-тожикча формант, Тошработ текстиль // тош – ўзбекча асос, работ – арабча формант, текстиль – русча индикатор.

Топонимларнинг таркибий қисми ҳисобланган этнотопонимик атама ва терминларнинг изоҳи мазмуни *гидронимлар* тавсифидаги хулосалар ҳам ишда етакчи илмий натижаларни берди. *Гидронимлар* термини изоҳи – сув иншоотларини (дарё, ариқ, канал, ҳовуз, сув омбори кабилар) ифодалаб келади (Қизилтепа насос станциялари, Аму-Бухоро канали, Тўдакўл сув омборлари, сув тўғони, Зарафшон дарёси, Шоҳруд канали, Абу Муслим шоҳариқ, Дулдул коллектори, Ёрмоқчисой ювилма ўйиғи, Зармитан ариғи, «Чўлдарё» – сув истеъмолчилари уюшмалари). Бу масала изоҳида етакчи масала, Қизилтепа тумани худудидаги гидронимларни луғат мақоласи таркибига киритиш, диссертацияда гидронимларнинг тавсифидан, уларнинг изоҳидан тўлиқ фойдаланиш имконияти кенгайтирилади. Ўзбек тилшунослигида маълумотлар базасини шакллантириш, асосан, ўзбек тили миллий корпусини шакллантириш ҳамда бойитиш масаласида компьютер технологияларидан фойдаланиш, рақамли технологияни шакллантиради.



Демак, *гидротопонимлар* – сув топонимик объектлари билан аталган жой номлари, деб изоҳланиши ҳам етакчи мутахассислар назаридан четда қолмаган (Э.Бегматов, Н.Улуқов).

*Геотопоним* – ернинг ўзига хос махсус хусусиятларидан баъзиларини ўзида намоён қилган топоним<sup>99</sup>.

*Геотопонимия* термини изоҳи – ернинг ўзига хос махсус хусусиятларидан баъзиларини ўзида намоён қиладиган топонимлар йиғиндисига қўшадиган ва маълумотлар базасини шакллантирадиган, ўзбек миллий корпусини бойтадиган жараёнга муҳим ҳисса қўшишдан иборат бўлади. Жумладан, геотопонимия хусусида Э.Мурзаев ўзининг топонимик лексикографик манбаларида катта миқдораги иллюстратив материалларни беради.

Булардан ташқари *топонимларда диалектал маъно* бирикмали термин – шевага оид сўзларнинг кўпчилигида учрайдиган маъно нозикликлари мавжуд бўлиб, улар адабий тилда бошқа-бошқа маъноларда ишлатилиши мумкин. Ўзбек шеваларида ва шевашунослигида эса бошқа бир маънода функционал ёки контекстуал ишлатилиши мумкин. Топонимлар ҳам диалектал сўзлар бўлгани учун уларда ҳам топонимик маъно, ҳам диалектал маъно нозикликлари сезилари даражада мавжуд. Юқорида қайд этганимиздек, мазкур топонимик объектларни маълумотлар базасига киритиш ҳамда маълумотлар базасини шакллантиришга тўлиқ асосли ҳисобланади.

*Детопонимизация* – топонимларнинг оддий сўзларга айланган варианты каби изоҳли луғати шакллантирилган. Бу масала ҳам ўзбек тили маълумотлар базаси ва ўзбек тилшунослигининг илмий параметрларини кенгайтиришга хизмат қилади

*Дромоним* термини изоҳи юзасидан берилган тавсифда ҳам – йўл ва йўлакчаларнинг номлари келтирилган. Буларнинг топонимлар сирасига кириши, диссертация мазмунига киритилиши «Қизилтепа тарихи» монографик манбасида ва улар базасида яратилган изоҳли луғатга йўллар

---

<sup>99</sup>Т.Эназаров. Ўша жойда. 24-б.

тавсифи эътиборли даражада берилиб, топонимлар сирасига киритишга асос бўлади.

*Дромонимия термини* эса – йўл ва йўлакчалар номларининг мажмуи (комплекси)ни ташкил этадиган топонимик объектлар тавсифига жуда яқин.

*Дромоформант термини* эса – йўл ҳамда йўлакчаларнинг номларини шакллантирувчи кўшимча кўринишдаги воситалар деб изоҳланиши ҳам материаллар йиғиндисидида мавжуд.

*Зооним* – ҳайвон номлари<sup>100</sup>. *Зоонимия* – ҳайвон номларининг комплекси ёки маълумотлар базасини шакллантиришда диссертация иллюстратив материаллар асосидаги сўз ва терминларнинг киритилиши мақсадга мувофиқдир.

*Зоотопонимлар* – ҳайвонлар номлари билан аталган жой номлари. *Зоотопонимоформант* – ҳайвонлар номлари билан аталган жой номларини ясовчи кўшимча кўринишдаги воситалар сифатида этнотопонимлар шаклланишига ҳисса қўшади.

*Микротопонимлар* – кичик топонимик объектларнинг номлари ва уларнинг маълумотлар базаси. Шунга кўра, улар кичик ҳудудлардагина маълум ва машҳур бўлади. Бундай топонимларга маҳалла, гузар, жарлик, булоқ, қишлоқ, ариқ, манзил кабилар алоҳида кичик топонимия объектларининг номларини маълумотлар базасига киритиш зарур.

*Макротопонимлар* – катта ҳудудларда маълум бўлган топонимик объект номи.<sup>101</sup> Шаҳар, туман, вилоят каби ҳажм кўлами катта бўлган объектларнинг номлари макротопонимлар комплекси (мажмуаси)га киради. Шунингдек, маълумотлар базасини шакллантиришга хизмат қилади.

*Топонимларда* тахмин ёки фараз – топонимларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги фикрлар тўплами. Улар тил тарихи ва шеваларимизнинг тараққиётига мос келмай, халқона этимология ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, тил тарихи ва шеваларимизнинг тараққиётига мос келиб,

---

<sup>100</sup>Эназаров Т. Ўша жойда. 24-б

<sup>101</sup>Ўша жойда 25-б

топонимик илмий таҳлил бўлган этимологик таҳлил жараёнида ижобий туртки берадиган тахмин (фараз)лар ҳам бўлиши табиий бир ҳолат. Чунки тахмин ва фаразларнинг ижодкорлари халқ вакиллари, аниқроғи, ёши улуғ онахонлари, отахонлари, ўқитувчи, олимлар ҳамда илмий иш билан шуғулланаётган тадқиқотчилар бўлиб, улар ҳақидаги маълумотлар ёки маълумотлар базасидир. Топонимларнинг бундай гуруҳланишига улар ифодалайдиган топонимик объектларнинг бошқа топонимик объектлар тизимидаги мавқеи даражаси ҳамда ўзига хос ҳамда мос бўлган тараққиёт босқичлари ўз ифодасини топган. Бу ҳолатни куйидагича кўринишда қайд этишимизга тўлиқ илмий ва таҳлилий асос мавжуд:

*Лузавий асос* – микротопоним – макротопонимлар. Мазкур рамзий ифодадан кўриниб турибдики, макротопоним, микротопонимдан, микротопонимлар эса кундалик турмушда кўп қўлланиладиган апеллятив сўзлардан шаклланган.

*Индикатор* – географик топонимларнинг кўрсаткичи бўлиб, бу терминни топонимик аниқлагич деб ҳам қўллаш мумкин. Номлар доимо жамиятда содир бўлаётган турли ўзгаришларни (сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, фан тараққиёти) ўзида акс этиб боргани каби, индикаторлар ҳам номнинг қандай объект типига тегишлилигини ўзида акс эттиради. Масалан, қуйи Зарафшон воҳаси учун «работ», «тал», «поён», «тепа», «қўрғон», «овул», «кўча», «қишлоқ» «маҳалла» каби топотерминлар индикаторлик вазифасини бажаради. Шунингдек, индикаторлар бир асосли, икки асосли ва кўп асосли бўла олади. Масалан, кўча – бир асосли; фермер хўжалиги – икки асосли; маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ), масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) – кўп асосли.

Шунингдек, топонимика соҳасининг фан сифатидаги тараққиёти жараёнида унинг этимологик, когнитив, этнографик ва тарихий хусусиятларини тавсифлаш ҳамда Ўрта Осий ва Ўзбекистон ҳудуди топонимларини ўрганишда Н.Хаников, В.В.Бартольд, Э.М.Мурзаев, Э.Бегматов, Т.Нафасов, Т.Раҳматов, Б.Ўринбоев, С.Найимов, З.Дўсимов,

А.Мухаммаджонов, А.Отажонова, Т.Эназаров, Ў.Орипов, Қ.Ҳакимов, С.Ахмедов, Ш.Темиров, И.Холмуратов, Н.Адизова каби тадқиқотчи ҳамда олимларнинг илмий тадқиқот ишлари диққатга сазовордир.

Қизилтепа туманининг этнотопонимлари унинг қадимги давридан токи XX асрнинг 10-йилларигача тарихий манба ва адабиётларда атрофлича ёритилган. Айниқса, бу катта даврни ёритишда, ўрта асрда мамлакатимизда ёзилган тарихий асарларда жуда кўп этнотопонимларни учратиш мумкин. Жумладан, Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» асарида келтирилган этнотопонимик маълумотларни тарихий ҳамда тилшунослик фанлараро қиёслаш методи асосида илмий назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу ўринда Наршахий, Бартольд, Ханиковларнинг асарларини қиёсий тадқиқ ва таҳлил қилиш ўринли ҳисобланади. Қизилтепа ва унинг атрофидаги туманларда, аниқроғи, Гиждувон, Вобкент, Шофиркон туманларида ҳозирги адабий тилда ишлатиладиган «дала» сўзининг ўрнига «ёвон» сўзи XX асрнинг 90-йилларигача маҳаллий шевада кенг ишлатилар эди. Шунингдек, ҳозирги адабий тилда ишлатиладиган зооним «сигир» сўзи ўрнида «инак» сўзи кенг ишлатилган. Ҳозирги кунда ҳам ёши 70-80 дан ошган кишилар бу каби сўзлардан фойдаланишади. Бундан ташқари, гидронимлардан «дарғот» сўзи юқорида кўрсатилган 3 та туманда ҳам маҳаллий аҳоли орасида катта ариқ сувини бир неча йўналишларда тақсимлайдиган тўсиқ маъносини билдиради. Бизнинг фикримизча, бундай азалдан ишлатиб келинадиган сўзлар жуда кўп, лекин ҳозирги ёш авлод бу сўзларни деярли билмайди. Айниқса, хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган, лекин ҳозирги кунда истеъмолдан чиқиб кетаётган *сайисхона, оғил, равоқ* каби сўзларнинг изоҳли луғатини тузиб, уларни қайта ҳаётга қайтариш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу халқимизнинг хўжалик тарихи ҳамда тил бойлиги бўйича қадрият бўлиб, тилимизнинг ноёб унсурлари ҳисобланади. Бундан ташқари юқорида кўрсатилган туманлар қишлоқ ўтроқ аҳолиси фойдаланган «*ҳаёт*» сўзи билан ҳовли ҳудудидан ташқарида, лекин унинг девори орқасида турган ер «*ҳаёт*»

дейилган. Аҳоли бу ерга экин экишган ёки маҳаллий аҳоли тилида «*чарвоқ*» (*чорбоғ* - тўрт томони боғ) деб аталган боғ сифатида фойдаланишган. Умуман олганда, бу «*чарвоқ*» шу оиланинг мулки ҳисобланган. Яна шундай сўзлардан бири ўзбек ва тожик тилларида кенг фойдаланилган «дарча» сўзи истеъмолдан чиқиб кетди. Афсуски, ёш авлод бундай сўзларни билмайди ҳам, тушунмайди ҳам. Маҳаллий аҳоли транспорт катновига яроқсиз бўлган, пиёда юрилган сўкмоқ ёки йўлакларни «*йўлча*» деб атаган. Юқорида кўрсатилган ҳудудларда аҳоли турмуш тарзининг қисми бўлган ҳовлисидаги нон ёпиладиган ҳозир «*тандирхона*» деб аталадиган жой номи шевада «*танўрхона*» ёки қисқа қилиб, «*танўр*» (*танўрга нон ёпдим*) деб аталади. «*Итмакчи танури андин қизиқ, аллоф бозори андин иссиқ*»<sup>102</sup>.

Қизилтепа тарихи бўйича фаолият кўрсатаётган олимлар, журналистлар, тарихчиларнинг жалб қилиниши, мазкур мавзунини ўрганишга киришишда энг асосий таянч манба ҳисобланади.

### **2.3.§. Туман топонимлари ўрганилишининг лисоний ва лингвокультурологик хусусиятлари**

Мустақиллик йилларида, жумладан, янгиланаётган Ўзбекистон тарихий жараёнларининг шаклланишида тил элементлари, шу соҳанинг ажралмас қисми бўлган топонимия соҳасидаги тараққиётга ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Демак, «Тил халқнинг маънавий, кўп асрлик ҳаётининг энг тўлиқ ва энг ҳаққоний йилномасидир» деган хулоса, тил инсонга ва инсон жамиятга хос бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида изоҳланади. Инсонлар тилдан ўзаро алоқа воситаси сифатида қадим-қадимдан фойдаланиб келганлар ва келмоқдалар. Тилшунос олим Э.Бегматов тилнинг ижтимоий-лисоний аҳамияти ҳақида шундай ёзади: «Тилнинг асосий коммуникатив вазифасини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, унинг бошқа ижтимоий, маданий, маънавий, маърифий, дидактик ва таълимий, этикавий,

<sup>102</sup> А.Навий. Маҳбуб ул-қуллуб. Мукамал асарлар тўплами. 14 том. – Тошкент: Фан, 1998. –Б.35.

эстетик, регионал-худудий, рухий, бадий ва илмий, эмоционал-эстетик томонлар билан боғлиқ ижтимоий-лисоний қирралари мавжуд»<sup>103</sup>.

Тил маълум бир фикрни ифодалайди, шунингдек, кишилар гаплашганда бир-бирларига ўз фикрларини билдирадilar, ўзаро фикр алмашадilar. Фикр алмашув жараёнида инсон ўз фикрини янада кўпроқ тўлдиради ва ривожлантиради. Тил фикр билан чамбарчас боғлиқ. Тил ҳам онг каби эскидир. Онг, фикр пайдо бўлиши билан тил ҳам пайдо бўлган. Аммо ибтидоий тил тузилиши жиҳатидан содда, мазмун жиҳатидан мураккаб, коришиқ (диффузия) бўлган. Фикр, тушунча, ривожланиш, табақаланиш билан тил ҳам ривожлана бошлаган, ҳар бир тушунчани, фикрни ифодалаш учун айрим сўз, ибора, гаплар қўллана бошлаган<sup>104</sup>. Тил бу тизим бўлиб, унинг соҳалари – товушлари, сўзлари, қўшимчалари, гап қурилиши бир-бири билан чамбарчас боғланиб, ягона бир тизимни ташкил этади. Сўз ва товушдаги ўзгариш гап ва қўшимчалардаги ўзгаришларга олиб келади. Ўз тилига эга бўлмаган бирорта ҳам катта ва кичик бўлишидан қатъи назар ибтидоий жамоа бўлмаган. Тахминий ҳисобларга кўра, дунёда 1300 халқ ва элат бўлиб, 3000 дан ортиқ тил бор. Айрим тилларда жуда озчилик гаплашса, баъзи тиллар, айтайлик инглиз тилида бир неча давлат халқлари – Америка, Англия, Канада, испан тилида эса Мексика, Куба, Чили каби халқлар гаплашади.

Демак, бир тил икки ва ундан ортиқ миллатга хизмат қилиши мумкин эканки, уларнинг мазмун-моҳияти ижтимоий-маданий соҳада, тилларнинг ўзаро таъсирида, бир қанча тиллар орасида лексик бирликларнинг ўтишида намоён бўлади. Масалан, Юнонистон, Миср каби мамлакатларда ёзув милоддан аввал пайдо бўлган. Ўрхун-Энасой ёдномалари (булар, ўзбек

<sup>103</sup> Э.Бегматов. Антропонимлар – антропоцентриқ тадқиқ объекти.//Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. №3. –Б.36.

<sup>104</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»<sup>104</sup>, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари.

тилимизнинг мулки) III-VI асрларда Ўрхун-Энасой бўйларида юзага келганлиги аниқланган. Шу билан биргаликда, бир мунча халқлар ўз ёзувларига эга эмаслар (бир қатор Африка мамлакатлари, Сибирь ва Кавказдаги баъзи элатлар XX асрнинг 20-йилларидагина ўз ёзувларига эга бўлганлар). Ўзбек тили XI асрдан мустақил тил сифатида шакллана бошлаган ва XIV асрда умумхалқ адабий тили вужудга келган (у даврда ўзбек тили (туркий) номи билан юритилган. Ўзбек тили мустақил тил сифатида шакллангунча, яъни XI асргача қайси тилда гаплашишган?-деган савол туғилиши, табиий. Ҳозирги туркий тилда сўзлашувчи халқлар ва ўзбеклар XI асргача қадимги туркий тилда гаплашганлар. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутдағу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») асари қадимги туркий тилда ёзилган ёдгорлик бўлиб ҳисобланади.

Демак, ўзбек тили XI асрдан бошлаб қадимги туркий тил асосида шакллана бошлаган. Туркий халқлар ичида ўзбек халқининг шаклланиши муаммоси мураккаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбек халқи узок йиллик тарихга ва бой маданий меросга эга бўлган қадимги туркий халқлардан бири ҳисобланади. Археологик қазилмалар, ҳозирги замон тилидаги айрим этнографик ва топонимик номлар, қадимги туркий ҳамда эрон, юнон ва хитой ёзма ёдгорликлари ўзбек халқининг энг қадимги тарихини ўрганишда манба бўлиб хизмат қилади. Бу манбалар асосида эрагача (милодий санагача) Ўрта Осиё территориясида қандай қабила ва уруғлар яшаганини билишимиз мумкин. Ўрта Осиёнинг бизга маълум бўлган энг қадимги маҳаллий аҳолиси юнон манбаларида скифлар номи билан қайд этилган. Эрон манбаларида улар саклар деб номланган. Қадимги юнон тарихчиси Страбоннинг (милодгача I асрлар) айтишича, бу ерларда саклардан ташқари массагет уруғлари ҳам истиқомат қилганлар. Массагетлар Аму ва Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаб, бутун Закаспий текислигини ва Хоразм воҳасини эгаллаганлар. Саклар массагетлардан шарқроқда, Сирдарёнинг юқори ҳавзасида яшаганлар. VI асрнинг ўрталарида Марказий Осиёда Турк ҳоконлиги вужудга келди. (VI-VII асрлар). Бу давлат VIII

асргача (араблар истилосигача) ҳукмронлик қилди. Тили туркий, ёзуви – руний ва сўғд ёзувлари эди. Маҳмуд Кошғарийнинг айтишича, унинг даврида ҳам туркча, ҳам сўғдча ёки ёлғиз туркча гапирувчилар бўлса ҳам, аммо ёлғиз сўғдча гапирувчи уруғлар бўлган эмас. VII аср охирларидан Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги бошланди. IX-X асрлар мобайнида Сомонийлар давлати ҳукмрон бўлади. Бу даврда маданият анча ўсади. Араблар ҳукмронлиги даврида араб тили расмий тил ҳисобланган бўлса, сомонийлар даврида расмий тил форс тили эди. X аср охирларида Қорахонийлар давлати вужудга келади, иккинчи томонда ғазнавийлар ва салжукийлар. Қорахонийлар даврида фан, маданият ва адабиёт ўсади. Бу даврда машҳур «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит-турк», «Ҳибатул-ҳақойиқ» яратилади. XIII аср I чорагида ва XIV асрнинг I ярмида Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлик қилдилар. Бу даврда илм, маданият ва адабиёт анча тушкунликка учради.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан Темур бошчилигида катта территорияда кудратли давлат вужудга келди. Бу даврда илм, маданият ва адабиёт равнақ топди. Темурнинг ташаббуси билан давлат ишлари туркий (эски ўзбек) тилида юргизилади, шоир ва ёзувчиларни туркий (эски ўзбек) тилда ижод қилишга даъват этилади. Ўзбек халқи ва тили XI-XIV асрларда туркий ном билан, XV асрдан чиғатой турки, аниқроғи эски ўзбек тили номи билан аталади. XVI асрда маданият ва адабиёт анча тараққий этади. Адабий асарлар, асосан, ўзбек тилида ёзилади. Туркшунос олимлар ўзбек тили тарихини турлича даврлаштирадилар. Тилшунос олимлардан С.А.Малов ўзбек тили тарихини уч асосий даврдан таркиб топганлиги қайд этади. А.Н.Самойлович ҳам уч таркибий босқичга бўлиб, ҳозирги замон ўзбек адабий тилини учинчи давр адабий тилининг давоми деб тушунтиради. А.К.Боровков, Н.А.Баскаков, А.М.Шчербак, ўзбек туркшунос олимларидан Олим Усмонов, Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров ва бошқалар туркий тилларнинг тарихига тўхталиб, тилнинг тараққиётини турлича



«даврлаштирадилар»<sup>105</sup>. Ўзбек тили тарихини даврлаштиришда ўзбек тили тарихини ўзбек тили шаклланган даврдангина (XIV-XV асрлар) бошлаш нотўғри бўлади, деган фикрга қўшилиш жоиз. Чунки XIV-XV асрга келиб шаклланган ўзбек тили узоқ йиллик тарихий тараққиёт маҳсули эди. Қадимги туркий қабила ва уруғ тиллари ўзбек тилининг шаклланишида асос бўлади.

Ўзбек адабий тили тарихида қуйидаги даврлар ажралиб туради:

- 1.Энг қадимги туркий тил (VII асргача бўлган давр).
- 2.Қадимги туркий тил (VII асрдан XI асргача).
- 3.Эски туркий тил (XI асрдан XIII асргача).
- 4.Эски ўзбек адабий тили (XIV асрдан XIX асргача).
- 5.Янги ўзбек адабий тили (XIX асрдан XXI аср бошларигача).
- 6.Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

Ҳозирги ўзбек адабий тили умумхалқ тилининг ижодий бойитилган ва қайта ишланган шакли сифатида эътироф этилади. Ҳар қандай миллий-этник тилни халқ яратади. Тил тараққиётида халқнинг маданий ва ижтимоий-тарихий тараққиёт ўз изларини, биринчи галда тил мазмунида қолдиради.

1.Энг қадимги туркий тиллар бўйича бирор ёзма ёдгорлик қолган эмас, аммо ўзбек тилининг шаклланишига асос бўлган бошқа омиллар таҳлили унга гувоҳлик беради.

2.Қадимги туркий тил - турк ҳоқонлиги барпо бўлгандан (VII аср) то Қорахонийлар давригача (X-XI асрлар) бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда рун, уйғур, сўғд, манихей, брахма ёзувларида ёзилган ёдгорликлар ҳозиргача етиб келган.

3.Эски туркий тил – бу босқич Қорахонийлар давлати барпо бўлиш даври билан бошланади.

---

<sup>105</sup>Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1973. –Б. 11-12.; Малов С.А. Памятники древнетюркской письменности. –М.-Л., 1951. –С. 221-222.; Самойлович А.Н. К истории литературного среднеазиатско-турецкого языка. Сб. Л., 1928. –С.1-23.; Боровков А.К. Очерки истории узбекского языка. Ученые записки ИВАН СССР. XVI. М.-Л. 1958. –С.213-214.

4. Эский ўзбек адабий тили. XIV асрга келиб умумхалқ ўзбек адабий тили вужудга келди. Эски ўзбек адабий тили чигатой тили номи билан ҳам юритилади<sup>106</sup>.

Ўзбек тили тараққиётининг тарихий хусусиятларидан ташқари, тадқиқ этилган туман топонимларини ўрганиш жараёнининг мураккаб томонларидан яна бири, ҳудуд топонимларини ўрганишда грамматик ва лексик-семантик муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар таҳлили ва тавсифида бир қанча илмий параметрлар негизда ўрганилишининг тавсия этилиши бизга маълум.

Кейинги даврларда топонимиянинг таҳлили ва тавсифида тил тарихи, лисоний (лингвистик) хусусиятлари юзасидан далиллар кўп келтирилади. Филология фанлари докторлари, профессорлар З.Дўсимов, Т. Эназаров<sup>107</sup> тадқиқотларида топонимларнинг изоҳли-этимологик таркибини очишда диалектология билан алоқадорлиги тавсифлаб берилган.

Ўрганилган ҳудуд халқи асосан, икки тилли бўлиб, ўзига хослик унинг турмуш тарзи, анъаналари ва маданиятида намоён бўлади. Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг азалий маданий қадриятларини тарихий маданиятшунослик йўналишида ўрганишда туб бурилиш содир бўлди. Собик совет даврида халқимиз азалдан ўзининг турмушида, маданий, маънавий ва

---

<sup>106</sup> Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. – Т., Ўқитувчи, 1989.-150 б; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 157 б.

<sup>107</sup> Эназаров Т.Ж. Топонимлар этимологик тадқиқининг илмий-назарий ва амалий-усулий асослари (I китоб). –Тошкент., 2001. –Б.8.; Эназаров Т.Ж. Туркий содда топонимларнинг этимологик тадқиқи (II китоб). Т., Университет, 2002. -41 б.; Эназаров Т.Ж.»Ўзбекистон топонимикаси» номли махсус курсни ўқитиш методикаси (Махсус курс бўйича маърузалар матни). -Тошкент., 1999. –Б.5. Эназаров Т.Ж. Топонимлар этимологик тадқиқининг илмий-назарий ва амалий-усулий асослари (I китоб). Тошкент., 2001. –Б.8.; Эназаров Т.Ж. Туркий содда топонимларнинг этимологик тадқиқи (II китоб). Т., Университет, 2002. -41 б.; Эназаров Т.Ж.»Ўзбекистон топонимикаси» номли махсус курсни ўқитиш методикаси (Махсус курс бўйича маърузалар матни). Тошкент., 1999. -5 б.; Эназаров Т.Ж. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини («Ўзбекистон топонимикаси» номли махсус курс учун материаллар). Тошкент., 2004. - Б.5-7.; Эназаров Т.Ж. Топонимларнинг этимологик таҳлилида ҳақиқатга яқинлик муаммоси // Тил ва адабиёт таълими. 2004. 4-сон. –Б.84-86.; Эназаров Т.Ж. Топонимларнинг номланишини асословчи тамойил // Зарафшон Давлат университети. Илмий хабарлар. Илмий журнал. 2004. 2-сон. –Б.67-69.; Эназаров Т.Ж. Топонимларнинг этимологик тадқиқида реконструкция усули //Im sarchashmalari. 2005. 1-сон. –Б.59-62.; Эназаров Т.Ж. Самарқанд топонимининг этимологик таҳлили // Тил ва адабиёт таълими. 2006. 2-сон. –Б. 90-92.; Эназаров Т.Ж. Туркий топонимларни этимологик таҳлил қилишнинг барқарорлик воситалари // Государственный язык. Проблемы изучения и исследования. 2-китоб. Ош, 1996. -С. 240-243.; Эназаров Т.Ж. Жой номларини таҳлил қилиш муаммолари // Мамлекеттик тил. Окутулушу жана изилдениши. Ош, 1998. – Б.264-267.; Эназаров Т.Ж. Топонимлар этимологик тадқиқининг илмий-назарий ва амалий-усулий асослари (I китоб). -Тошкент., 2001. –Б.8.

маиший хўжалик ҳаётида фойдаланган қатор сўзлар, атамалар истеъмолдан чиқиб кетди. Бунинг устига бу сўзлардан фойдланиш доираси доим қисқариб борди. Мустақиллик даврида тилшунослик, этнография, маданиятшунослик каби соҳаларда қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Лингвокультурологик йўналишда қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, лекин бизнинг фикримизча, бу ҳали етарли эмас. Чунки бизнинг тилимиз жуда бой. Бизнинг тилимизда маданий воқеликни ифодаловчи сўзлар жуда хилма-хил. Биргина маънони ифодаловчи 10 та сўзни айтиш мумкин. Масалан, *дала, ёвон, ҳаёт, ташқари, чарвоқ, чорбоғ, дарахтзор, залдоризор* каби. Шунингдек, яқингача деҳқончилик туманларида ширкат хўжалиги аъзолари ва ва шу яқин атрофда яшайдиган аҳоли маълум бир ер майдонини, ушбу ернинг геологик тузилиши, мелиоратив ҳолати, паст-баландлигини, шунга асосан, ишлов бериш сир-саноатини билган деҳқоннинг номи билан атаганлар. Мисол учун, *Нурбобонинг ери, Элбек бобонинг ери*. Ҳозир ҳам маҳаллий аҳоли бу сўзлардан фойдаланади. Шунингдек, қишлоқ экин ерларига сув берадиган ва қишлоқ ҳудудидан ўтган ариқлар, каналлар шу қишлоқ номи билан айtilган. Мисол учун, *Зармитан ариқ, Оқсоч ариқ, Хомработ ариқ, Нимча ариқ, Жанавардор ариқ, Муғжсин ариқ, Қирғиз ариқ, Жўйнов ариқ, Талиумар ариқ, Хўжақўрғон ариқи, Араби ариқ, Варозун ариқ, Узилишкент ариқ, Эмакти ариқ* кабилар.

Маълумки, кишилиқ тарихида мавжуд маданиятлар турли этник қатламларнинг турмуш тарзига, урф-одатларига ўз таъсирини кўрсатади. Турли маданиятларнинг ўзаро аралашуви тилда, халқ оғзаки ижодида, анъаналарида намоён бўлади. Туманда истиқомат қилаётган ўзбек ва тожик этник қатламига хос хусусиятлар ҳудуднинг этнотопонимлари билан боғлиқ турли ривоятлар ва талқинларида ўз ифодасини топади.

## **II боб бўйича хулосалар**

1. Тарихий воқеа-ҳодисаларни тадқиқ қилиш, илмий таҳлил этиш, таққослаш ва қиёслаш орқали холисона мушоҳада билан хулоса чиқариш

муҳим аҳамиятга эга. Тарихшунослик фанида ономастиканинг ўрни беқиёсдир, чунки ҳар бир тарихий воқеликнинг ўз номи бўлиб, ушбу номлар орқали инсон тафаккури изоҳланади. Қадим даврдан буён олимлар жой номларини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб бориб, жой номларининг табиат, жамият, шахс номи билан боғлиқ йўналишлари масаласида мукамал тадқиқотлар яратдилар ва яратмоқдалар.

2. Қизилтепа тумани топонимлари бўйича йиғилган бой фактик материалларни ифодаловчи ономастик бирликларга хос грамматик, лексик - семантик, этимологик ва лингвотопонимик белгиларга асосланиб, регион ҳамда мамлакат миқёсидаги топонимларнинг умумий, шунингдек, ўзига хос хусусиятлари туб жой аҳоли диалектикаси, дунёқараши, миллий анъана, урф-одатларига боғлиқ ҳолда аниқланиши мумкин.

3. Туман ҳудудида жой номларининг этнотопоним, антропотопоним, гидротопоним, фитотопоним, касб-кор терминлари асосида шаклланган семантик типлари учрайди. Ундаги ойконимлар, комонимлар ономастик лексика сатҳи меъёрлари асосида шакллангани кузатилади. Ҳудуддаги қишлоқ типдаги жойларнинг атоқли оти сифатида шаклланган комонимлар таркибида, кўпинча, антропоним, этноним, ранг-тус, ҳажм-ўлчов билдирувчи, жойлашиш ўрнига ишора қилувчи бирликлар иштирок этган.

4. Ҳудуд топонимик бирликларининг ясалишида, кўпинча, регион минтақасидан ташқари бутун мамлакат миқёсида мавжуд метан/митан, работ, кўрғон, обод каби компонентлари ҳамда ономастик конверсия ва когнитив алоқаларининг аҳамиятлилиги билан намоён бўлади. Ҳудуд топонимларининг шаклланишида восита бўлган луғавий асослари, уларнинг регион шеvasига хос сўзлиги борлигини, ҳудудга мансуб жой номлари фонетик қурилишида айрим ўзига хосликлар мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, туман топонимиясида қарлуқ лаҳжасининг о-ловчи ҳамда, а-ловчи шевалар таъсири борлиги, уларда форс(тожик) тили таъсири юқори эканлиги англашилади.

5. Қизилтепа худуди топонимиясини тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, тумандаги географик объектларнинг асосий қисмини аҳоли пунктлари номлари, дала-экин ерлари, некронимлар, гидронимлар ҳамда оронимлар ташкил этади. Туман топонимиясида асосий ўринни ойконимлар эгаллайди. Улар воситасида атоқли отларнинг бошқа кўринишлари ҳам ҳосил қилинган.

### III БОБ. ТУМАН ЭТНОЛОГИЯСИГА ОИД ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАР ВА ТОПОНИМИК МАНБАЛАРНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАВСИФИ

#### 3.1. § Худуд микротопонимлари тарихий-этнологик изоҳли луғатини тузиш ҳамда маълумотлар базасини шакллантириш масалалари

Қизилтепа тумани топонимлари бўйича тузилаётган луғат платформасида таъкидланганидек, айниқса, мазкур худуд қадимий топонимлари юзасидан маълумотлар базаси ҳамда ўзбек миллий корпусини яратишга катта ҳисса қўшишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Мазкур маълумотлар базаси юқорида қайд этганимиздек, ўзбек миллий корпуси маълумотлар базасига диахрон планда киритилса, хато бўлмайди.

Бир гуруҳ ўзбек номшунос етакчи олимларимизнинг таъкидлаганларидек: «...ўзбек тили тарихида мавжуд бўлган ва кўплаб тарихий ёзма ёдгорликлар ҳамда тарихий асарлар тилида сақланиб турган сон-саноксиз атоқли отлар, уларнинг пайдо бўлиши, ясалиши ва шаклланиши, маъно ва вазифавий хусусиятлари, бошқа хил лисоний ҳамда тарихий-маданий, маърифий томонлари фан учун қоронғулигича қолмоқда»<sup>108</sup>.

Қизилтепа худуди микротопонимларининг тарихий-этнологик изоҳли луғатини тузишга қаратилган маълумотлар базасини қуйидагича шакллантиришга ҳаракат қилдик:

**Қизилтепа тумани худудидаги шаҳарчалар:** *Бўстон, Баланд Ғардиён, Ванғози, Ғойибон, Зармитан, Қалъаи Азизон, Оқмачит, Оқсоч, Хусбуддин Ғамхўр, Ўртақўрғон, Хўжақўрғон, Узилишкент кабилар*. Бу шаҳарчалар республикамизнинг бошқа худудларидагиларга қараганда, анча ўзига хос лисоний, ижтимоий, маънавий, тарихий ҳамда илмий илдизларга эга хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган.

Қизилтепа туманида мавжуд шаҳарчалардан ташқари бир қанча тарихий ҳамда илмий этнографик аҳамиятга эга қишлоқлар мавжудки, уларни тўлиқ

<sup>108</sup>Бегматов Э., Хусанов Н., Ёқубов Ш., Боқиев Б. Ўзбек тарихий номшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. – № 5-6. – Б. 21.

тавсифламасликнинг имкони йўқ. Қизилтепа туманидаги бу жой номларини ўрганишда анчагина илмийликдан йироқ мулоҳазалар мавжуд. Уларнинг бу ҳолатдаги хусусиятларидаги номукамалликларнинг бир қанча объектив ва субъектив омиллари борки, уларнинг илдизи узок ўтмишдаги ижтимоий, сиёсий ҳамда этнографик манба ва мавжуд тизимли хусусиятларга эгаллигини инобатга олиб, чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишга тўғри келади. Юқорида тавсифланган шаҳарчалар ва уларга боғлиқ ижтимоий ҳамда этнографик омиллар шаҳарчалар атрофидаги қишлоқлар ва бошқа жой номларини барча илмий параметрлар асосида ўрганиш билан боғлиқ. Элат, қабила ҳамда турли этник қатламлар тараққиёти жараёнларида ўзбек халқи ва миллатининг шаклланиш босқичлари илм нуқтаи назаридан таснифлаш, шунингдек, таҳлил этилишини тақозо қилади. Диссертациянинг I ва II боблари мазмунида бу жараёнлар, шаклланиш ва тараққиёт босқичлари мукамал ўрганилди.

Қизилтепа тумани жой номларини, уларнинг топоним, ойконим, гидроним, некроним каби мавзуй гуруҳларга бўлмасдан, ҳозирда мавжуд қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида жойлаштиришни лозим топдик. Бу каби тасниф, ўзининг семантик-лисоний, когнитив, этимологик, лингвомаданий ҳамда бошқа илмий параметрларга жавоб бериши билан устунликка эга. Масалан:

**Арабон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа топонимик объектлар:** Бу қишлоқ фуқаролар йиғинида 4 номда маҳаллалар йиғинлари мавжуд. Булар: *Хусбўддин, Демас, Консурун, Гулбоғ* маҳалла фуқаролар йиғинларига бўлиниб, улар қуйидаги қишлоқларни ўз ичига олади: *Қатагон, Обиёвгон, Хонобод, Оқбурут, Демас, Чорбоғ, Арабон, Консурун, Дуобдурун, Сувгон, Қўлба, Гулбоғ, Олмазор* кабилар.

**Арабон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли қуйидаги қабристонлар ва зиёратгоҳлар мавжуд:** *Шайх Ёдгор Консуруний, Ҳазрат Шайх Шоди, Чилдухтарон, Гургон Ато, Шакарланг, Демасий зиёратгоҳи,*

*Талиқошиқ, Бобо Арслон, Чилмозор, Пири Пирон, Холбой тепа, Ғойиб Ато, Мавлоно Аловиддин Консуруний, Оқбурут, Хусбурдин, Қатагон, Демас, Чорбоғи Маҳмуд, Қуйимозор, Абулқосим хўжа Гургато, Қўлба, Дуобдурун, Обиёвгон* қабристонлари қабилар. Бу қабристон ва зиёратгоҳлар номлари юқорида тасниф этилган қишлоқ ва маҳалла номларига ўхшашликка эга бўлиб, трансонимизация асосида вужудга келган. Трансонимизация – бу атоқли отларнинг бошқа ономастик туркумга ўтиши орқали янги атоқли отлар ҳосил бўлишининг кенг тарқалган усулларида бири. «Атоқли отнинг бир туркумдан иккинчисига ёки бир туркум кўламидаги ўтиши, қайсики, ҳеч бир шакл ўзгаришларсиз, шунингдек, онимлар ҳосил бўлиши усулларидадан фойдаланиш орқали содир бўлади»<sup>109</sup>.

**Амалдаги мавжуд давлат рўйхатига киритилмаган қадимий қишлоқлар номлари мавжуд:** *Хўжалар, Қўтон, Араблар, Қирғизон, Юқори Хонзурун.*

**Гидронимлар:** *Араби, Қатагон, Демас, Чорбоғ, Консурун, Қуйимозор, Сувгон, Мароч, Навганди, Рўзибийн, Муллатош* қабилар.

**Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа топонимик объектлар:** Бу қишлоқ фуқаролар йиғинида 7 номда маҳаллалар йиғинлари мавжуд. Булар: *Сўфиён, Ипак йўли (Қасриашурак), Бўлақработ, Хомработ, Тавоис, Ғойибон, Гумбаз* маҳалла фуқаролар йиғинларига бўлиниб, улар қуйидаги қишлоқларни ўз ичига олади: *Сўфиён, Юқсун, Қасриашурак, Меҳнатобод, Бўлақработ, Саёҳат, Дўрмон, Талайхоб, Шаҳристон, Араблар, Камсарой, Хомработ, Қалитбон, Тавоис, Дабашиён, Косагарон, Мароч, Навганди, Гумбаз, Қарноб, Муллатош* қабилар.

**Мазкур маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли қабристонлар ва зиёратгоҳлар:** *Хўжа Бўстон, Юқсунота, Сўфи Оллоёр, Гўдакон тепа, Жангал масжид, Ғойиб ота, Биби Саида, Ҳикматбобо авлиёси, Чилла*

---

<sup>109</sup>Яковенко М.В. Абсолютная межвидовая трансонимизация // Восточноукраинский лингвистический сборник. Вып.2. – Донецк, 1996. – С.74-83.



*авлиёси, Шақ-Шақ Ато, Кичик авлиё, Адҳам саҳоба, Пирмат бобо, Оқ тош кабилар.*

**Амалда ушбу рўйхатга киритилмаган қишлоқлар номлари рўйхати:**  
*Беширабат, Найманлар, Беклар, Қуллар, Метислар, Ёвон ҳовли, Юқори Қўрғон, Шабода, Отсуғора, Магалак, Чувилла, Кўлобод, Қизилой, Қора Сайроқ, Амир суна, Чириллоқ, Кўлимаймун, Шаҳривайрон, Арабхона кабилар.*

**Гидронимлар:** *Хомрабат, Юқсун, Янгиариқ, Сўфиён, Нимкон-1-11, Оқсоч, Навганди, Мароч, Навбур кабилар.*

**Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли топонимик объектлар:** Бу қишлоқ фуқаролар йиғинида 8 номда маҳаллалар йиғинлари мавжуд: *Тошмасжид, Башир, Ванғози, Маданият, Пахтаобод, Оқмасжид, Ҳафтқориён, Тожикон кабилар.*

Мазкур қишлоқ фуқаролар йиғинига қуйидаги қишлоқлар киради: *Тошмасжид, Зарафшон, Нимшоҳжўй, Башир, Қумрабат, Муғжин, Нонвойон, Лўблехўр, Қўрғон, Ишлонкўп, Маҳалла, Навбоғ, Пахтаобод, Талиумар, Яккатут, Ҳошимо, Майизгарон, Оқмасжид, Ҳафтқориён, Юқори Қасриомон, Қуйи Қасриомон, Арабо, Собунгарон, Работигарди кабилар.*

**Қабристон ва бошқа зиёратгоҳлар:** *Ғойиб ота, Чилдухтарон, Чилламозор, Ҳожиди Султон, Хожиди Дониёр, Хожиди Муҳаммад Порсо, Хожиди Рўшноиди, Макка, Мадина, Сўфиёни Саври, Кўлишифо, Азизон тут, Муғжин тут, Мозори мирон, Навбоғ ота, Хўжиди Узбор, Эшон халифа, Мавлоно Муҳиддин, Хўжиди Жалол, Хожиди Кабутпўшон, Эшон Хожиди Рўшноиди, Ҳафтқориён, Хожиди Муҳаммад Пирон, Мавлоно Ёқубий, Чархий, Арабон, Наврўз, Пўстхўр, Пўлот кабилар.*

**Гидронимлар:** *Жанавардор, Ҳафт дарғот, Ўба, Зармитан, Узбор, Боқияраб, Қуйи Асбоб, Арабиди, Қасриомон, Мўтаз, Ишлонкон, Пўстхўр, Муғжин, Талиумар, Тожикон, Обижувоз, Башир, Қуйимозор канали кабилар.*

**Зармитан қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа топонимик объектлар:** *Шейхон, Азизобод, Зармитан, Работ, Арабхона, Варозун кабилар ва ушбу маҳалла*

фуқаролар йиғинларига қарашли қишлоқлар: *Шейхон, Қуйи Ревартун, Обиҳаёт, Халқобод, Бунёдкор, Эмакти, Бекобод, Беришум, Роҳобод, Хонзурун, Қўрғонтепа, Манзилобод, Боғишамол, Арабхона, Авзонон, Юқори Ревартун, Ҳожибоби, Зармитанча, Беглар, Варозун, Вахимкор* кабилар.

**Мозорлар ва зиёратгоҳлар:** *Самбўса, Ҳазрат Пирипаррон, Хожа Мозорхон, Хожа Саъд ибн Абу Ваққос, Хожа Муҳаммадд ибн Восеъ, Сарнапун, Ҳазрати Имло, Фавзул Аъзам, Ревартуний, Беришум, Хожа Ёдгор Вали, Беклар, Хожа Азиз* кабилар.

**Амалдаги рўйхатга киритилмаган қишлоқлар ва бошқа топонимик объектлар:** *Шўробод, Работи Поён, Чалпакхўрон, Шўроботча, Могони Ғўлон, Гузарибобо, Бўйрабоф, Каллакесар, Қўрғон, Работигарди, Хартазон* кабилар.

**Гидронимлар:** *Зармитан, Эмакти, Варозун, Ревартун, Руҳобод, Авзон.*

**Оқолтин қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли топонимик объектлар:** *Милтиқчи, Оқсоч, Айрончи* кабилар. Мазкур қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли қишлоқлар: *Милтиқчи, Ғитти, Манғит, Урганжи, Работ, Нуробод, Айрончи, Ажванди, Ўрикзор* кабилар.

**Қабристон ва зиёратгоҳлар:** *Ҳазрати Хожа Нуробод, Оқсоч Биби зиёратгоҳи, Лавандоқ, Хожа Ажванди Наби Машварат, Урганжи, Жума тўпчи* кабилар.

**Амалдаги рўйхатга киритилмаган қишлоқлар:** *Сарой, Кулолҳо, Сарипул, Кучандароз, Лавандоқ, Ўртаробот, Урганжи, Кўкиштон, Милтиқчи, Ғитти, Дашт* кабилар.

**Ғардиён қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳалла фуқаролар йиғинлари ва қишлоқлар:** *Майта, Баланд Ғардиён, Кулолон, Қушарти* ва ушбу маҳалла фуқаролар йиғинларидаги қишлоқлар: *Юқори Майта, Учгумбаз, Гумбаз, Шаҳриобод, Баланд Ғардиён, Паст Ғардиён, Кулолон, Тотийён, Элобод, Қушарти, Сармозор* кабилар.

**Мозор ва зиёратгоҳлар:** *Аҳмад полвон ва Абу Муслим мақбараси, Абу Муслим, Қизбиби, Кўктош зиёратгоҳи, Шаҳривайрон, Чилламозор,*

*Пирматмозор, Кўктошмозор, Сармозор, Майта мозор, Маликобод, Мақсум бобо кабилар.*

**Амалдаги рўйхатга киритилмаган қишлоқлар:** *Гадойлар, Арабхона, Янги Работ, Саройхона, Ёвузлар, Қудуқбўйи, Қозоқовул, Кўсаовул, Месит, Ўзбекон, Каптархона, Хўжалар, Шаҳривайрон, Абу Муслим кабилар.*

**Гидронимлар:** *Тотиён, Гумбаз, Ҳазармех.*

**Хожа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа топонимик объектлар:** *Ғамхўр, Ўртақўргон, Хўжақўргон, Узилишкент, Сарой, Оқработ, Бободўғи, Қалъаи Азизон, Маликобод кабилар.*

**Ушбу маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли қишлоқлар:** *Хожа Ҳасан Андоқий, Ғамхўр, Ўртақўргон, Хўжақўргон, Узилишкент, Сарой, Андоқ, Кенагас, Оқработ, Қипчоқ, Бободўғи, Дўрмонтепа, Ҳасанча, Чоргов, Сарибош, Пахмат, Махоки кабилар.*

**Қабристон ва зиёратгоҳлар:** *Хожа Ҳасан Андоқий, Қалъаи Азизон, Тавла зиёратгоҳи, Сарибош, Чоргов, Хўжақўргон, Узилишкент, Бештут, Ҳусен ота, Чўпон ота, Дўрмонтепа, Оқработ, Кенагас, Яккатут, Охун Мулло-Қаро Камол кабилар.*

**Амалдаги рўйхатга киритилмаган қишлоқлар:** *Юқори Чоргов, Қуйи Чоргов, Қалъаи Азизон, Араблар, Кармулла, Тўпи Арбоб, Лабиҳовуз, Қуйи кўча, Юқори кўча, Паст кўча, Сабзигарон, Хушангарон, Сарипул, Зиёрат, Сабзифурушон, Мурдашўён, Тўпи Сўфиён, Косиблар, Қўргон, Инқилоб, Собунгарон, Тошлоқ, Беклар, Эсабой, Қўйчилик, Сайилтепа, Пишактирноқ, Бегойимчалар, Хўжалар, Бойтўпи, Қумҳовли, Қўргон, Хуштон, Узуноёқ, Қултўпи, Гулбоғ кабилар.*

**Гидронимлар:** *Узилишкент, Чоргов, Қутчи ариқлари, Бўстон сув насос станцияси.*

**Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли топонимик объектлар:** *Янги ҳаёт, Чайдароз, Янги турмуш, Янги қудуқ, Хуросон, Зарбдор кабилар.*

Мазкур фуқаролар йиғинига қарашли отар (қўралар) номлари: *Қирққулоч, Шўрча, Бешиқтон, Тутак, Испеча, Тандирча, Бўрманча, Кориз, Янги қудуқ, Хуросон, Гадейтопмас, Шоҳимардон, Чалақудуқ, Раҳимбобо, Эгрич, Чайдароз, Юлдузқоқ, Ўзриқоқ, Дарвоза, Биткана, Юнусқудуқ, Сеталон, Гардана, Очил қўра* кабилар.

**Гидронимлар:** *Ўртачўл канали, Ғани, Ўзбекистон, Аҳмадобод, Бахшулло, Қарнаб, Донибобо* кабилар.

### 3.2.8 Қизилтепа тарихий топонимлари изоҳли луғати

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида жамланган топонимик мерос катта қизиқиш билан тадқиқотчилар томонидан ўрганиб келинади. Олима Л.Наханованинг фикрича, «Маҳмуд Кошғарий кўплаб географик номларни қайд қилиш билан бир вақтда ва уларнинг кўпчилиги муаллиф томонидан этимологик таҳлилга тортилади ёки бу номларнинг келиб чиқиши турли афсоналар билан тушунтирилади»<sup>110</sup>. XX асрнинг 70-80 йилларида ўзбек тилшунослигида топонимик луғатшунослик ҳам шаклланди ва ҳозирги кунга қадар Х.Ҳасанов, С.Қораев, З.Дўсимов, Х.Эгамов, Т.Нафасов, Н.Охунов, Б.Ўринбоев, С.Найимов, Т.Эназаров, Б.Турдалиев, Т.Нуъмонов, А.Ҳайдаров, Қ.Ҳакимовларнинг изоҳли луғат, луғат-маълумотнома тавсифидаги «топонимик луғатлари»<sup>111</sup> нашр этилган.

Миллий тилимизнинг луғат таркиби у тарихий ёки замонавий тусда бўлишидан қатъи назар, мутахассислар томонидан тузиладиган ранг-баранг луғатларда маълум даражада ўз аксини топади. Бугунги замонамизда муайян тилшуносликнинг қай даражада ривожлангани ва такомил топгани айни

<sup>110</sup>Наханова Л.А.Историко-семантическая интерпретация топонимов в Орхоно-Енисейских памятниках. Диссертация на соискание ученой степени (PhD) доктора философии. Астана, 2014. -С.13; Кононов А.Н. Махмуд Кашгарский и его «Дивану лугат-ит турк»//Советская Тюркология. – 1972. №1. –С.3.

<sup>111</sup>Ҳасанов Х. Географик номлар сири. –Тошкент: Ўзбекистон. 1985. -120 б.; Географик номлар маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон. 1978. – 203 б.; Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. –Т. Ўқитувчи. 1977. -174 б.; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Т., Ўқитувчи. 1988.-290 б.; Н.Охунов. Жой номлари таъбири. –Тошкент: Ўзбекистон. 1994. -86 б.; Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари. –Ж., 1992. -53 б.; Найимов С. Н. Бухоро вилояти жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Б.,1997.; Эназаров Т. Топонимлар этимологик тадқиқининг илмий-назарий ва амалий-усулий асослари. – Тошкент., 2001.; Турдалиев Б., Нуъмонов Т., Ҳайдаров А. Наманган вилояти топонимларидан материаллар. Наманган. 1995.; Ҳакимов Қ. Жиззах вилояти топонимлари.-Жиззах., 2014. –Б. 65.

тилда яратилган луғатларнинг тури, миқдори ва сифати билан ўлчанади. Миллий тилшунослигимизда, хусусан, луғат тузиш ишларида, тадқиқ этилган материаллар асосида тарихда ҳамда замонамизда яратилган луғатларнинг структураси ва моҳиятини ўрганиш ўзига хос долзарбликни касб этади. Луғатчилик тилшунослик назариясига мувофиқ қатъий равишда унинг қонуниятлари ва тамойиллари асосида қурилади. Лексикографик амалиёт алоҳида адабий жанр сифатида муаллифнинг маҳорати ва истеъдоди орақали яққол намоён бўлади.

Ҳар қандай халқнинг бетакрор миллий бойлиги унинг тили бўлиб, замон ва макон таъсирида тилнинг луғат бойлиги доимий равишда ўзгариб такомиллашиб боради. Даврлар ўтиши билан янги-янги сўзлар, тушунчалар дунёга келади, баъзи сўзлар эса эскириб истеъмолдан чиқади.

Дунё луғатшунослиги узоқ тарихга эга бўлса-да, унинг асосий ривожини кейинги икки-уч асрга тўғри келади.

Лексикографика фани тилшунослик назариясига мувофиқ қатъий равишда унинг қонуниятлари ва тамойиллари асосида қурилади. Лексикографик амалиёт алоҳида адабий жанр сифатида муаллифнинг маҳорати ва истеъдоди орақали яққол намоён бўлади.

Кейинги йилларда лексикографиянинг фақатгина амалий томони эмас, балки назарий йўналиши, объекти, предмети шаклланди. Луғат тузиш назарияси, амалиёти тилшуносликнинг махсус соҳасига айланди. Луғатшунослик тилшуносликнинг мана шундай ўта машаққатли, ўта масъулиятли соҳаси бўлиб қолмоқда.

Лексикография амалий соҳаси тадрижийлигини ғарб ва шарқ луғатшунослиги доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ғарб луғатшунослиги. Дарҳақиқат, ғарб тиллари амалий лексикографияси сўнгги асрда янги поғонага кўтарилмоқда. Бу ўринда инглиз тилининг «Oxford», «Webster», француз тилининг «Larus», немис тилининг «Duden» нашриётларининг сермахсул ва сифатли луғатларини айтиб ўтиш мумкин. Бунда назарий жиҳатдан асосланган, амалий томондан

маълум мақсадга йўналтирилган луғатлар яратиш ва чоп этиш изчил йўлга қўйилган. Замонавий лексикографиянинг куйидаги тушунчаларини чуқур ўрганиш орқали стандарт талабларга тўла жавоб берадиган луғатлар тузиш мумкин бўлади. Луғат тузиш муаллифдан юқори даражадаги билим ва малакани талаб этади. Муаллиф, аввало, лингвистик бирликлар ва тушунчаларни, илмий-назарий қарашларни, сўзларнинг ўзига хос маъно кирраларини тафаккур қила олиши қаторида сўзга изоҳ бера олиши, унинг луғат мақоласини тўғри англай олиши, статистик белги ва кўрсаткичлар, этимологик грамматика ҳамда луғатга қўйиладиган мақсад-вазифани профессионал даражада тўғри талқин қила олиши лозим бўладики, ҳар қандай луғатнинг сифати унинг мақсад вазифасининг тўлақонли аниқланиши, унга қатъий амал қилинишига боғлиқ ҳисобланади.

Танланаётган лексемалар ҳажмидан қатъи назар, уларнинг сифат кўрсаткичлари, яъни адабий тил доирасидаги сўзлар билан чегараланганлигига ёки турли ижтимоий қатламларга тааллуқли бирликлар, диалектизмлар, терминлар, архаизм ва неологизмлар, ўзлаштирма сўзларни қамраб олиш даражаси луғатнинг қай мақсадни кўзлаганлиги билан боғлиқдир.

Луғат сўзлигини танлашда асос сўзнинг тилда қўлланиш даражаси, частотаси, маъно ва коммуникатив қиймати, бошқа сўзлар билан лексик-синтактик боғланиш хусусияти, сўз яшаш даражаси ҳамда методик-дидактик зарурий тил материали сифатига боғлиқ ҳисобланади.

Асос сўзнинг маъносини очиш ҳамда қўлланиш кўламини кўрсатишда турли илмий манбалар, бадиий, илмий-оммабоп адабиётлар, оммавий ахборот воситалари материалларидан олинган иллюстратив мисоллар катта аҳамият касб этади. Ҳар қандай луғатнинг қиммати, аҳамияти асос сўзларга берилган стилистик белгилар қай даражада амалга оширилганлиги билан ҳам ўлчанади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тараққий этган хорижий мамлакатлар лексикографиясида, айниқса, Америка, Англия, Франция, Испания, Италия, Россия ҳамда Германия луғатшунослик амалиётида

луғатларнинг ўзига хос тизимли системаси яратилган. Мисол тариқасида куйидаги систем луғатларни келтириш мумкин: 1880 йили Конрад Дуден томонидан чоп этилган «Vollständiges orthographisches Wörterbuch der deutschen Sprache» (Немис тилининг орфографик луғати) луғатидан бошлаб то ҳозирги кунгача «Duden» номи билан қатор луғатлар чоп этилган<sup>112</sup>.

Демак, жаҳон лексикографиясида сифат ўзгаришлари кузатилмоқда. Луғатшуносликнинг янги-янги йўналишлари, уларнинг объектлари илмий ҳамда амалий жиҳатдан асосланмоқда.

Лексикографиянинг ўзига хос йўналишларидан бири бўлган диалектик луғатларни тартибга солувчи диалектография, янги йўналишдаги идеография ҳозирги кун лексикографиясининг долзарб йўналишларидан бирига айланмоқда.

**Шарқ луғатшунослиги.** Ҳар қандай адабий тил ўзининг пайдо бўлиши, шаклланиши тарихида турли жараёнларни бошидан кечиради. Бу жараёнлар тилнинг янада такомиллашуви ва тараққиёт учун хизмат қилади.

X-XII асрлар Марказий Осиё ижтимоий-маданий ҳаётида алоҳида бир даврни ташкил қилади. Бу даврда илм-фан, адабиёт ва бошқа соҳаларнинг юксала бориши биринчи ренессанс нишонларини юзага келтирган эди.

Бу даврда дунё тамаддуни фани тарққиёти асосчилари Ал-Хоразмий, Фаробий, Беруний, Абу Али ибн Синолар майдонга чикдилар. Улар ўзларининг амалий фаолиятлари, тарих, фалсафа, мантиқ, шунингдек, аниқ фанлар соҳасидаги кашфиётлари билан жаҳоннинг қадимий тарихида чуқур из қолдирдилар.

X-XII асрлар туркий адабиёт ва тилшунослик тематик жанрларга бойлиги билан диққатни тортади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари орқали етиб келган бадиий ижод намуналари, ўз навбатида, фикримизни тасдиқлайди.

---

<sup>112</sup>Исроилова М. Замонавий луғатшунослик таҳлили (роман-герман тиллари асосида тузилган бир тили ва кўп тилли луғатлар таҳлили). Битирув малакавий иш. Андижон, 2013. - Б.66.

Ўзбек лексикографиясининг тарихи Маҳмуд Кошғарийнинг XII асрда яратилган машҳур «Девону луғотит турк» асари билан бошланган дейиш мумкин. Бу луғат сўзлар ва уларнинг маъноларини тавсифлаш негизида туркий халқлар тарихи, урф-одатлари, географик жойлашуви каби кенг маълумотларни тақдим этадиган дастлабки икки тилли (туркийча-арабча) изоҳли луғат ҳисобланади. Маҳмуд Кошғарий ўз асари ҳақида шундай дейди: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса, мен тилда уларнинг энг етукларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирқиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим»<sup>113</sup>.

Шу қаторида буюк мутафаккир, ўз даврининг етук тилшуноси Маҳмуд Замаҳшарий ўзининг «Асос-ул балоға» асари ва «Муқаддимат ул-адаб» (XII аср) деб номланган тўрт тилли (араб, форс, ўзбек, мўғул) луғати билан ҳам амалий, ҳам назарий лексикография ривожига катта ҳисса қўшди. XIII асрда яратилган «Ат-тухфатуз закияту фил-луғатит туркия» ноёб луғатлардан бири бўлиб, мўғуллар истилоси даврига тўғри келади. Асар «қипчоқ тилига хос махсус асар»<sup>114</sup> бўлиб, ўзининг мундарижа моҳияти билан туркология соҳасида муҳим ўринни эгаллайди.

Эски ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий томонидан яратилган «Муҳокамат ул-луғатайн» асари ҳам «туркий ва форсий тиллар муҳокамаси»<sup>115</sup> га бағишланган бўлиб, ўз даврида юксак эътирофга сазовор

<sup>113</sup> Маҳмуд Кошғарий. «Девону-луғати-т-турк. –Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017. -Б.14.

<sup>114</sup> Ат-тухфатуз закияту фил-луғатит туркия [Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб тухфа]. Нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – 279 б.

<sup>115</sup> А.Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 16-том. Муҳокамат ул-луғатайн.- Тошкент: Фан, 2000. – 144 б.



бўлган эди. Бу асарга бўлган катта қизиқиш XV асрдан кейинги даврда буюк шоир асарлари тили, умуман, эски ўзбек тилида бир қанча луғатларнинг яратилишига сабаб бўлди.

Ўзбек луғатчилиги тарихида XX аср алоҳида ўрин тутди. Бу даврда яратилган луғатларда ўзбек лексикографиясининг тажрибалари умумлаштирилган, ҳозирги замон ўзбек тилининг лексик-семантик тизими ва XX асрда шаклланган меъёрлари биринчи марта кенг тавсиф этилган эди.

XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб лексикография тилшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланиши натижасида, унинг хилма-хил турлари майдонга келди. Умумий ва хусусий изоҳли луғатлар пайдо бўлди. Мустақиллик йилларида миллий ўзлгимизни англаш, халқ маданияти, маънавиятини юксалтириш, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий қадриятларига катта эътиборнинг қаратилиши, тилимизнинг туркона табиатини очиб бериш, уни илмий асосда пухта ўрганишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, миллат тилининг муайян хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган манбаларни ўрганиш асосида таҳлилга тортиш, олинган хулосаларни амалиётга татбиқ этиш, хусусан, луғат тузишнинг оптимал методларини ишлаб чиқиш заруратини талаб қилмоқда.

Ўрганилган ҳудуд топонимиясининг изоҳли луғатида иловада тавсиф этиладиган топонимик birlik бўлган ойконим, комоним, некроним, доромоним ва гидронимларнинг номларини бериш билан бир қаторда мазкур топонимларнинг пайдо бўлишини турли манбалар асосида олинган халқона ривоятлар негизида таъриф берилди. (11-илова)

### **Қизилтепа тарихий топонимлари изоҳи луғати**

#### **АРАБОН ҲУДУДИ**

**Гулбоғ МФЙ** – ҳозирги Гулбоғ қишлоғида жойлашган бу маҳалла *Сувгон, Қўлба, Гулбоғ, Олмазор* қишлоқларидан иборат бўлиб, 1996 йилда ташкил топган. *Демас ва Консурун* маҳаллалари, Бухоро вилоятининг Когон

ва Вобкент туманлари билан чегарадош. Маҳалладан Сувғон, Гулбоғ-Когон йўли худудидан Демас ариғи ўтади.

Маҳалланинг Гулбоғ ва Олмазор қишлоқлари номи янгидан номланган. Бу ҳудудда рус тўнтаришигача машҳур Чармгарон қишлоғи бўлган. «Чарм» – тери, «гарон», «корон» – ишлов бериш маъносини беради. Қадимда бу жой аҳолиси терини ошлаш, ошланган чармдан турли оёқ кийимлари, от-уловга эгар-жабдуқ ва бошқа асбоблар тайёрлаш билан шуғулланган. Демас бозорида сотилган чармдан тайёрланган маҳсулотлар шу қишлоқда ишлаб чиқарилган. Чармгарон қишлоғида 7 та масжид бўлганлиги ҳақида айтганди. Демак, қишлоқ шаҳармонанд бўлгани аниқ.

**Ҳазрати шайх Шоди зиёратгоҳи** – Ҳазрат шайх Шоди зиёратгоҳи Гулбоғ маҳалласида, қабрлари ҳам шу ерда. Шайх Шоди Ҳазрат хожа Алоуддин Аттор (вафоти 1400 йил) шарофатлари билан Хожа Баҳоуддин назарларига тушиб, у зоти шарифга севимли шогирд бўлганлар. Натижада у киши улуғ даражага эришадилар.

Садриддин Салим Бухорий ва Самад Азимов муаллифлигидаги «Ҳазрат Боязид Бастомий ёки Навоий вилояти зиёратгоҳлари» китобида шайх Шоди пирлари ҳазрат хожамиз Баҳоуддин Нақшбандни ниҳоятда ҳурмат қилар, у кишининг хизматларини астойдил бажарар эканлар. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд уйларига келган меҳмонларни кун бўйи қўлларини кўксига қўйиб кутиб олиб, хачирларига ем-хашак берарканлар. Устозлари томонга бирор кишининг оёғини чўзиб туришига қўймас эканлар.

Бир оқшом Хожа Баҳоуддин шайх Шоди уйига меҳмон бўлибдилар. Ҳаво жуда совуқ экан. Шайх Шоди бир ҳовлидан ўтин келтириб, хонани иситибди. Шунда Хожа Баҳоуддин: «Эй Шоди, оловни қаердан келтирддинг? Сенга олов берган кишининг бошига мусибат тушганми?»-дебдилар.

Шайх Шоди ўтин берган кампирни Хожа Баҳоуддин ҳузурларига етаклаб келибдилар. «Бир тухмат билан қизим, ўғлим ва куёвимни қамадилар. Ҳеч бўлмаса қизимнинг озод бўлишига ёрдам беринг», -дебди кампир.

Шунда Хожа Баҳоуддин: «Худо хоҳласа, қизинг, ўғлинг, куёвинг озод бўлади», – дебдилар. Шундай бўлибди ҳам.

Маҳалла ҳудудида Қуйимозор сув ҳавзаси ва Қуйимозор қабристонини ҳам бор. Маҳалла ҳудудидаги Қўлба ва Сувғон қишлоқлари ҳам қадимий бўлиб, уларда яшовчи аҳоли деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик билан кун кечирган. Маҳалла ҳудудидаги Сувғон қишлоғининг номи шу жойда қадимда мавжуд бўлган сув тўғонидан, яъни сув тақсимлагичдан олинган.

**Демас МФЙ** – 1997 йилда ташкил топган бу маҳалла таркибига амалдаги рўйхат бўйича Демас, Чорбоғ, Обиявғон, Қатағон қишлоқлари киради. У Гулбоғ, Консурун, Хусбуддин ва Азизобод маҳаллалари, Бухоро вилоятининг Когон тумани билан чегарадош. Қадимда ана шу маҳалла ҳудудидан Буюк ипак (катта) йўлининг Бухоро-Демас (Каттатепа)-Зармитан-Ванғози тармоғи ўтган.

Ҳозирги маҳалла ҳудудидаги, ҳозирда қабристонга айлантирилган Каттатепа (Демастепа) ўтмишда катта шаҳар сифатида фаолият кўрсатган. Ёдгорликнинг шимолий-ғарбий бурчагида тўғри тўртбурчаксимон арки аълоси мавжуд.

Ўрта аср муаллифлари ал-Муқаддасий, ас-Самоний, Ёкут ал-Ҳамавий асарларида «Деймас» ёки «Диймас» номли қадимги қишлоқлар эслатиб ўтилади.

Демастепа (Каттатепа)дан унча узоқда бўлмаган жойда ҳозирги рўйхатларга кирмаган Бешрабат қишлоғи бўлганлигининг ўзи ҳам бу жойда катта бозор бўлганини асослайди. Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 3-жилди 332-саҳифасида Работ сўзига қуйидагича изоҳ берилади. Работ – мусофирхона, карвонсарой шаҳардан четроқдаги тураржой.

Чорбоғ қишлоғининг жанубий чеккасида айна вақтда қабристонга айлантирилган Чорбоғтепа археологик ёдгорлиги сақланиб қолган.

Маҳалла ҳудудидаги Қатағон қишлоғи номи ўзбек халқининг шу номдаги уруғи номи билан боғлиқ. Бу қишлоқда қатағонлар авлоди яшагани ҳақида маълумотлар бор. Қадим Урганжи қишлоғида урганжликлар яшаган.

Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида Обиёвгон ва Қўтонча (қўйхона, молхона) қишлоқлари бўлиб, Қўтанча қишлоғига Хўжа Маҳмуд асос солган деган ривоятлар бор. Бу жойда Хўжа Маҳмуд қабристони, Чорбоғ қишлоғида Чилла мазор қабристонлари бор.

### **3.3.§. Қизилтепа тумани ойконимларидан айримларининг дастлабки этимологик таҳлили**

Илм-фан мавжуд эканки, борлиқ ва жамият ҳодисаларини муайян илмий меъёр, мезонлар асосида таснифлайди, талқин этади ҳамда илмий таҳлилга тортади. Худди шу ўринда ишимизнинг олдинги бобларида ўрганилган туман этнотопонимларининг ареал ва тарихий таҳлили, ўзбек этногенези ҳамда этник хусусиятларини ўрганишнинг тарихий, лисоний, когнитив, семиологик, ономастик, муайян қатламга мансуб топонимларнинг лисоний, этимологик, когнитив, этнографик-тарихий хусусиятлари ушбу бобда ўрганилаётган ҳудуд топонимларининг маълум мақсадларидан келиб чиқиб тузилган тавсифлари амалга оширилган. Биз бу бобда илмий тадқиқот мавзуимизга дахлдор, умуман, этимология тўғрисида қисқа фикр юритиш ҳамда ономастик этимология тўғрисида тўхталишни ўринли, деб ҳисобладик. Бу икки масала доирасида содда, қўшма этнотопоним ва ойконимларнинг этимологик таҳлилига, аниқроғи, топонимик таҳлилнинг бир турига киритишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Этимологик таҳлил орқали таҳлилга тортилган сўз ёки топонимнинг қадимий ифодаси, келиб чиқиши, тарихий тараққиёт жараёнларидаги таркибий ўзгаришлари, қадимий ва ҳозирги замон ифодасидаги маъноларининг тушунилиши, уларнинг этимонлари аниқланади. В.Пизани, А.Абдурахмонов, Э.В.Севортян, Л.С.Левицкаялар бу соҳада бир қатор тадқиқотларни амалга оширган бўлсалар, Э.Мурзаев этимологик таҳлилда топонимларнинг келиб чиқиши ва маъносини тушунтириш зарурлигини

айтиб ўтган<sup>116</sup>. Тилшунос олим А.Ҳожиев этимология ва этимологик таҳлил ҳақида шундай дейди: «Этимология тилшуносликнинг бир бўлими, этимологик таҳлил эса сўз ҳамда топонимларнинг келиб чиқишини тарихий тараққиётда кўрсатади»<sup>117</sup>, профессор Т.Эназаров: «Этимология ва этимологик таҳлил ҳақидаги амалга оширилган ҳам амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ўзбек тилшунослигида ҳам бор»<sup>118</sup>, деган фикрни билдириб ўтади. Бу ҳақида Т.Эназаровнинг докторлик диссертациясида мукамал маълумот берилган.

### Топонимлар таҳлили борасида

Мавжуд маълумотларга таянган ҳолда, топонимик таҳлилни халқоналик ва илмийлик нуқтаи назаридан халқона ва илмий топонимик гуруҳга бўлишимиз мумкин.

Бугунгача топонимларнинг тавсифий, энциклопедик, лингвистик, географик ва тарихий таҳлиллари амалга оширилган. Бу таҳлиллар асосида муайян соҳалар ва мавзулар нуқтаи назаридан ономастик таҳлили амалга оширилганда, таҳлил этилаётган топоним ҳақида охириги асосли ва ишончли фикр-мулоҳазаларнинг берилмаганлигида ёки турли-туманлигидадир, деган қарашларни юзага келтиради. Тадқиқотимиздаги этнотопонимларнинг этимологик таҳлилларида эса улар ҳақидаги маълумотлар кетма-кетлик асосида берилиб, уларга топонимик таҳлил юзасидан далил ва ишончли манбалар воситасида муносабат билдирилиб борилади. Бу таҳлилнинг энг охирида таҳлилга тортилган этнотопоним тўғрисида якуний фикр, унинг этимони тўғрисидаги мулоҳазалардан бирини асослаб келтириш билан тугалланади<sup>119</sup>. Шу ўринда таъкидлаш керакки, топонимик таҳлил негизида,

---

<sup>116</sup> Абдрахманов А. Топонимика және этимология. – Алматы, Ғылым, 1975. -204 б.; Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общeturкские и межтюркские основы на гласные. –Москва: Наука, 1974.-767 с.; Мурзаев Э.М. очерки топонимики. –Москва: Мысль, 1974. –С.78-79.

<sup>117</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. - 136 б.

<sup>118</sup> Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2006. –Б.8-13.

<sup>119</sup> Проблемы этимологии тюркских языков. -Алма-Ата, Ғылым, 1990. –400 с.; Кайдаров А. Т. Тюркская этимология: проблемы и задачи // Проблемы этимологии тюркских языков. -Алма-Ата, Ғылым, 1990.–С.5-25.

албатта, этимологик таҳлил ётади. Чунончи, топонимларнинг ҳар қандай таҳлили топонимик таҳлил ичида ўз ифодасига эга ҳисобланади.

Ҳар бир этнотопоним ҳам бошқа топонимлар сингари тилнинг фонетик, лексик ҳамда морфологик имкониятларига оид, бироқ унутилган ноёб лисоний ва ономастик хусусиятларини ҳамда «инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, тарихий ва социал жараёнларнинг тараққиёти»<sup>120</sup> ни ифодалайди. Абу Райҳон Беруний, А. Наршахий, Маҳмуд Кошғарий каби алломалар ўзлари яшаган даврдаги баъзи бир жой номларини ўзлари яшаган ҳудуддаги илм-фан тараққиёти савиясида туриб илмий изоҳлашга интилишган<sup>121</sup>.

Мамлакатимизнинг географ топонимист олимларидан бири бўлган Ҳ.Ҳасановнинг илмий тадқиқотлари юртимиздаги ономастик бирликларни қайд этиш ҳамда уларнинг изоҳли тадқиқи масалаларига бағишланган. Бироқ уларнинг этимологик таҳлили юзасидан фикрлар деярли берилмаган<sup>122</sup>.

Олиб борилган тадқиқотларнинг баъзиларида «этимологик таҳлил ҳақида фикр илгари сурилган ҳолда, негадир, «этимология» термини қўлланган»<sup>123</sup>. Фикримизча, олиб борилган илмий тадқиқотимиз мавзусидан келиб чиққан ҳолда, «*ономастик этимология*» терминини ишлатишни ўринли деб биламиз.

Топонимия доир илмий тадқиқотлар лисоний, тарихий, географик тавсифдан илмий изоҳли тавсиф ҳамда илмий этимологик таснифга қараб борганлигини шу соҳага оид эълон қилинаётган илмий адабиётлар, шунингдек, амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг мазмун ва моҳиятидан, тўғрироғи, уларнинг илмий нуқтаи назардан янгилиниб, такомиллашиб бораётганлигидан билиш мумкин. Уларнинг баъзи бирларида

<sup>120</sup> Саъдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. - Тошкент, Ўқитувчи, 1996. –Б.41-98.

<sup>121</sup> Ҳасанов Ҳ. Беруний асарларида топонимика // Беруний ва ижтимоий фанлар. -Тошкент, Фан,1972. –Б.125-128; Ҳасанов Ҳ.Сайёх олимлар. –Тошкент: Ўзбекистон,1981.-262 б.; Қораев С.Географик номлар маъноси - Тошкент, Ўзбекистон, 1978.-204 б.; Караев С. К. Топонимия Узбекистана. –Тошкент: Фан, 1991.-130 б. ва бошқалар.

<sup>122</sup> Ҳасанов Ҳ. Географик номлар имлоси. –Тошкент: Фан, 1962.-136 б.; Ҳасанов Ҳ. Ер тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1977.-102 б.; Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. –Тошкент: Ўзбекистон, 1985. -120 б. ва бошқалар.

<sup>123</sup> Худжамбердиев Я. Историко-этимологическое исследование топонимики Сурхандарьинской области Узбекской ССР. АКД. –Ташкент., 1973. –С.4-16.

топонимларнинг этимологик таҳлиliga бирмунча тўхталингани, уларнинг этимологик тадқиқи усулларига эътибор қаратилмаганлиги сабабли, жой номларининг этимологик таҳлили далилларининг озлиги туфайли мукамал даражада деб бўлмайди.

Этимология ва этимологик таҳлил турлари тадқиқотлари масаласи ўзбек тилшунослигида олимлар А.Фуломов, Ф.Абдуллаев, Ш.Раҳматуллаев, Э.Фозилов, А.Ишаев, Б.Бафоев кабиларнинг<sup>124</sup> тадқиқотларида у ёки бу даражада қайд этилган. Б.Ўринбоев, Э.Бегматов ва С.Қораев, Т.Эназаровлар топонимларнинг тадқиқида ҳам «этимологик таҳлил»<sup>125</sup> зарурлигини қайд этишган, тадқиқнинг назарий асослари тўғрисида баъзи бир фикрларни билдириб ўтишган.

Халқ этимологиясига оид ҳолатларнинг бадий асарлар матнида учрашини И.Тошалиев баён қилган<sup>126</sup>. Ушбу этимология услубий (стилистик) талаблар бўйича ва ижодий мақсадга мувофиқ амалга оширилади. Бадий этимологиядаги халқона ҳамда илмий этимологик таҳлил қилиш хусусиятлари публицистика ва бадий ижодда илмий усул, воситалар вазифасини бажаради. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, топонимикада ҳам халқона этимологик таҳлил борлиги табиийдир.

Ойконимларнинг баъзи бирлари этимологик таҳлил этилганда, уларнинг бирламчи шакли ва илк маъноси бўлган этимон тушунчасига тўхталиш лозим ҳисобланади. Амалга оширилган илмий тадқиқотларда топонимларнинг этимологик таҳлили жараёнида унинг этимони ўрганилмаса, улар юзасидан олиб борилаётган этимологик таҳлил мукамал ҳисобланмайди. Шу сабабли А.А.Белецкий этимологик таҳлилда этимонни «сўзларнинг биринчи шакли ва илк маъноси»<sup>127</sup> сифатида талқин этган. Н.В.Подольская *этимон* терминини

---

<sup>124</sup>Юкорида қайд этилган.

<sup>125</sup>Уринбаев Б.У., Бегматов Э.А., Караев С.К. Топонимика Узбекистана (состояние и проблемы) // Материалы конференции по ономастике Узбекистана. -Джизак, 1985. –С. 3-5.

<sup>126</sup> Тошалиев И. Халқ этимологиясига доир баъзи кузатишлар // Ўзбек тилида сўз ясаши. Илмий ишлар тўплами. 608-сон. -Тошкент,1979. –Б.38-50; Тошалиев И. Бадий этимология - стилистик приём сифатида // Ўзбек тили стилистикаси масалалари. -Тошкент., 1982. –Б.29-30.

<sup>127</sup>Белецкий А.А. Принципы этимологического исследования. Издательство Киевского государственного университета им. Т. Г. Шевченко. -Киев, 1950. –С.12-13.

«номнинг илк шакли ва маъноси»<sup>128</sup> сифатида шарҳлаган. «Этимон – ҳозирги тилда бор бўлган сўз ёки морфеманинг келиб чиқишига асос бўлган сўз ёки морфема. Мас., *қаттиқ* сўзининг юзага келиш асоси *қот* (*қотмоқ* феъли) ва *–(и)қ* аффикси бўлган; *–ян* аффикси *–йатип* (*–ётиб*) дан юзага келган»<sup>129</sup>.

Т.Эназаровнинг фикрича, «*этимон* ном учун асос бўлган белги-хусусиятларнинг сўз билан аталган илк кўриниши ва маъноси ҳисобланади»<sup>130</sup>. Бу борада Ш.Раҳматуллаевнинг «Этимологик талқин берилаётган сўз маъно жиҳатдан ўзгарган бўлса, бундай маъно тараққиёти қайси маъно асосида рўй бергани изоҳланади»<sup>131</sup>, деган фикри фойдадан холи эмас.

### Этимологик таҳлил масаласи: сўз ва ойконим

Этимологик таҳлил масаласида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жой номлари этимологиясига аниқлик киритишда географик терминларининг аҳамиятига эътибор қаратиш лозим. Чунончи, Э.Мурзаев: «Ҳар қандай топонимик тадқиқот географик терминларни ўрганишдан бошланиши керак. Географик номларнинг этимологиясини таҳлил қилишда терминлар билимдон қўлида бебаҳо хазинадир»<sup>132</sup> деб таъриф беради.

Топонимист олим С.Қораев географик терминларнинг олтига турини алоҳида қайд этиб ўтади ҳамда уларнинг топонимлар этимологиясини аниқлашдаги ўрнига юксак баҳо бера туриб, уларни куйидаги турларга ажратади:

1. Табиий географияга оид терминлар топонимлар таркибида энг кўп ишлатиладиган географик терминлардир. Улар сув, рельеф, ўсимлик, ҳайвонот дунёсига оид терминларни ифода этади. Масалан, адир, анҳор, ариқ, адок, арна, булоқ, зах, зовур, тағоб (тагир), тепа, терак, тол ва б.

<sup>128</sup> Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. -Москва, Наука, 1988. –С.167.

<sup>129</sup> Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. -Тошкент, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2002. – 136 б.

<sup>130</sup> Эназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. Фил.фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2006. –Б. 74-80.

<sup>131</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. -Тошкент, Университет, 2000. –600 б.

<sup>132</sup> Мурзаев Э.М. География в названиях. - М.: “Наука”, 1979. – С.166.



2.Топонимлар таркибида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда доир географик терминлар бирмунча кенг тарқалган. Улар: авлиё, аймоқ, амлок, офтобачи, бахши, имом, кент, мачит, маҳалла, обод, работ, қалъа ва б.

3.Касб-ҳунарга оид халқона терминларнинг мамлакатимиз қишлоқ ва шаҳарлари номларида кўп учраши кузатилади. Масалан, кулол, қассоб, аттор, бўйрачи, читгар, пичоқчи, собунгар, чармгар, косагар ва б.

4.Халқона терминлар кишиларнинг лақаблари, фамилияларидан келиб чиқадиган географик номларда ҳам қўлланади. Киши исмига унинг титули қўшилишидан таркиб топган топонимларга Қози Эшон Авлиё, Хўжа Саври, Хўжа Нурулло, Хўжа-Бўстон, Эшон Ҳожи кабиларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин; кишилар исми ва лақаби асосида шаклланган географик номларга эса Бибиқабўтпўш, Жума тўпчи, Мулла Эшқул, Муродқўса, Ҳакимоқсоқол, Солимаҳсум кабилар мисол бўла олади.

5.Кишилиқ жамиятининг турли ривожланиш босқичларида вужудга келган уруғ, қабила, элат, халқ, миллат каби этник бирликлар номи ҳам термин сифатида ишлатилади. Авғон, Араб, Арабон, Арғин, Ахтаци, Бағиш, Дўрмон, Жалойир ва б.қ.

6.Географик номлардан пайдо бўлган топонимлар – топотопонимлар. Топонимларнинг кўчиб юриш қондаси бўйича юзага келган топонимлар мазкур тоифага киради. Кишилар бошқа ҳудудларга кўчиб бораганларида, ўзлари туғилиб ўсган қишлоқ ва шаҳар номларини янги кўчиб келган жойларига қўядилар. Шу тариқа Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Урганжи каби қишлоқлар пайдо бўлишига замин яратилган.

Этимологик таҳлил тадқиқи юзасидан етакчи тадқиқотчиларнинг изланишлари натижасида ўраганилаётган ҳудуд топонимлари, яъни ойконимлари ва сўзларининг этимологик таҳлилларидаги фарқларга эътибор берсак, ўраганилаётган ҳудуд ойконимияси тизимидаги баъзи бир объект номларининг этимологик таҳлиллари тушунарли ва ишонарли бўлиши аниқ. Сўзнинг этимологик таҳлиliga ЎТЭЛда намуналар берилган<sup>133</sup>. «Жанубий

<sup>133</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. -Тошкент, Университет, 2000. –Б.248.

Қорақалпоғистон ойконимларининг лисоний тадқиқи»да И.Холмуратов «Ойконимларни этимологик таҳлил қилиш талаблари»<sup>134</sup> сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади:

1) унинг қаерда жойлашганлиги, қандай ва қайси объектларнинг номи эканлиги ҳақида маълумот бериш; 2) ойконимлар тўғрисидаги халқона этимологик таҳлилларнинг барча талқин, таҳлилларнинг бир кўриниши сифатида мавжуд бўлган фаразларни қайд этиш; 3) қайд этилган фаразларни далиллар асосида турли талқин ҳамда таҳлил этиш; 4) ойконимлар тўғрисидаги ҳар бир фаразга илмий далил ва манбалар воситасида муносабат билдириб, унинг юзага келишига оид яширинган янги фикрни илгари суриш; 5) ойконимларнинг этимологик таҳлил қилиш жараёнида қўлланилган тамойил, усул ва омиллар ҳақида тўхталиш; 6) бундай таҳлилни амалга ошириш давомида далил сифатида кўрсатилган манбаларнинг саҳифаларини аниқ кўрсатиш; 7) ойконимнинг этимологик таҳлилида сўнги фикрга келиб, унинг апеллятив лексикадаги этимони ҳақидаги охириги тахминни далиллар билан асослаш.

Юқорида берилган сўз ҳамда ойконимни этимологик таҳлил қилиш талабларидан келиб чиқиб, сўз ва ойконимлар этимологик таҳлил доирасида бир-биридан қуйидагича фарқланади: 1) этимологик таҳлилда сўзнинг тарихий тараққиёти кузатилса, ойконимларнинг (умуман, топонимларнинг) этимологик таҳлилида сўзларнинг топонимлашув жараёнини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади; 2) сўзнинг этимологик таҳлили бир босқичли бўлса, ойконимнинг этимологик таҳлили икки босқичли бўлади; 3) сўз номланиш сифатида предмет, ҳодиса кабиларнинг номи тарзида ифодаланса, ойконимлар лингвистик ҳамда экстралингвистик омиллар таъсирида шаклланади; 4) сўзда асосий маъно лексик маъно сифатида қаралса, ойконимда апеллятив асоснинг маъноси бирламчи маъно бўлган ҳолда, унга турли объектларни аташ учун юкланган ономастик лексикага хос ойконимик

---

<sup>134</sup>Холмуратов И.О. Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларининг лисоний тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси. – Бухоро, 2020. –Б.92.

маъно етакчилик қилади; 5) сўз ва ойконимнинг этимологик таҳлилида, мазкур таҳлилнинг ҳақиқатга яқинлиги муаммоси долзарб ҳисобланади.

Демак, сўз ҳамда ўрганиладиган ойконимларнинг (умуман, топонимларнинг) этимологик таҳлилларининг бир-биридан фарқланиб кўлланилиши амалга оширилаётган тадқиқотларнинг такомиллашувига имконият яратиб беради. Шунингдек, ойконимлар юзасидан амалга оширилган этимологик таҳлиллар илмий топонимик таҳлилнинг мукамал кўринишлари сифатида намоён бўлади.

### **Содда, қўшма ойконимлардан айримларининг этимологик таҳлили хусусида**

Қизилтепа тумани ҳудудига оид ойконимларнинг топограмматик томондан содда ва қўшма ойконимлардан бир қанчасининг этимологик таҳлили борасида қуйидагича тўхталиб ўтдик.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари учун кенг истеъмолда бўлган **маҳалла, қишлоқ ва кўча** терминлари ҳақида қуйидагича изоҳ берилди.

**Маҳалла** – кўпчилик бу сўзнинг вужудга келиши ва такомиллашуви жуда қадим тарих саҳифаларига бориб тақалиши ҳақида сўз юритишади. «Маҳалла» атамасининг келиб чиқиши ҳам қадим тарихга бориб тақалади ва у арабча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги «жой» маъносини билдирувчи «маҳаллун» сўзидан келиб чиққан.

У турли ҳудудларда маҳаллот (жой), гузар, жамоа, элат шаклида аталиб келинган. Аммо маҳалла, нафақат тарих, балки бугунги ва эртанги кунимизни ҳам туташтириб турувчи маскан ҳисобланади. Шу билан бирга маҳалла миллийлигимиз тимсоли ҳамда қадриятлар ва урф-одатларни авлоддан-авлодга етказувчи ижтимоий-маданий макон сифатида хизмат қилади. Ўрганилган ҳудуд аҳолиси томонидан маҳалла тушунчаси муайян аҳоли пунктларининг йиғиндисини ташкил этган маъмурий тузилма сифатида англашилади. Мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудлари сўзлашувида «маҳаллани тўпла», «маҳаллага ош берамиз» каби жумлалар кўп қўлланади.

Ваҳоланки, ўрганилган ҳудуд аҳолиси сўзлашувида маҳалла тушунчаси тор маънода, яъни идора тузилмаси шаклида тушунилади. Масалан, «маҳаллани тўпла» – «қишлоқни ёки одамларни тўпла», «маҳаллага ош берамиз» – «қишлоққа ош берамиз» шаклида ишлатилади. Бу ҳудуднинг диалектал хусусиятидан келиб чиқади.

Маҳалла – бу арабча сўз *маҳаллāt (ун)* шаклига эга; ўзбек тилига ҳойи ҳутти ундошини *ҳ* ундошига, учинчи бўғиндаги чўзиқ *а* унлисини *а* унлисига алмаштириб, сўз охиридаги *т* товушини ташлаб қабул қилинган: *маҳаллāt > маҳалла*; асли ҳалла феълининг «истиқомат қилди» маъноси билан ҳосил қилинган маҳалл(ун) масдарининг *-āt (ун)* кўшимчасини олган шакли бўлиб, араб тилида «квартал» маъноларини англатади; ўзбек тилида бу сўз «шаҳарнинг аҳоли яшайдиган маълум бир қисми»<sup>135</sup> маъносини англатиш учун ишлатилади.

**Қишлоқ** – номи икки қисмдан иборатдай туюлади, бироқ бир бутун сўз. У тарихан учта маъноли бўлақдан ташкил топган: қишлоқ (қиш+ла+қ), шунингдек, бу ном орқали қадимда қишлайдиган жой маъноси англашилади. Вақт ўтиши билан сўзнинг –лоқ компоненти тарихий тараққиёт натижасида маъно ифодалаш сифатини йўқотган бўлиб, қиш сўзи таркибининг бир бутун бўлагига айланган ва қишлоқ сўзи апеллятив лексик birlik сифатида кўлланила бошланган. -лоқ форманти ўрин-жой маъносини англатувчи кўшимча қаторига ўтган. Ономастик лексика сатҳидаги Қишлоқ номи бир бутун сўз сифатида топообъектнинг номи саналади.

Шунингдек, -лоқ кўшимчасининг XVII-XVIII асрларда макон ясовчи аффикс эканлиги Фатх Алихоннинг «Китоби луғати атрокийя» асарида кўрсатиб ўтилган. Демак, апеллятив лексикадаги қишлоқ нутқда турли кўшимчаларни қабул қилган ҳолда фаол кўлланадиган сўз ҳисобланади. Қишлоқ сўзи қадимда аҳолининг қишлайдиган жой маъносини англаган. Унинг этимони қишда яшайдиган жой маъносидаги қишлоғ // қишлоқ сўзи ҳисобланади.

<sup>135</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлари). –Тошкент., 2003. -260 б.

**Кўча** – бу кўрсаткич жой номи сифатида аҳоли пунктларининг муайян қисмларини номлаш учун ҳам қўлланилган. Ҳозирги мавжуд туркий тилларнинг кўпчилигида кўча – бинолар орасидаги ўтиш йўли ва йўлакларини ҳамда бўшлиқ, макон маъноларини ҳам ифодалаб келади. Эрон тилларида ҳам бу сўз «оралиқ йўллар» маъноларига эга. Кўча топоиндикатори ойконимик характердаги кўрсаткичдан бири ҳисобланади. Шунингдек, тилимиздаги «кўчмоқ» сўзида ҳам бир нуқтадан иккинчи нуқтага ўтиш (йўл, йўлак орқали) маъноси сезилиб туради. Ўрганилаётган ҳудудда кўча сўзи, кишиларнинг хусусий мулки ҳисобланган бино майдони ташқарисидаги барча фойдаланадиган макон, ўтиш жойлари, йўлларни назарда тутаяди. Кўча топоними билан кўчмоқ сўзи қисман бўлса ҳам, бири-бирига маъно жиҳатдан яқиндир. Кўча топоними бир ўринда жой номи бўлса, зеро, йўл, йўлак, кўча каби дромонимлар топонимнинг алоҳида турини ҳосил қилади. Бошқа бир ўринда эса кўча дромоними топонимик индикатор (қуйи кўча, юқори кўча) вазифасини бажараяди.

Хуллас, ойконимлардан баъзи бирларининг этимологик таҳлили, туман ойконимларининг номланиши умумтуркий ва форс-тожикча номлаш тизимининг ажралмас бир бўлаги эканлигида, ойконимларнинг топоасослари туркий, форс-тожикча, қисман бошқа тиллар лексемасида шаклланганлигида ҳамда улар тарихий жараёнларнинг маҳсули сифатида намоён бўлаяди.

**Қатағон** – қишлоқ (Бухоро в. Навоий тумани, Наманган в. Наманган тумани, Самарқанд в. Иштихон, Пайарик, Ургут, Хатарчи туманлари, Қашқадарё в. Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари, Хоразм в. Шовот тумани). – Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида Равотқатағон деган аҳоли пункти бор. Қатағон ўзбеклар таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Қатағонларнинг асосий қисми Афғонистоннинг Қатағон вилоятида яшайди. Ўрта Осиёда қатағонлар Тожикистонда (Қуйи Вахш, Яхсув водийлари, Панж дарёсининг ўнг соҳили, Қўрғонтепа шаҳридан) ва қисман Жанубий Ўзбекистонда қайд қилинган.

Қизилтепа тумани Демас маҳалласи ҳудудидаги Қатағон қишлоғи номи ўзбек халқининг шу номдаги уруғи номи билан боғлиқ. Бу қишлоқда катағонлар авлоди яшагани ҳақида маълумотлар бор.

**Дўрмон // Дўрман** – қишлоқ номи сифатида республикамизнинг деярли барча ҳудудларида (этнотопоним) учрайди.

**Дўрмонча, Дўрмонлар, Оёқдўрмон, Юқоридўрмон** ва бошқалар. Дўрмон ўзбек уруғларидан бўлиб, маъноси мўғул тилида «тўрт» демакдир.

«Қишлоқлар номининг Дўрмон баҳодир номли қадимги баҳодир номига кўйилган дейилиши тўғри эмас»<sup>136</sup>.

Тўра Нафасов ушбу этнонимни туркий, мўғул халқлари таркибидаги дўрман/дурман/дурбан/дурбен қабиласи аجدодларининг қишлоғи. Таркиби дўр/дур+манн/бан/бен (одам, киши), деб таърифлайди.

Дўрмон ўзбек қабилаларидан бирининг номи бўлиб, улар тарқоқ ҳолда Зарафшон, Сурхондарёда, Тошкент воҳасида, қисман, Хоразмда, Жанубий Тожикистоннинг бир қанча жойларида, шунингдек, Афғонистоннинг шимолида яшаганлар. Улар XVI-XVII асрларда Дашти Қипчоқдан кўчиб келишган. Улар яшаган қишлоқлар **Дўрмон, Дўрман, Дўрмонча** каби номлар билан аталган. «Дўрмон сўзи (мўғулча дўрба) «тўрт» деган маъноси билдиради»<sup>137</sup>. Мазкур уруғ номидан келиб чиққан Дўрмон, Дўрман топонимлари мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида, кўшни Тожикистон ва Афғонистонда ҳам учрайди. Дўрмонларнинг айрим қисмлари ўзбеклардан ташқари қозоқ қирғиз, қорақалпоқ, қисман тожик ва туркман халқлари таркибига сингиб кетиб, бу миллатларнинг шаклланишида иштирок этишган.

**Кенагас** – қишлоқ. Кенагас – йирик ўзбек қабилаларидан бирининг номи. Улар Шаҳрисабз, Китоб, Бухоро, Фарғона водийси, Самарқанд уездида ва Шимолий Афғонистонда яшаганлар. XVIII-XIX асрларда Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар<sup>138</sup>.

<sup>136</sup>Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? –Тошкент: Ўзбекистон, 1970. – 46 б.

<sup>137</sup>Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 55 б.

<sup>138</sup>Дўсимов З., Эгамов Х. Кўрсатилган манба. – Б.81.

Топоним апеллятив лексикада кенгаш, кенгашли ҳолатларида бўлган бўлиши керак. Тилдаги фонетик жараёнлар туфайли мазкур сўз ўзгаришларга учраб, кенагас ҳолатига келиб қолган: кенгаш > кенагаш > кенагас > Кенагас. Мазкур сўзнинг бундай тарихий ўзгаришлар туфайли шу ҳолга келишига маълум бир фонетик асос бор. Туркий қабила-уруғлар ичида бу қабила вакиллари доим кенгашиб иш кўришган. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, кенагаслар Шаҳрисабз алоҳида мустақил беклигини ХУШ-ХІХ-асрларда яна қайта тиклашгач, Бухоро амири 17 ёшли кенагас ойимчага совчи қўйиб, шу йўл билан Шаҳрисабзни яна қайта Бухорога қарам қилмоқчи бўлади. Амирнинг совчилари келиб-кетишгач, 17 ёшли кенагас ойим отасининг чорасиз ҳолда қолганини билиб, ўз режасини отасига айтади. Ота қизининг режасини эшитиб лол қолади. Сабаби, ёш қиз ватанининг мустақиллиги учун ўз жонини аямай жиддий режа тузган бўлади.

Ёш кенагас ойим тўй-томоша билан Бухорога олиб борилгач, у ярим кечаси ухлаб ётган амирнинг кулоғига симоб қуяди, натижада тезда Шаҳрисабзда амирликка қарши кўзғолон муваффақиятли яқунланиб, Шаҳрисабз беклиги яна ўз мустақиллигини тиклайди. Аммо Бухорода қолган кенагаслар Орол денгизи бўйларига сургун қилинади. Демак, Кенагас топонимининг этимони кенгаш сўзидир.

**Манғит** – топонимнинг келиб чиқиши тўғрисида бир неча тахминлар бор.

1. Мангит ҳодисаси асосида манғит сўзи пайдо бўлган. Бу халқона талқиннинг бир кўринишидир.

2. Туркий қабилалардан бирининг номи бўлиб, ономастик конверсия туфайли шаклланган. А.Ишаев бу этнонимнинг келиб чиқишини мингта от маъносида қўлланувчи «манг+ат»<sup>139</sup> бирикмасига боғлаб, туркий этнонимлардан бири эканлигини қайд этган.

---

<sup>139</sup>Ишаев А. Манғит сўзининг этимологияси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари журнали. – Тошкент: Фан, 1958.2-сон. – Б.63-65.

3. Манғит – қабила. «Манғитлар Зарафшон воҳаси, Қарши атрофлари, Хоразм воҳасида, Жиззах атрофларида яшаганлар ва *оқ манғит, қора манғит, ала манғит, темирхўжа, исобой, гаулак, кўса, тоз, қорабайир, бақури, кула тамғали, манғит қозоқ, ўн икки, чўқай, галаботир, бешкал, чобакчак, уз, уволай* каби уруғларга бўлинган»<sup>140</sup>.

4. Т. Нафасов ва З. Дўсимовларнинг таъкидлашларича, «Манғит – минг, минг от, манг от маъноларини ифодаладиган сўз. Вақт ўтиши билан минг от ёхуд манг+ат (от) бирикмалари бир сўзга айланиб кетиб, манғит атамаси юзага келган»<sup>141</sup>.

Топонимнинг келиб чиқиши тўғрисида берилган тахминлардан фақат биринчиси халқона этимология, иккинчиси, учинчиси ва тўртинчиси эса бир-бирини тўлдиради.

Манғит атамаси этнотопоним бўлиб, ҳозирги кунда ҳам жойларга ном сифатида ишлатилмоқда: манғит > Манғит. Минг + от ясаши туфайли ясалган манғит сўзи этнонимлашув жараёнини бошдан кечириб, этнонимга айланган: минг-от > мингат > мангат > мангит > Манғит. Маълум бир вақт ўтгандан сўнг манғит уруғи вакиллари яшаган жой маъносини ифодалаб туриш учун бу этноним ономастик конверсия туфайли топонимга ҳам кўчган: манг + ат > манғит > Манғит. Булардан кўришиб турибдики, мазкур жой номи кўйидаги тарзда қолиплашган: апеллятив лексика > ономастик лексика > этноним > топоним<sup>142</sup>.

**Ғамхўр** – бу сифат тожик тилида «руҳий азоб» маъносини англатадиган арабча *ғам* отига (АРС, 570) «тарқат» маъносини англатадиган тожикча *хоридан* феълининг *хор* ҳозирги замон асосини (ТЖРС, 427) кўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида *ғамхор* ва *ғамхўр* шаклларида айтилади (ТЖРС, 477); ўзбек тилига кейинги шакли олинган; «қайғуни тарқатувчи»

<sup>140</sup>Қорасев С. Ер тилининг калити. Қисқача луғат. –Тошкент., 2009. –Б.59.

<sup>141</sup>Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1988. –Б.113-114.; Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи. 1977. –Б. 92.

<sup>142</sup>Т.Эназаров ва бошқалар. Ўзбекистон жой номларининг этимологик луғати топонимлар тилсими.- Тошкент: Нодирабегим. 2019. – Б.93-94.



маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 651). «Бу сифатдан ўзбек тилида *ғамхўрлик* оти ясалган»<sup>143</sup>.

Демак, бу топоним апеллятив лексикадаги қайғуни аритувчи маъносидаги ғамхўр сўзининг топонимлашув жараёнида ономастик лексика сатҳига ўтишидан юзага келган.

**Найманча** – қишлоқ. Найман – ўзбек уруғларидан бирининг номи. Рашидиддин «Жомеъат таворих» асарида «Найман қадимги кучли қабилалардан биридир. Унинг бир қанча тармоқлари бор»<sup>144</sup>, деб ёзган.

Найман сўзи мўғулча бўлиб, найман «саккиз» деган маънони билдиради. Н.Аристов, «Найман сўзи Найма дарёси (Катуннинг бир ирмоғи)нинг номи билан боғлиқ. топоним дарёнинг номи асосида вужудга келган»<sup>145</sup>, дейди.

«Найман сўзи билан боғлиқ бўлган топонимлар Ўзбекистоннинг барча вилоятларида учрайди»<sup>146</sup>.

**Найман** – ўзбек уруғларидан бирининг номи. Луғавий маъноси «саккиз» деган сўз. Ўзбекистонда, хусусан, Самарқанд вилоятида Наймон, Наймонча, Қоранайман, Раватнайманча каби қишлоқларни кўплаб учратиш мумкин<sup>147</sup>.

**Вахмкор** – мамлакатимизнинг бир қатор вилоят ва туманларида Вахм, Вахмкор шаклларида учрайдиган қишлоқ номи.

**Вахимкор** – мазкур топонимлар ўтмишда қўлланган вақф термини асосида юзага келган. Вақф сўзи арабча бўлиб, «дин йўлида ажратилган мол-мулк» деган маънони англатган. (Ислом. Справочнк. Тошкент, 1986, 61-б.). Вақф қилинган ерларда ташкил топган қишлоқларнинг баъзилари юқоридаги каби Вахим деб аталиб кетган<sup>148</sup>.

Вахм арабча вақф сўзининг маҳаллий халқ тилидаги талаффузидир: вақф > *вахф* > **вахм** > Вахм, яъни сўзда олдин қ ундоши х ундошига алмашган. Сўнгра лаб-тиш ф ундоши талаффуз жараёнида лаб-лаб м ундошига ўзгарган.

<sup>143</sup> Ш.Рахматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Унверситет. 2009. –274 б.

<sup>144</sup> Рашид-ид-дин, Сборники летописей, –Ташкент, 1960. –С 176.

<sup>145</sup> Аристов Н. Заметки об этнеческом составе тюрских племен и народностей и сведения об их численности // отд. Отгис из «Живой страна». –Москва,1896, –С 87.

<sup>146</sup> Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 104 б.

<sup>147</sup> Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? -Тошкент, Ўзбекистон, 1970. – 86 б.

<sup>148</sup> Н.Охунов. Жой номлари таъбири. Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.13-14.

Вақф «туриш, тuroк, кўзғалмас, дин ва хайрли мақсадлар йўлида ажратилган мол-мулк» деган маъноларни ифодалайди<sup>149</sup>.

Мусулмон динининг шариат қоидаларига мувофиқ, давлат ва айрим кишилар томонидан дин ва хайрли мақсадлар йўлида ажратилган мол-мулк вақфдир. Кўпинча экинзор ер, канал, ариқлар вақф мулк деб эълон қилинган ва шу ном билан юритилган. Демак, ойконим апеллятив лексикадаги ўзлашган сўзлардан танланган ва ономастик лексика сатҳига ўтиб, жой номи бўлиб келмоқда: *вахм* > *вахим* > **Вахим**. Унинг этимони ўзлашган ва «туриш, тuroк, кўзғалмас, дин ва хайрли мақсадлар йўлида ажратилган мол-мулк» деган маъноларни англатадиган вахм сўзи саналади.

«-кор (-гар,-гор,-кар)» компоненти. Тожик тилидан кирган; касб эгаси, мутахассислик, машғулот билан боғлиқ бўлган шахс оти ясади: пахта/кор, бино/кор, халос/кор, хизмат/кор, даъво/гар, дурад/гор, мис/кар каби.

Тожик тилидаги кор сўзини ўзбек тилига таржима қиладиган бўлсак, иш, меҳнат маъноларини англатади. Меҳнат қилиш маъносидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, вақф ерлари ҳудудида жойлашган ва унда ишлаб кун кечирадиган аҳоли ёки аҳоли пункти Вахм, Вахим, Вахмкор ёки Вахимкор сифатида халқ томонидан аталиб келинган. Шу тариқа ойконим ҳосил бўлган.

**Майта** – Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 2-жилд 530 саҳифасида «Майта» сўзига «Кўрик, бўз ер» деб тасниф берилган. Айримлар «майта» сўзини «маййит» шаклида ифода этишади. Ўша луғат 2-жилди 528-саҳифасида «май(й)ит» сўзи «ўлик, жасад, мурда» шаклида ифодаланади.

Майитон – арабча топоасосга форс-тожикча –он топоформанти бирикувидан ҳосил бўлган *майит* > *он*, ассимиляция натижасида *майито* шаклига кирган ва товуш алмашиши *майит*>*о*>*а* (ҳудудда ўзбек ва тожик тилида гаплашувчи этник таркиб мавжуд) оқибатида Майта шаклини олган Топонимист А.Л.Хромов фикрича, –он аффикси Матча (Мастчон) шеваларида, шунингдек, барча тожик шеваларида кам ишлатилади. Шу

<sup>149</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 1-жилд. –Б.451.

аффиксли топонимлар анча қадимий ҳисобланади. Ҳозирги вақтда –он ўрнига кўпроқ –о (хо) (арабон-арабо) кўплик қўшимчаси қўлланилади<sup>150</sup>

**Эмакти** – қишлоғи М.Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарининг 54-саҳифасида *этмак* сўзи *нон* маъносида берилади; шунингдек, асарнинг 129-саҳифасида *эр этмакланди* – *кишининг нони кўпайди* маъносида берилади.

Этмакчї – новвой. Демак, новвой маъносидаги мазкур сўз нон тушунчасини англатувчи этмак асосига -чи аффикси қўшилишидан ясалган. Бу касб-ҳунар номи эски ўзбек тилида ҳам, хусусан, Алишер Навоий асарларида ҳам *итмакчи* фонетик вариантыда қўлланганлигини кўришимиз мумкин: *Итмакчи танури андин қизик, аллоф бозори андин иссиқ.* (Махбуб ул-қулуб, 35 б.) Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса этмакчи//итмакчи қўлланмайди, архаик сўз ҳисобланади. Демак, бу сўз аслида этмакчи шаклидан фонетик ўзгаришлар асосида эмакти шаклини олган: *этмакчи>эмакти>Эмакти*. Демак, бу топоним апеллятив лексикадаги новвой маъносидаги *этмак* (*итмак*) сўзининг топонимлашуви жараёнида ономастик лексика сатҳига ўтишидан юзага келган. Қишлоқ ўтмишига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ерда қадимдан кишиларнинг новвойлик билан машғул бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Юқорида худуддаги баъзи бир содда ойконимларнинг этимологик таҳлилига тўхталинди. Уларнинг шаклланиши, асосан, содда, баъзан апеллятив лексикада ясама бўлган ҳолда ономастик лексикада эса бир бутун номнинг ўзи тўғрисида фикр юритилган.

Содда ойконимларнинг этимологик таҳлилида ном учун танланган сўзлар топонимлашув жараёни туфайли, яъни ойконимик объектларга ном бўлган. Бундай ойконимлардан баъзи бирларининг этимологик тадқиқи шундай объектларнинг тарихий тараққиёти этноним ва гидронимик терминлардан шаклланганлигини тасдиқлайди. Уларнинг этноним ҳамда

<sup>150</sup> Қораев С. Топонимика. Тошкент: «O‘zbekiston faylasuflari milliy nashriyoti», 2006. –Б.9.

гидронимик номлардан шаклланганлиги ҳам туман ойконимларига хос соддалик хусусиятларини мукамаллаштирган.

### **Қўшма ойконимлардан айримларининг этимологик таҳлили**

Икки топоасоснинг бирикиб, бир бутун сўз кўринишидаги топоним бўлиб келиши қўшма топонимлар ҳисобланади. Улар Қизилтепа тумани ойконимлари тизимида учрайдиган топограмматик ҳодисалардан бири. Бундай топонимлар бошқа ҳудудларда учрагани сингари ўрганилаётган ҳудуд ойконимияси тизимида ҳам анча фаол ҳолда учрайди. Ойконимлар тизимидаги бундай номларни топограмматик, хусусан, топоойконимик нуқтаи назардан қўшма ойконимлар дейиш ўринли.

Қуйида шу ҳудудда учраган баъзи бир қўшма топонимларнинг этимологик таҳлилига киришамиз.

**Дуобдурун** – ушбу жой номи тожикча учта асосдан ҳосил бўлган. Н.Охуновнинг маълумотига қараганда, “Дуоб” топонимиغا изоҳ берар экан, унда ушбу жой номи тожикча *ду* – икки, *об* – сув сўзларининг бирикувидан ясалганлигини, икки сувнинг қўшилган жойи *дуоб* деб юритилишини таъкидлайди. Дуоб сўзи турли жойларда ҳар хил шаклда, жумладан, Дуоба, Дуғоб, Дуғоба кўринишларида ҳам учрайди, деб таъриф беради.

Дуобдурун топоними эса *ду* - *икки*, *об* – *сув*, *дурун* – *ичкари* сўзларининг бирикувидан ясалган бўлиб, *икки сувнинг ичкарига тарқаладиган жойи* деган маънони беради.

**Қизилтепа** – қизил – «қон рангидаги, «алвон». Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли «қизил тус ол -» маносини англатган қыз феълидан –(ы)л қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик *ы* унлиларнинг қаттиқлик белгиси йўқолган: қыз- +ыл= қызыл-қизил.

Тева – «дўнг жой». Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли *төпа*, *төпу* тарзида талаффуз қилинган (ДС, 580); ўзбек тилида *о* унлиси *е* унлисига алмашган; *төпа* – *тепа*. Бу сўз охирида *а*, *ў*

қисми асли лексема ясовчи қўшимча, лекин манбаларда *mōn* – феъли ўз аксини топмаган<sup>151</sup>.

Қизилтепа Навоий вилоятидаги туман, қишлоқ. Қизил рангли, қизғиш тупроқ (қум)ли тепалик ёнидаги қишлоқ<sup>152</sup>.

Қизилтепа атамаси топоним бўлиб, ҳозирги кунда ҳам жойларга ном сифатида ишлатилмоқда: қизил + тепа > қизилтепа > Қизилтепа сифат + от бирикувидан қўшма асосли топоним ясалган.

**Тепа** – рельефни ифодаловчи географик терминлардан бири: ер сатҳидан баланд, юқори бўлган дўнг жойга нисбатан ишлатилади. Н.Охуновнинг маълумотига қараганда, «Тепа» термини орқали ясалган топонимларнинг кўпчилиги қўшма сўз ҳолатида бўлиб, уларнинг биринчи қисми қуйидаги маънодаги сўзлардан ташкил топган: 1) киши исмларидан: Дўсимтепа, Исмоилтепа... 2) ранг-тусни билдирувчи сўзлардан: Оқтепа, Қоратепа, Қизилтепа...3) сонни, миқдорни ифодаловчи сўзлардан: Учтепа, Бештепа, Қўштепа. 4) тупроқ таркибини ифодаловчи «қум, тош» сўзлари билан: Қумтепа, Тоштепа, Тошлоқтепа. 5) ўсимлик номларидан: Чинортепа, Қамиштепа. 6) шакл-ҳажми билдирувчи сўзлардан: Ялпоқтепа, Юмалоқтепа, Ясситепа сингарилар<sup>153</sup>.

Ўрганилган ҳудудда Абу Муслимтепа, Манғиттепа, Дўрмонтепа (этнонимни ифодаловчи сўздан ташкил топган), Қизилтепа, Ганчтепа, Оқсочтепа, Ажвандитепа, Лавондоқтепа, Азизонтепа, Сайилтепа, Ғамхўртепа, Ганчтепа, Элмирзатепа, Ўктамсавобтепа, Хушартитепа, Тотиёнтепа, Хожағойибтепа, Мирҳошимтепа, Новвойонтепа, Ишлонқўптепа, Кесақхўртепа, Талолактепа, Талиумартепа, Хартазонтепа, Ревартунтепа, Эмактитепа, Синжаметонтепа, Хожамозортепа, Хусбиддинтепа, Мозортепа, Чорбоғтепа, Варозунтепа, Қўлбатепе, Авазбоботепа, Каттатепа, Қўрғонтепа сингари топонимлар мавжуд.

<sup>151</sup> Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). –Тошкент., 2000. –Б.331-539.

<sup>152</sup> Т.Нафасов. В.Нафасова. Ўзбек тили топонимларининг ўқув изоҳли луғати. –Тошкент., 2007. – Б.49.

<sup>153</sup> Н.Охунов. Жой номлари табири. –Тошкент., 1994. – 47 б.

### III боб бўйича хулосалар

1. Қизилтепа тумани жой номларини, уларнинг топоним, ойконим, гидроним, некроним каби мавзуй гуруҳларга бўлмасдан, ҳозирда мавжуд қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида жойлаштиришни лозим топдик. Бу каби тасниф, ўзининг семантик-лисоний, когнитив, этимологик, лингвомаданий ҳамда бошқа илмий параметрларга жавоб бериши билан устунликка эга.

2. Жаҳон лексикографиясида сифат ўзгаришларининг юзага келиши негизида, луғатшуносликнинг янги-янги йўналишлари, уларнинг объектлари илмий ҳамда амалий жиҳатдан асосланмоқда. Лексикографиянинг ўзига хос йўналишларидан бири бўлган диалектик луғатларни тартибга солувчи диалектографияни, янги йўналишдаги замон лексикографиясининг долзарб йўналишларидан бири сифатида қараш мумкин.

3. Мамлакатимизда миллий тилимизнинг нуфузи ва мавқеини янада ошириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг самараси сифатида миллий ўзликни англаш, халқ маданияти, маънавиятини юксалтириш, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий қадриятларига катта эътиборнинг қаратилиши, миллий тилимизнинг туркона табиатини очиб бериш, муайян хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган манбаларни ўрганиш асносида таҳлилга тортиш, олинган хулосаларни амалиётга татбиқ этиш асосида, хусусан, луғат тузишнинг оптимал методларини ишлаб чиқиш заруратини талаб қилади.

4. Этимологик таҳлил масаласида шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жой номлари этимологиясига аниқлик киритишда топонимик терминларининг аҳамиятига эътибор қаратиш лозим бўладики, бунда сўз ҳамда ўрганиладиган топонимлар этимологик таҳлилининг бир-биридан фарқланиб қўлланилиши, амалга оширилаётган тадқиқотларнинг такомиллашувига имконият яратиб беради. Шунингдек, топонимлар юзасидан амалга оширилган этимологик таҳлиллар илмий топонимик таҳлилнинг мукамал кўринишлари сифатида намоён бўлади.

5. Туман аҳоли пунктлари номларининг этимологик таҳлилида ном учун танланган сўзлар топонимлашув жараёни туфайли, яъни ойконимик объектларга ном бўлган. Бундай ойконимларнинг этимологик тадқиқи шундай объектларнинг тарихий тараққиёти жойнинг табиий хусусиятларига, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий хусусиятларига боғлиқ ҳолда топонимик терминлардан шаклланганлигини тасдиқлайди. Уларнинг ушбу хусусиятлари туман ойконимларига хос соддаликнинг мукамаллашувига олиб келган дейиш мумкин.

6. Туман ойконимиясининг этимологик таҳлили мамлакатимиз ойконимиясининг ҳам фарқли, ҳам ўхшаш жиҳатлари, уларнинг унутилган ва яширин маънолари борлигини ҳам англаштириши билан бир қаторда, маълум бир маънода халқлар дўстлигининг ўзига хос жиҳатларини, уруғ-қабилалар, халқ этнонимларининг оммавий ҳамда кенг тарқалишини, тадқиқ этилган ойконимларнинг тарихий тараққиётда муҳим роль ўйнашини ҳам англатади.

7. Ўрганилган ҳудуд этнотопонимларида тарихий жараёнлар асосида турли маданий қатламларнинг конгломерати натижасида кўпгина ўзгаришлар кузатилади, жумладан, ислом динининг кириб келиши туфайли араблар, кейинги даврларда мўғул, форс-тожик, туркман, қирғиз ва қозоқ тилларига хос этнонимлар билан боғлиқ этнотопонимлар юзага келди, ривожланди.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Қизилтепа тумани этнотопонимларини ареал-ономастик жиҳатдан тадқиқ этиш натижасида қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

1. Этнотопонимларни ареал жиҳатдан таҳлил қилиш, ҳудуд минтақасида истиқомат қилган қадим аجدодларимиз – турли уруғ-қабилла ҳамда этник қатламларнинг турмуш тарзи, касб-кори, миллий анъана ва қадриятлари, табиий географик ўрни маълумотлари асосида туман топонимияси этногенезини ўрганишнинг тарихий, лисоний, когнитив, семиологик ва ономастик хусусиятларини аниқлаш имкониятини беради.

2. Этнотопонимларни ареал жиҳатдан карталаштириш, биринчидан, уруғ ва қабилаларнинг яшаш ўрнини кўрсатса, иккинчидан, уларнинг кўчиш ва тарқалиш жойларини аниқлашда муҳим роль ўйнайди.

3. Этнотопонимлар кўп асрлар давомида табиий ҳолда юзага келган номлар бўлиб, уларнинг ижодкори, яратувчиси оддий халқ ҳисобланади. Бу номлар, бир томондан, маълум объектнинг атоқли оти, жуда қадимий сўз бўлса, иккинчи томондан, халқнинг тарихини аниқлаштиришга ёрдам беради.

4. Ўрганилаётган ҳудуд, яъни Қизилтепа тумани Буюк Ипак йўлидаги энг муҳим бекатлардан бири бўлганлиги боис, туркий халқ, элатлар билан боғлиқ этнотопонимлар кўп ва серқирра ҳисобланади. Шу боис этнотопонимларга хос яшовчанлик ва барқарорлик уларни ўзбек тилининг қадимги бойликларидан бири сифатида талқин қилишга имкон беради.

5. Республикамизда ўзига хос топонимик сиёсатнинг юзага келиши Қизилтепа тумани ҳудудидаги, даврлар мобайнида ўзгаришларга учраган ва йўқ қилинган кўплаб этнотопонимларни қайта тиклашга асос бўлди, тадқиқот натижасида тўпланган ва ҳозирда унутила бошланган айрим этнотопонимларни тиклаш учун имконият яратилди.

6. Илм-фан нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, ҳар қандай этник алоқалар, шунингдек, этномаданият хусусиятлари, бирламчи, тилда ўз ифодасини топади. Тўпланган ҳудуд топонимларининг таркиби ва маъноларига қараб айтиш мумкинки, уларнинг кўпчилиги умумхалқ тили



воситасида юзага келган, айримларининг асосий маъносига фақат этимологик таҳлиллар асосида аниқлик киритиш мумкин.

7. Ўзбек тилидаги атоқли отлар тизимида этноним ва этнопотонимларнинг тадқиқ этилиши, тилнинг шаклланиш босқичлари хусусида қимматли маълумотлар берибгина қолмай, маданият ва маънавиятимизнинг турли йўналишлари бўйича кенг қамровли изланишлар олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

8. Этнотопонимлар турли уруғ ва қабилалар ёки уларнинг вакиллари жамоа бўлиб яшаган жойдагина вужудга келади, шу сабали форсий ва туркий уруғларга хос этнотопонимлар Қизилтепа худудида учрайди.

9. Қизилтепа тумани этнотопонимлари ичида этноойконимлар асосий ўринни эгаллайди. Топонимик материаллардан маълум бўлишича, муайян худуднинг топонимияси бошқа топонимлардан лексик, фонетик жиҳатдан фарқ қилади.

10. Этнотопонимларнинг, асосан, ономастик конверсия ва қисман композиция усули ёрдамида вужудга келиши маълум бўлди. Уларнинг ясалишида аффиксация усули деярли учрамайди, бу усул этнонимларга хос.

11. Топонимлар доимо тил материаллари негизида вужудга келади. Шу сабабли, маълум худуддаги шева хусусиятлари топонимларда ҳам тўлиқ сақланган бўлади. Этнонимлар шу шева (диалект) вакиллари томонидан тил хусусиятларига риоя этган ҳолда талаффуз қилинади.

12. Этнонимлар, асосан, ясалиш таркибига кўра, метонимия усули асосида жой номларига кўчган бўлади. Демак, грамматик кўрсаткичлардан ташқари лексик-семантик хусусиятлар ҳам мужассамлашганлиги аниқланди.

13. Қизилтепа тумани этнонимларининг грамматик тузилиши жиҳатидан аппелятив асосли, формантли ҳамда индикаторли номларга бўлинади. Бу терминларнинг изоҳи диссертацияда тавсифида тўлиқ ва батафсил берилган.

14. Тарихий-этимологик жиҳатидан Қизилтепа тумани этнотопонимлари бир қанча тилларга мансубдир. Туркий ва форсий тилларга оид материаллар худуд этнотопонимларининг асосий қисмини ташкил этиши билан

биргаликда араб, мўғул, туркман, қирғиз ва қозоқ тилларига хос этнонимлар ҳам учраши кузатилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

### **I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон ҳаёт, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 56.

2. Мирзиёев Ш.М. «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.29.

5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Тошкент. 2020. Lex/uz.

6. Географик объектларнинг номлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент, 2011. 12 октябрь (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 й., 41–сон. 448–модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // www.Lex/uz.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

### **II. Илмий адабиётлар**

9. А.Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами. 14 том. – Тошкент: Фан, 1998. – Б.35.

10. Абдрахманов А. А. Этимологическое исследование некоторых этнонимов общих для узбекского и казахского народов // Материалы конференции по ономастике Узбекистана. -Джизах, 1985. - С.20-21.
11. Абдурахмонов Д. Бешкент район топонимикаси // Ўзбек шевалари лексикаси. -Тошкент, Фан, 1966. - Б.383-401.
12. Абдуллаев Ф. Этимология бўйича кузатишлар // Ўзбек халқ ижоди. - Тошкент: Фан, 1967. - Б.154-161.
13. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. III том.-Тошкент, 1982. – 344 б.
14. Абу Тохирхожа. Самария // Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.5-81.
15. Абрамов М. М. История Самарканда в его микротопонимах // Этнография имен. – Москва: Наука, 1971. -С.180-184.
16. Адилов М., Пашаев А. Азарбајчан ономастикасы. - Баку, 1987.- 88 с.
17. Аристов Н. Заметки об этнеческом составе тюрских племен и народностей и сведения об их численности // отд. Оттис из «Живой страна». - Москва,1896, - С.87.
18. Асқаров А. Мустақиллик йиларида тарих, археология ва этнология. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали. 1996 й. №6. - Б.71.; Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали. 2002 й. №4 –Б.55.
19. Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. – Москва., 1969. – 253 с.
20. Аҳмадалиев Ю., Отакулов Ф. Замонавий жой номлари ва уларга қўйиладиган талаблар. / Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 42-жилд// Топонимика ва умумгеографик масалалар. / Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент., 2013. –Б.19.
21. Ахмедов А. Нега Турон деб аталади? // Турон тарихи. -Тошкент, 1992. 1-сон. –Б.5-6.
22. Ахмедов Т. М. О древнесемантических реликтах аг // ак, гара // кара и сары в тюркских топонимах. //ОУ. -Ташкент, Ўқитувчи, 1987. - С.23-24.

23. Абдурахмонов Ғ., Ш.Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – Б.11-12.
24. Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989.- 150 б.
25. Бегалиев Н. Топонимларнинг ўзбек халқ этногенезидаги ўрни.// ЎТА. –Тошкент: Фан, 2004. 4-сон. – Б.67-71.
Бўлакработ қишлоғининг асли номи Работ бўлиб, Бухоро-Ғиждувон-Қизилтепа йўли қишлоқни иккига бўлгани учун Бўлакработ деб номланган бўлиши, эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, Аму Бухоро каналининг Шофиркон тармоғи ҳам маҳалла ҳудудидан, яъни Бўлакработ ва Талайхоб қишлоғи орқали оқиб ўтади.

**Гумбаз МФЙ** - маҳалла таркибида Рўзибиён, Гумбаз, Муллатош, Қарнаб қишлоқлари мавжуд. Маҳалла ҳудудидан Ўзбекистон автомобиль тракти, Гумбаз-Манғит йўли, Бўстон ариғи ўтади. Маҳалла ҳудудида Манғиттепа II археологик ёдгорлиги харобалари ва Бибисаидабону ҳамда Юқсунота қабристонлари бор.

**Сўфиён МФЙ** - маҳалла ҳудудида Юқсун ота, Оқтош, Гўдаконттепа қабристонлари бор. Ипак йўли, Гумбаз, Бўстон, Маданият маҳаллалари билан чегарадош. 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 3-жилди 620-саҳифасида да «Сўфи, «Сўфиёна», «Сўфий» сўзлари қуйидагича изоҳланади.

1. Сўфи – сўфийлик издоши, масжидда азон айтувчи киши, муаззин.
2. Содда, гўл, художўй одам.

Сўфиёна – сўфийларнинг фикрича, инсон нафсга эрк бермаслиги, уни ўз вақтида жиловлаб олиши зарур.



**Тавоис МФЙ** - маҳалланинг ҳудудида Хўжа Бўстон қабристони, Тавоис, Дабашийён, Косагарон қишлоқлари мавжуд. Дастлаб Тавоис ҳақида. Абу Бакр Наршахий 943-944 йилларда ёзган машҳур «Бухоро тарихи» номли асарининг «Бухоро ва унга қўшиладиган жойлар» номли тўртинчи бобида Кармана (Кармина), Нур (Нурота), Тавоис, Искажқад, Шарқ, Зандана, Вардонзе, Афшина (Афшона), Барқанд, Ромтин, (Ромитан), Варахша, Бойкант (Пайқанд), Фараб (Фароб) сингари Бухоро қишлоқлари ва шаҳарларига махсус тўхталиб ўтган. Шуниси ўринлики, бу ўринда фақат Тавоис вилоят сифатида тилга олинган. Наршахийнинг Тавоис вилояти ҳақидаги фикри бирламчи тарихий манбаа бўлганлиги учун тўлиқ келтирамиз.

«Яна Тавоис. Бу Бухоро вилоятларидан бўлиб, асл номи Арқуддир. Унда бой ва зебу зийнатни севувчи кишилар яшаганлар. Зебу зийнатга берилганлигидан ҳар бир киши зийнат учун уйида битта ёки иккита товус сақлаган. Араблар (бу ерга келишдан) илгари товусни кўрмаган эканлар, бу ерда кўп товусларни кўриб, у қишлоқни “Зот ут - тавоис” – “Товуслар эгаси” деб атаганлар, унинг асл номи эса унутилган; ундан кейинроқ “зот” сўзини ташлаб товус деб қўя қолганлар. Унда масжиди жоме бор, у катта бир шаҳристонга эга, қадимги вақтларда (ҳар) куз фаслида у жойда ўн кун бозор бўлар эди... Шу сабабли бу қишлоқнинг аҳолиси бой кишилар эдилар ва бойликлари деҳқончилик туфайли эмас эди. Тавоис Самарқандга борадиган катта йўл устида бўлиб, ундан Бухорогача етти фарсангдир»<sup>154</sup>.

**Хомработ МФЙ** - Шаҳристон, Араблар, Хомработ, Калитбон, Камсарой қишлоқларидан иборат. Ғойибон-Бўстон-Ғоридевон йўли ва Оқсоч, Хомработ, Нимча ариқлари унинг ҳудудидан ўтади. Хомработ қишлоғининг ғарбий қисмида ҳозирда бутунлай бузилган Хомработтепа археологик ёдгорлиги бўлган. Араблар қишлоғи қадимда араб миллатига мансуб одамлар яшагани учун шундай ном олган. Аммо Кўчма маъноси: саройдаги давлат бошқаруви, ҳокимият.

<sup>154</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. -Т.: Фан, 1966. 20-21-бетлар.

**Ипак йўли (Қасриашурак) МФЙ** - маҳалла 1996 йил ташкил топган бўлиб, унинг таркибига Қасриашурак ва Меҳнатобод қишлоқлари киради. 2021 йилда туман ҳокимлиги ҳузуридаги топонимик комиссия қарорига кўра Ипак йўли номи билан қайта номланди. Маҳалла ҳудудидан Янгиариқ ариғи, Бўстон-Ғоридевон, Меҳнатобод-Бўлакработ йўли ўтади. Қасриашурак қишлоғининг номининг келиб чиқиши қуйидагича ривоят қилинади. Бўстон қабристонини ғарбида Ҳазрат Али қавмига мансуб одамлар яшаган ва улар ўз одати бўйича “Ашуро” диний маросимини ўтказишган. Бу маросим ўтказиладиган бино “Қасри Ашуро” деб аталган ва қишлоқ номи Қасри Ашурак деб аташ одатга айлангани ҳақида оғзаки гаплар бор.

Яна бир ривоят бўйича шу ерда яшовчи жуссаси кичик Ашур деган одам бой-бадавлат бўлгани учун катта қаср қурган. Шу муносабат билан қишлоқ ҳам “Қасри Ашурак” деб аталган ва бу ном тарихга қолган.

Бу ривоят ҳақиқатга тўғри келади. Чунки катта қадим шаҳар сифатида фаолият кўрсатган Бўстон яқинида савдо-сотик билан шуғулланадиган, ўзининг муҳташам иншоот, жумладан, қасрларига эга бўлган одамлар яшаган бўлиши, табиий.

Меҳнатобод қишлоғи аввалги Кўлимаймун қишлоғи бўлиб, қадимда бу ерда кўл бўлиб, маймунлар бисёр экан. Шундан қишлоқ номи Кўлимаймун бўлиб қолган экан. Эндиликда бу қишлоқ Меҳнатобод деб аталади.

**Ғойибон МФЙ** - маҳалла таркибига Мароч, Навганди, Ғойибон қишлоқлари киради. Ғойибон қишлоғининг номи Ғойиб ота зиёратгоҳи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мазкур зиёратгоҳ Арабон ва Ванғози ҳудудларида ҳам бор. Мароч қишлоғининг номланишига оид қуйидаги ривоят бор. Қадимда қишлоқ юқорисида сарой бўлган экан. Узоқ йиллар бир одам от-аравада саройга ва саройдан қишлоққа юк таширкан. Йиллар ўтиб аравакаш юкни аравага юклаб юборар экан. От аравани аравакашсиз саройга олиб борар, у ердагилар юкни тушириб олишгач, от ўзи аравани яна тортиб кетаркан. Бундай доно отни Мароч деб аташган ва қишлоқ номи ҳам шундан келиб чиққан, дейишади.

Навганди қишлоғининг номи шу номдаги ариқ билан боғлиқ. Ариқ янги қазилгани учун «Нав канди», яъни янги қазилган деб аталган. Вақт ўтиши билан қишлоқ номи Навганди бўлиб қолган.

Қадимда қишлоқларнинг номи улар сув оладиган ариқ номи билан ҳам аталган. Ёки ариқларга улар сув оладиган қишлоқ номи қўйилган. Шунингдек, ариқлар уларни қазирган одамлар номи билан ҳам аталган. Масалан, Абу Муслим ариғи.

Маҳалла ҳудудида Шақшақ ота, Ғойиб ота, Дўстбек авлиё зиёратгоҳлари мавжуд.

### **ВАНҒОЗИ ҲУДУДИ**

**Башир МФЙ** - маҳалла Башир, Муғжин, Қумработ, Нонвойон қишлоқларидан таркиб топган. Маҳалла ҳудудидаги Нонвойон қишлоғи аҳли қадимдан ширмойи кулчалари билан машҳур бўлган. Нонвойон қишлоғи марказидаги даврий санаси V асрга оид Нонвойонтёпа-1 тарихий ёдгорлигидан ташқари, қишлоқнинг шимолий-шарқида Нонвойонтёпа-2 ва Нонвойонтёпа-3 тарихий ёдгорликлари мавжуд. Ўтган аср бошлари, яъни 1930 йилларгача қишлоқ юқори томонида, қишлоқни ўраб турган девордан ташқарида Ахтачилар қишлоғи ҳам бўлган. Бу қишлоқликлар чорва молларини ахта қилиш билан шуғулланишган. Айни вақда бу қишлоқдан ном-нишон қолмаган.

Маҳалла ҳудудидаги Муғжин қишлоғида шу қишлоқ кексаларининг фикри бўйича, XVI-XVII асрларда муғ қабиласи вакиллари яшашган. Улар тўда-тўда бўлиб, ўз маросимларини ўтказишган. Маҳаллий аҳоли уларни кўриб, муғ жинлари дейишган. Кейинчалик Муғжин ибораси пайдо бўлган.

Яна бошқа бир ривоятда қадимда бу қишлоқда ўта донишманд одамлар яшаб ўтганлиги, қишлоқ кунботаридан ўтувчи Зарафшон дарёси у вақтларда пишқириб оққанлиги, донишмандлар дарё тарафдан келувчи жинларни бартараф қилганлиги учун Муғжин атамаси келиб чиққани айтилади.

Маҳалла худудида Қумработ қишлоғи ҳам бор. «Работ» сўзи-мусофирхона, карвонсарой, мустаҳкамланган кўрғонларда соқчилар турадиган жой ёки бир-биридан маълум масофада жойлашган истехком, кўрғон маъносини беришини ҳисобга олсак, бу қишлоқ ҳам қадимда катта аҳамиятга эга бўлгани аниқ. Кўрғон қумдан тиклангани учун шундай номланган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Яна бир қишлоқ Башир деб аталади. Бу қишлоқда 1830-1850-йилларда Ҳазрати Башир номи авлиё яшаб, турли касалликларни даволаганликлари туфайли қишлоқ номи вақт ўтиши билан Башир бўлгани ҳақида маълумотлар бор.

Шу қишлоқнинг шарқида Қаламфуркоро деган қишлоқ ҳам мавжуд бўлган. Қишлоқ одамлари аччиқ сабзавот экинлари: пиёз, қалампир, саримсоқпиёз етиштириш билан шуғулланганлари учун қишлоқ шу номни олган дейишади. Ҳозир бу қишлоқ номи ёзма манбаларда ишлатилмайди.

Маҳалла худудидаги Муғжин қишлоғида «Бибикабўтпўш» қабристонини бўлиб, кўк куйлак кийган буви маъносини англатади. 1800-1840-йилларда доимо кўк куйлак кийиб юривчи буви вафотидан кейин дафн этилган жой қабристонга айлантирилиб, «Бибикабўтпўш» номи берилган. *(Консурун маҳалласида ҳам шундай номланган қабристон бор).*

**Ванғози МФЙ** – маҳалла таркибига Ванғози, Бозоржой, Кўрғон ва Лўблехўр қишлоқлари киради. Аввало, Ванғози атамасининг пайдо бўлиши ҳақида тўхталсак, бу тўғрида ҳудуд аҳолиси ўртасида бир қанча ривоятлар тарқалган. Биринчи ривоятга кўра, қадимда Ванғози ўрнидаги қишлоққа душман бостириб келибди. Шунда қишлоқнинг барча мард ўғлонлари қатори тўрт ака-ука ҳам душманга қарши жангга отланибди. Жанг қишлоқ аҳли ғалабаси билан тугабди. Жангда қатнашган тўрт ака-укадан уч нафари ҳалок бўлиб, бир нафари соғ-омон уйига қайтибди. Ислом қоидалари бўйича урушда ғолиб бўлиб келган «ғозий», урушда ҳалок бўлган «шаҳид» дейилади. Шунга асосан жангдан соғ-омон қайтган йигитни қишлоқ

одамлари «**вай ғози**» – «**у ғози**» деб кутиб олишибди. Шундан сўнг қишлоқ номи аста-секин Ванғози бўлиб қолган экан.

Иккинчи бир ривоятда урушда «ғози» бўлган йигитнинг оти «Вай» бўлиб, одамлар уни шарафлаб «Вай ғози» дейишибди ва қишлоқ номи Ванғози шундан келиб чиққан эканлиги ҳақида ривоят ва афсоналар мавжуд.

Ривоят ривоятлигича, аммо тарихий манбалар бу ўринда бошқача маълумот беради. «Қизилтепа қадимиятидан лавҳалар» китобининг 66-саҳифасида ёзилишича, қишлоқ номи қадимий асосга эга бўлиб, «Ванғози» атамаси сўғд тилидаги «бағн»дан олинган бўлиб, «ибодатхона», «зи» эса форс тилида «жой», «ўрин» маъносини билдиради. Демак, Ванғози «ибодатхона ўрни», «ибодат қилинадиган жой». Исломгача бу ерда оташқаъда бўлиб, ўтмиш оташпараст аждодларимиз олов ёқиладиган манқалхона атрофида йиғилиб ибодат қилишган ва жамоага тегишли тартиб-қоидаларнинг ижроси шу ерда назорат қилинган.

Бозоржой қадимий қишлоқ ўрни бўлиб, бу ерда икки томонда ҳар бирида 16 тадан, жами 32 та усти гумбазли дўконлар бўлган. Сарбозор номи билан аталган Ванғози бозори 1924 йилгача фаолият кўрсатган.

Ванғози “Буюк ипак йўли” (аҳоли ўртасида “Катта йўл” ёки “Чуқур йўл” деб ҳам аталган)нинг Бухоро-Зармитан-Ванғози-Бўстон йўналишида жойлашгани учун бу бозорга Бухоро, Самарқанд, Чоч, Фарғона томонлардан ҳам савдогарлар келиб, маҳсулотларини сотганлар, маҳаллий аҳолининг харидоргир буюм, кийим-кечакларини харид қилганлар.

Қадимий Кўрғон қишлоғи Жанавардор ариғининг кунчиқарида Тошмасжиднинг шарқий-жанубида. Бу қишлоқда қадимда пишиқ ғиштдан гумбазли, атрофи устунли айвонли, шарқ меъморчилик анъаналари асосида қурилган масжид харобаси сақланиб қолган. Унинг кунчиқар томонидаги ҳовузга Жанавардор ариғидан сув келган. Ҳовуз сувидан одамлар ичимлик сув сифатида фойдаланишган.

Ҳозирги 12-умумий ўрта таълим мактаби ўрни ва унинг қуйисида қадимда Работ қишлоғи бўлган. Работ – кўналға, савдо йўлларида

мустаҳкамланган манзил, карвонсарой ёки соқчилар турадиган истехком ёки кўрғон маъносини беришидан ва қишлоқнинг Ванғози бозори билан ёнма-ён бўлишидан ҳам маълумки, бозорга келувчи савдогарлар бу қишлоқда бир неча кун қолиб, тижорат ишлари билан шуғулланишган. От-уловларини боқиш учун ҳам шароит бўлган.

Ванғози шаҳарчаси ҳудудидаги Чилдухтарон археологик ёдгорлиги илк ўрта асрларга тегишли бўлиб, ўтган асрда қабристонга айлантирилган эди. Унинг Чилдухтарон дейилишига сабаб халқ орасидаги гаплар бўйича бу ёруғ олам ноҳақликларидан норози бўлган қирқ қиз бир кечанинг ўзида қалъанинг ичига кириб қойиб бўлган экан.

Шаҳарчадаги яна бир зиёратгоҳ бу – Азизон тут бўлиб, у «Азизон» савдо маркази шимолида. Баданига сўгал чиққан одамлар унинг тупроғини лой қилиб, ўша жойга суртса тузалиб кетади, деган гаплар бор.

Ванғози ҳудудидан Қизилтепа-Когон автомагистрал йўли, Ванғози-Муғжин-Азизобод йўли; Қирғизон ва Ўба ариқлари ўтади.

**Маданият МФЙ** - маҳалла ҳозирги вақтда Маҳалла, Ишлонкўп ва Навбоғ қишлоқларидан иборат бўлиб, 2007 йилда ташкил топган. 1880 йилгача маҳалла ҳудудида Пўлат, Узборча ва Найманча қишлоқлари ҳам бўлган. Ўша вақтдаги қишлоқларни йириклаштириш сиёсати натижасида бу қишлоқлар номи амалдаги рўйхатлардан чиқарилган.

Маҳалла ҳудудида Хожа Муҳаммад Порсо рамзий зиёратгоҳи, Чилдухтарон зиёратгоҳи бор. Маҳалла қишлоғи таркибидаги қадимги Пўлат қишлоғи марказида Пўлатой зиёратгоҳи мавжуд.

Маълумки, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Ревартун қишлоғида маълум муддат яшаганлар. Оғзаки маълумотлар бўйича қизлари ҳозирги Пўлат қишлоғида яшаб вафот этганлар. Қишлоқ марказидаги қабр у кишига тегишли деган ривоят бор. У вақтда улуғ инсонларни ўзи яшаган уйида дафн этиш одати ҳам бўлган экан. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қизлари исми Пўлатой бўлганидан қишлоқ номи кейинчалик Пўлат бўлиб қолган.

Таъкидлаш жоизки маҳалла худудидаги барча қишлоқлар жуда қадим тарихга эга. Масалан, Найманча ва Қирғиз номлари шу номдаги уруғлар номи билан, Пўлат номи юқорида таъкидланганидек, Пўлатой номи билан боғлиқ. Ишлонкўп қишлоғининг номланишини ўқитувчи Аҳтам Ражабов ўзининг “Ванғози” рисоласида қўйидагича изоҳлайди.

Маълумотларга кўра, араб босқинчилари юртимизда маҳаллий аҳолининг қаршилигини бартараф этиш учун турли усулларни қўллашган. Маҳаллий бойлар қизларини ўз аскарларига унаштиришган, масжидга намоз ўқишга борганларга пул беришган. Ҳар бир хонадонга қоровул аскар қўйишган ва бу аскарларни овқатлантиришни маҳаллий одамлар зиммасига юклашган. Одамлар қоровуллик қилувчи ва солиқ йиғувчи араб аскарларига мунтазам овқат тайёрлаб бериш учун мажбур қилинган. Бу овқат “ошлан” бизнингча, “оши худойи” дейилган. Албатта, бу овқатдан шу қишлоқ аҳли ҳам фойдаланган. Жамоат қозонида тайёрланган овқатдан олиш учун борган бир одам “ошдан борми?” деганда, ошпаз “ошландан кўп” деган экан. У йўл-йўлакай “ошланкўп” деб айтиб борган ва бу сўз аста-секин Ишлонкўп иборасини олиб қишлоқ номига айланган.

Маҳалла худудидан Узбор, Қирғиз ва Жўйнов ариқлари; Қизилтепа-Когон, Ванғози-Пахтаобод, Ванғоз-Ишлонкўп йўллари ўтади. Айрим археолог олимлар томонидан Тавоис (Арқурд) ҳозирги маҳалла худудидаги Навбоғ қишлоғи ўрнида бўлган деган фикрлар ҳам бор.

**Оқмачит МФЙ** - Оқмачит МФЙ таркиби Оқмачит, Дехқонобод, Яккатут, Ҳошимо, Майизгарон қишлоқларидан иборат. Оқмачит сўзининг маъноси ўз-ўзидан аниқ. Қадимда қишлоқнинг баобрў кишилари томонидан оқ рангли, шарқона услубда масжид қурилган. Ана шу масжид туфайли қишлоқ номи Оқмачит дейилган. Буюк ипак йўлининг Бухоро-Зармитан-Ванғози йўналиши, айнан, Оқмачит қишлоғидан ўтган.

Яккатут қишлоғининг номи эса ҳозирги Когон-Қизилтепа йўли ёқасидаги қадимги Яккатут туфайли пайдо бўлган.

Майизгарон қишлоғининг номи бу қишлоқда яшаган одамларнинг касб-коридан пайдо бўлган. Улар боғдорчиликда, айниқса, бозоргир узум навларини етиштириш ва узумдан шифобахш майизлар тайёрлашда жуда ҳам катта тажрибага эга бўлишган.

Дехқонобод қишлоғи нисбатан янги қишлоқ. У ўтган аср саксонинчи йилларида ташкилотчи раҳбар Шоди Набиев ташаббуси билан махсус лойиҳа асосида қурилган.

Маҳалла ҳудудида қадимги, лекин ҳозирги рўйхатларга киритилмаган Калобақашоқо, Мўзадўзон, Арабо қишлоқлари ҳам бор. Калобақашоқо қишлоғи тожикча «Калоба» «Калава», «каш» – «торт» сўзларидан олинган бўлиб, калава йиғириш маъносини билдиради. Мўзадўзон қишлоғи аҳли терини ошлаб чарм тайёрлашган.

Маҳалла ҳудудидаги ҳозирги рўйхатларда бўлмаган Арабо – Араблар қишлоғида араблар яшашган ва улар азалдан чорвачилик билан шуғулланишган.

**Пахтаобод МФЙ** - маҳалланинг ҳозирги ҳудуди Пахтаобод ва Талиумар қишлоқларидан иборат. Қишлоқнинг Пахтаобод деб номланиши нисбатан янги, яъни шўролар даврига оид. Бу қишлоқнинг қадимги номи Кесакхўр бўлган. Бу номнинг келиб чиқишига доир ривоят бор. Унда айтилишича, қадим замонларда қурғоқчилик йиллари кўп бўлганидан озиқ-овқат, айниқса, дон жуда тақчил бўлар, қаҳатчилик ҳукм суларди. Бу азоблардан қийналган қишлоқ аҳли охири бир фикрга келибди. Бугдой ўрими вақтида маълум миқдордагисини лойга булаб, уйларнинг деворларига суваб қўйишибди. Қаҳатчилик келган йиллар лой билан сувоқланган деворлардан донни ажратиб, ювиб, тозалаб, егуликлар тайёрлаган ҳолда жон сақлайдиган бўлишибди. Шундан қишлоқ номи Кесакхўр деб аталган.

Қишлоқ номининг бундай юритилишидан ғарб томонидаги даврийлиги санаси VI-VII аср бўлган Кесакхўр-1, даврий санаси номаълум ва эндиликда қабристонга айлантирилган Кесакхўр-2, даврийлик санаси аниқланмаган,



айни пайтда қабристонга айлантирилган Кесакхўр-3 археологик ёдгорликлари ҳам дарак беради.

Маҳалла ҳудудидаги Талиумар қишлоғи Кесакхўр қишлоғидан кейинги қишлоқ. Менимча, Талиумар қўшма сўз бўлиб, “Тал” ва “Умар” сўзлари бирикмасидан ясалган. “Тал” тепа маъносини билдирса, бу Умар бунёд этган тепалик бўлгани, унинг ўз аҳлини ниҳоятда ҳимоя қилгани ҳақида ривоят бор.

Маҳалла ҳудудига айна вақтдаги рўйхатларга кирмаган қадимги Узбор, Кесакхўр, Шанба обхўр, Талолак қишлоқлари ҳам киради. Талолактепа қадимги Талолак қишлоғи ҳудудида бўлган. Бу қишлоқда тўқилган ип-газлама матоларга ҳозирги Тошмасжид маҳалласи ҳудудидаги бузилган ҳаммомга яқин жойда Читгарон қишлоғида гул босилиб, бўёқланган.

**Тошмасжид МФЙ** - бу маҳалла Тошмасжид, Зарафшон, Нимшоҳжўй қишлоқлари ва қадимги Бозоржой қишлоғининг бир қисмидан иборат.

Тошмасжид зиёратгоҳи - Тошмасжид ва минорадан иборат. 1940 йилда Тошмасжид қуйи томонидаги икки қаватли мадраса ва ҳаммом бинолари бузиб ташланган. Тошмасжид ва минора 1583-1586 йилларда машҳур дин пешвоси Хожа Саъд Жўйборий томонидан ўшангача мавжуд бўлган икки синжли (дусинжа) чўпқори масжид ўрнида қурдирилган.

**Тоҷикон МФЙ** - маҳалла фуқаролар йиғини Тоҷикон ва Совунгарон қишлоқлари ва амалдаги рўйхатларда бўлмаган қадимги Кайдон ва Тоқчоҳо қишлоқларидан иборат. Тоҷикон қишлоғининг номланиши бу ердаги аҳолининг сўзлашув тилидан келиб чиққан.

Маҳалла таркибига кирувчи Совунгарон қишлоғининг номланиши унда қадимда яшаган аҳолининг касб-коридан келиб чиққанлиги ўз-ўзидан изоҳсиз маълум.

**Ҳафтқориён МФЙ** - маҳалла Юқори Қарсеомон (Қасриомон), Қуйи Қарсеомон, Работигарди, Арабон қишлоқларидан таркиб топган. Ҳафтқориён қишлоғининг номи «ҳафт» – етти, «қори» – Қуръони карим китобини ёддан билувчи киши ибораларидан ҳосил бўлган. Ривоятда айтилишича, қадимда

шу кишлоқ ўрнида Куръони Каримни ёддан билувчи етти киши яшар экан. Уларнинг ҳаммаси бир кечада йўқолиб, кишлоқда етти та қабр пайдо бўлибди.

Маҳалла таркибидаги Қарсиямон (Қасриомон) кишлоғи номланиши ҳақида икки хил ривоят бор. Биринчиси шундан иборатки, қадимда бу жойда яманлик бир одам яшаб, бой-бадавлат бўлганлиги учун қаср қурдирган экан. Одамлар уни Қасри яман деб аташибди. Аста-секин Қарсиямон иборасига айланиб кетган.

Иккинчи ривоят эса одамлари қариса феъли ёмонлашгани учун “Қариси ёмон” сўздан Қарсиёмон ибораси пайдо бўлганини билдиради. Бу ўринда биринчи ривоят асослига ўхшайди.

Арабон кишлоғи эса ўз-ўзидан маълумки, бу кишлоқда араблар яшаганини билдиради.

## ЗАРМИТАН ҲУДУДИ

**Азизобод МФЙ** - Азизобод маҳалласи таркибига Беришим (Брешум), Роҳобод, Хонзурун, Хонобод кишлоқлари киради. Азизобод кишлоғи Азиз исмли тадбиркор томонидан бунёд этилгани учун шу ном билан аталади. Кишлоқ қадимда Буюк ипак йўлида жойлашгани туфайли аҳоли деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб, бой яшаган.

Маҳалла таркибидаги Хонзурун, ҳозирда Хонобод деб аталадиган бу кишлоқ аслида Юқори ва Қуйи Хонзурун кишлоқларидан иборат бўлган.

5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 4-жилди 410 саҳифасида “Хон” сўзига қуйидагича тасниф берилган. “Хон туркий ва мўғул халқлари ҳукмдорлари унвони. Масалан “Хоразм хони”, “Қўқон хони”.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 9-жилди, 458-саҳифасида “Хон сўзига қуйидагича тасниф берилган. “Хон – туркий ва мўғул халқлари ҳукмдорлари унвони. Дастлаб қабила сардори, кейинчалик олий ҳукмдорни англатади”.

Шу қишлоқдан унча узок бўлмаган масофада Пуштикалонтепа ва Хўжамозортепа археологик ёдгорликлари харобалари сақланиб қолган. Аслида бу ёдгорликлар, яъни қўрғон ва қалъалар қадимда қабила бошлиғи бўлган фаодал бойларга тегишли бўлиб, уларни турли офатлар, қуллар ва камбағаллардан ҳимоя қилиш учун қурилган. Юқоридагилардан хулосага келиш мумкинки, “Хонзурун” сўзи “Хондурун” – “хон -хон”, “дурун - ичкари” сўзларидан ҳосил бўлган бўлиб, кейинчалик “Хонзурун” шаклида ифода этилган.

**Арабхона МФЙ** –аввало, Арабхона топоними ҳақида тўхталиб ўтсак.

Бу ҳақда 12 жилдлик Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг 1-жилди 388-389 саҳифаларда шундай маълумотлар берилган.

Ўрта Осиё араблари – Ўрта Осиё давлатларида яшовчи, ўзларини араб деб юритувчи этник гуруҳ. Аجدодлари 7-14 асрлар давомида келиб ўрнашиб қолган. Ўзбек, тожик ва туркман миллатининг таркибига кирган. Уларнинг асосий қисми Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида, шунингдек, Фарғона водийси шимолий-шарқий қисмида яшайди. Туманда ҳам, деярли барча ҳудудларида Арабхона, Арабо, Араблар ҳолатидаги қишлоқлар номи сақланиб қолган бўлса-да, бу қишлоқларда араб миллатига мансуб, шу тилда гапирадиган аҳоли қолмаган. Улар йиллар давомида ўзбек халқи таркибига сингиб кетган. Қишлоқларнинг номигина қолган.

**Варозун МФЙ** - маҳалла Варозун, Ҳожибиби, Вахимкор, Зармитанча, Беклар ва Янги ер қишлоқларидан ташкил топган. Варозун, Вахимкор қишлоқлари анча қадим. Маҳалла ҳудудида V-VIII асрлар билан даврланадиган айни вақтда қабристонга айлантирилган Варозунтепа археологик ёдгорлиги сақланиб қолган. Беклар, Хожа Ёдгори Валий зиёратгоҳлари халқ эъзозиди.

**Зармитан МФЙ** - Зармитан туманнинг қадимий маданий марказларидан. Қишлоқ номи ҳақида турли ривоятлар бор.

Зар – олтин, тилла, олтин билан тенг. (5 жилдли «Ўзбек тилиниг изоҳли луғати» 2 жилд 132-саҳифа).

Митанбой – ўзбекларнинг ўзбек уруғига мансуб ўғил бола.

Митаной – ўзбекларнинг ўзбек уруғига мансуб қиз бола.

(Э. А. Бегматов. «Ўзбек исмлари» 14600 исмлар изоҳи 247-саҳифа).

Хулоса чиқариш мумкинки, бу қишлоқ аҳли ўзбекларнинг митан уруғидан бўлиб, Зарафшон дарёси этагида яшаганидан қишлоқ шундай ном олган. Иккинчи томондан митан уруғига мансуб ўзбеклар бой-бадавлат яшаганидан «зар»га, «олтин, тилла»га бой бўлганидан қишлоқ шундай ном олган.

Шунингдек, Метан/Митан – Зарафшон водийсида топонимлар таркибида учрайдиган ва “қишлоқ” маъносини англатувчи атама. Митан атамасининг асл маъноси манбаларда турлича. Бир ўринда “қишлоқ” дейилса, иккинчи бир манбада “турар жой”, “ватан”, учинчи бир асарда эса “қалъа”, “истеҳком” деб изоҳланган.

Ривоятлардан айримлари Буюк бобомиз Хожа Баҳоуддин Нақшбанд билан боғлиқ. Маълумки, бу улуғ зот Зармитан яқинидаги Руҳобод қабристонидан авлиёлик мақомига етишишга муяссар бўлганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд бобомиз маълум вақт ҳозирги Арабхона маҳалласи худудидаги Гулҳовузда яшаганлар.

Биринчи ривоят шундан иборатки, Хожа Баҳоуддин ҳозирги Зармитан қишлоғидан ўтаётиб, чанқаб қоладилар ва хонадонларнинг биридан бир коса сув сўрайдилар. Хонадон соҳибаси бир коса қатик чиқариб, илтифот билан тутди. Хожа Баҳоуддин қатикни ичиб «Топганинг зар бўлсин!» дея дуо қиладилар.

Иккинчи ривоятда Гулҳовузда Хожа Баҳоуддин бузоқ сақлар эканлар. Бузоқ ҳозирги Зармитан томонга кетса, қорни тўйиб, эсон-омон қайтар экан. Хожа Баҳоуддин бу қишлоқ аҳлини «Топгани зарга айлансин!» дея дуо қилар эканлар.

**Работ МФЙ** - Работ ҳақида. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 3-жилди 332-саҳифасида «Работ» сўзига шундай таъриф берилган:

1. Мусофирхона, карвонсарой, 2. Мустаҳкамланган кўрғонларда соқчилар турадиган жой ёки бир-биридан маълум масофада жойлашган истехком, кўрғон. 3. Савдо йўллари мустаҳкамланган манзил, карвонсарой. 4. Шаҳардан чеккароқдаги тураржой.

Ҳозирги Работ маҳалласидан унча узок бўлмаган масофада Кўрғонтепа, Пуштикалонтепа ҳамда Саъдваққостепа археологик ёдгорликлари мавжудлиги, маҳалланинг аввалги Юқори Работ (ҳозирги Манзилобод) ва Қуйи Работ (ҳозирги Боғишамол) қишлоқларидан ташкил топганлигини, Юқори Работ ва Қуйи Работ қишлоқлари Бухоро-Демас-Ванғози савдо йўли ёқасида жойлашганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, савдо-сотик билан шуғулланувчилар учун барча зарур шароитлар яратилганлиги аниқ бўлади. Шу билан бирга, албатта ҳозирги Азизобод бозорига яқин жойда бозор ҳам бўлган. Бу қишлоқ одамлари ҳам Зармитан қишлоғи аҳлидек уста чорвадор бўлиб, бу соҳадан катта даромад олишган.

**Шейхон МФЙ** - маҳалла ҳозирги вақтда Шейхон, Қуйи Ревартун, Обихаёт, Халқобод, Бунёдкор, Эмакти ва Бекобод қишлоқларидан иборат. Рўйхатдаги Халқобод – аввалги Харатон қишлоғи; Бекобод – аввалги Нўбало қишлоғи, Бунёдкор – аввалги Синжаметон қишлоғи ҳисобланади.

Шейхон асли Шайхон, яъни шайхлар қишлоғи. Маҳалладаги зиёратгоҳларнинг кўплиги ҳам шундан далолат беради. «Хожа Муҳаммад Восеъ», «Ҳазрати Имло», «Занжи бобо», «Хожа Аламбардор», «Хожа Такбанок» ана шундай табаррук жойлардан. Бу қишлоқда кўп асрлик тут дарахти бор. У Хожа Баҳоуддиннинг ҳассасидан кўкарган экан.

Қуйи Ревартун қишлоғи Шейхон маҳалласи ҳудудида, Юқори Ревартун қишлоғи Арабхона маҳалласи ҳудудида.

Тарихчилар ас-Самоний ва Ёкут ал-Ҳамавий асарларида «Руида» (ёки «Ревда») қишлоғи эслатиб ўтилгани учун археолог олимлар ушбу ном «Ревартун»га жуда ўхшашлигини изоҳлашади. Ревартун эса Хожа Баҳоуддин авлиёлик мақомига эришган қутлуғ макон. Маҳалла ҳудудида даврий санаси номаълум Ревартунтепа -1 ва Ревартунтепа-2 ҳамда қадимда шаҳар сифатида

фаолият кўрсатган Эмактитепа археологик ёдгорликлари харобалари сақланиб қолган.

Синжаметон қишлоғидаги Синжаметон археологик ёдгорлиги V-VIII асрлар билан даврланади. Бу ёдгорлик қадимда шахристон сифатида фаолият кўрсатган бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар бор. Сўғд тилидаги «митан» («мисан») атамаси «уй, қўналға, манзилгоҳ» маъносини билдиришини ҳисобга олсак, «синчли уй» ёки «синчли манзилгоҳ», «синчли қўналға» маъноси келиб чиқади. Ана шуни ва тарихий атамаларни сақлаб қолишни ҳисобга олсак, қишлоқнинг қадимги номи Синжаметонни Бунёдкорга алмаштиришнинг ҳожати йўқ эди. Қишлоқнинг Бунёдкор деб аталиши ҳам замон руҳига мос, албатта.

### **ОҚ ОЛТИН ҲУДУДИ**

**Айрончи МФЙ** - маҳалла Айрончи, Ажванди ва Ўрикзор (Разъезд) қишлоқларидан иборат. Маҳаллага Оқсоч ариғидан сув боради. Қизилтепа-Ўртачўл-Когон йўлидан фақат шу қишлоққа йўл борган.

Айрончи номи ўзбекларнинг айрончи уруғи номи билан боғлиқ. Ажванди қишлоғи ёнида Хожа Ажванди Наби Машварат қабристони бор. Қабристон тепасида пахсадан қилинган хонақоҳ (мавзолей) ичида узунлиги 7 метр, эни 2,6 метр, баландлиги 1,5 метрли маҳобатли сағана бор

Айрончи маҳалласи ҳудудида Хожа Ажвандитепа, Лавандоқтепа ва қадимги мазоркўрғонлар харобалари сақланиб қолган. Хожа Ажвандитепа археологик ёдгорлиги туман марказидан, тахминан, 7 км. жанубий- ғарбда бўлиб, у ўтмишда шаҳар сифатида фаолият кўрсатган. Даврийлиги V аср бўлиб, Канпирак девор тизимида кирганлиги Ўзбекистон-АҚШ (2017 йил) кўшма экспедицияси тадқиқотлари натижасида ҳам ўз исботини топган.

**Милтиқчи МФЙ** - Милтиқчи ва Манғит қишлоқларидан иборат. Қадимда маҳалла ҳудудида милтиқ яшаш билан шуғулланувчи аҳоли истиқомат қилгани ҳақида маълумотлар бор. Маҳалла ҳудудидаги манғит қишлоғида ўзбекларнинг манғит уруғи вакиллари яшаган.

Маҳалла ҳудудида Манғиттепа ёдгорлиги бўлиб у илк ўрта асрлар (V - VIII) билан даврланади.

**Оқсоч МФЙ** - маҳалла таркибида ҳозирги вақтда Урганжи, Работ, Нурубод (Дашт) қишлоқлари киради. Маҳалла ҳудудидан Оқсоч ариғи ва унинг ўнг қирғоғи бўйлаб Айрончи қишлоғи томон йўл ўтади.

Оқсоч маҳалласи ҳудудида Оқсочтепа археологик ёдгорлиги, Нурубод ва Оқсочбиби зиёратгоҳлари бор. Маҳалла ҳудудида қадимда Оқсоч, Сарипул, Зироат (Зингари) қишлоқлари ҳам бўлган.

### **ХОЖА ҲАСАН ҲУДУДИ**

**Бободўғи МФЙ** - «Туянг йўқолган бўлса, Бободўғидан топасан», деган ривоят бор. Бунинг боиси Тошработнинг шимолий шарқида – бепоён чўл билан туташ жойда қадимда обод қишлоқ бўлган. Бу қишлоқ «Буюк ипак йўли»нинг Бухоро-Ғишти-Тошработ-Ҳазора йўналишида Тошработнинг охирида бўлиб, у ердаги туя бозори билан машҳур бўлган. Савдогарлар қишлоқдаги туя бозорида савдо қилиб, карвонларини хонадонларда саклаб, дам олиб, яна йўлга чиқишган. Ривоятлардан бирида айтилишича, шу қишлоқлик бир чол туя сутидан дўғ – қатиқ тайёрлаб кўяркан. Савдогарлар қишлоқдан ўтаётиб, бободан дўғ сўрашибди. Бобо бир коса қатиқ чиқариб «марҳамат, ичинглар», дебди. Улар «бир коса дўғ нима бўлади?» дейишибди. Бобо «етмаса яна келтираман», деган. Аммо карвондагилар косадаги қатиқни қанча ичсалар ҳам тугамабди. Шунда уларнинг сардори «Бобонинг дўғи тугамас экан, зўр!» деб ҳайратланибди. Шундан сўнг қишлоқ номи Бободўғи бўлиб қолибди.

Яна бир ривоятда айтилишича, шу қишлоқлик бир бобо яйловдаги кийикларни қишин-ёзин парваришлаб, меҳрибонлик кўрсатганидан улар бобога ўрганиб қолишади. Бобо урғочи кийикларни соғиб, сутидан дўғ, яъни қатиқ тайёрлаб қишлоқдан ўтувчи карвончиларни меҳмон қиларкан. Улар ҳар гал узоқ-узоқлардан шу кийик дўғи учун келиб, бобога меҳмон бўлиб,

уни олқаб «Бобонинг дўғи»га келдик, дейишаркан. Шундан қишлоқ номи Бободўғига айланган дейишади.

**Маликобод МФЙ** - маҳалла Маликобод ва Янгиобод (олдинги Гулбоғ) қишлоқларидан иборат. Ҳозирги шаҳар тусидаги маҳалла ҳудуди бундан 60 йил олдин яйдоқ чўл ҳудудидан иборат бўлган. Аму Бухоро машина канали ва унинг Шофиркон тармоғининг ўтиши бу заминга ҳаёт бағишлади. Қизилтепа- Тошрабат йўли маҳалла ҳудудидан ўтади. Бу йўл маҳалла ҳудудидан ўтувчи яна бир йўл орқали Ўзбекистон халқаро йўли билан боғланади.

**Оқрабат МФЙ** - қадимда рабоблар савдо йўлларида мустаҳкамланган манзил, карвонсарой ёки соқчилар турадиган истехком, қўрғон мақсадида бунёд этилган.

Бу қишлоқ Буюк ипак йўлининг Бухоро-Ғишти-Тошрабат-Ҳазора йўналишида жойлашгани учун савдогарлар шу ердан ўтишган. Шунинг учун маҳаллий аҳоли бу ерда рабоб қурган. У оқ рангда бўлгани учун қишлоқ Оқрабат номини олган, деган ривоят бор. Оқрабат маҳалласига Оқрабат қишлоғидан ташқари Кармулла ва Қипчоқ қишлоқлари ҳам киради. Кармулла қишлоғининг номи ҳақида бир қанча ривоятлар бор. Унга кўра, қадимда Хизр бобо шу қишлоқдан ўтиб кетаётиб бир муллага дуч келибди. Бу мулла қар бўлгани учун Хизр бобонинг гапларини эшитмас экан. Шунда Хизр бобо бу жойни Кармулла деб атабди. Шу аснода қишлоқ номи Кармулла бўлиб қолибди.

Қадимда бу қишлоқ Бухоро шаҳридан бир авлиё-донишмандга вақф қилиб берилган. У бу ерда қўрғон қуриб оила аъзолари билан шу ерда яшаган экан. Ер эгаси вояга етган ўғлини уйлантирмоқчи бўлиб, яйловдаги қипчоқлардан бирининг қизига совчи қўйибди. Улар яшаш учун ер ажратса, куда бўлишга розилик беришини айтиб шарт қўйибди. Ҳар иккала томон розилиги билан тўй бошланиб, қипчоқлар Тошрабат томон келаётганда, улардан “Қаёққа бораяпсизлар?” деб сўрашганида “Карамулла”га эмас “Кармулла”га дейишибди”. Шу-шу қишлоқ номи Кармулла бўлиб қолган.



Қипчоқ қишлоғининг номи Қипчоқ уруғи билан боғлиқ бўлиб, бу ерда асосан қипчоқлар яшашган. Бу қишлоқ шимолдан Қизилқум чўллари, ғарбдан Қалъаи Азизон қишлоғи, шарқдан Оқрабат қишлоғи билан чегарадош.

**Сарой МФЙ** - маҳалла Сарой қишлоғида жойлашган, таркиби Сарой, Андоқ ва Кенагас қишлоқларидан иборат. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да Сарой ибораси шундай талқин қилинган.

1. Уй, бошпана, қаср, қарвонсарой, ёпиқ бозор. Хон, амир, подшоҳларнинг доимий қароргоҳи бўлиб хизмат қилган ҳашаматли катта бино, қошона.

2. Кўчма маъноси саройдаги давлат бошқаруви, ҳокимият, салтанат.

3. Кўчма маъноси саройга алоқадор, саройда яшовчи хизмат қилувчи.

Бундан ташқари туркий қавмларнинг сарой уруғи бўлиб, шу уруғ вакиллари мана шу ҳудудга келиб ўрнашганлар, уруғ номи қишлоқ номи сифатида ишлатилган.

Қадимда бу қишлоқ ҳудудидан Буюк ипак йўлининг Бухоро-Ғиждувон-Тошрабат-Ҳазора йўналиши ўтган.

**Узилишкент МФЙ** - маҳалла Зарафшон дарёси соҳилида бўлиб, унинг чап соҳилида Ганчтепа археологик ёдгорлиги мавжуд. Ганчтепа Қизилтепа тумани марказидан 16,5 километр шимолий шарқда, Зарафшон чап қирғоғидаги қир устида. Ганчтепадан топилган тасодифий археологик манбалар милодий эранинг V-VIII асрлари билан даврланиши аниқланган. Ҳозирги Узилишкент маҳалласи ўрнида Узилишкент қишлоғидан ташқари Тўпи Арбоб, Араблар, Лабиҳовуз, Қуйи кўча, Юқори кўча, Паст кўча, Совунгарон, Хушангор, Сарипул, Зиёрат, Сабзифурушон, Мурдашўён, Тўпи Сўфиён, Косиблар қишлоқлари бўлган.

**Сарипул** – Узилишкент ариғи устида қурилган кўприк атрофидаги қишлоқ. Бу қишлоқ жанубдан Совунгарон, шимолдан Сайилтепа қишлоқлари билан чегарадош. Сарипул бу «Сар» бош, «пул» – кўприк сўзларидан олинган. Қадимда қишлоқ одамлари бозоржойга бориш учун Узилишкент ариғи устида

кўприк куришган. Кўприк юқори томонидаги қишлоқ Сарипул дея аталган. Айтишларича, бу кўприк ҳозирги Тошработ газ идораси ўрнида бўлган.

**Совунгарон** – Совунгарон қишлоғи Сарипул ва Хушангор қишлоқлари билан чегарадош. Қишлоқ аҳли совун тайёрлаш билан шуғуллангани учун қишлоқ шундай ном олган. Қишлоқда Кабўтпўшон қабристонини бўлган.

**Сабзифурушон** – қишлоғи аҳли обчакор, яъни сабзи ва бошқа сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, сотишда моҳир бўлганлиги учун уларга шундай ном берилган.

**Косиблар** - қишлоғи аҳли пахта ва пилла толасидан ипак тайёрлаб, турли нафис матолар тўқишгани учун қишлоқ шундай ном олган.

**Мурдашўй** - қишлоғи аҳли, асосан, майитни ювиб, дафн этишга тайёрлаш касби билан шуғулланган

**Зиёрат** - қишлоғи ҳозирги 29-умумий ўрта таълим мактаби ўрнида бўлган. Бу ерда Бобоҳўжа қабристонини бўлиб, унга узоқ-узоқлардан зиёратга келувчилар кўп бўлган ва бора-бора қишлоқ Зиёрат номини олганлиги ҳақида ривоятлар бор.

**Хўжақўрғон шаҳарчаси** - Бу қишлоқ Тошработнинг Жанубий шарқида ипак йўли ёқасида жойлашган. Қишлоқнинг жанубида катта тепалик бўлиб, унинг атрофи девор билан ўраб олинган. Қўрғон устида уйлар, омборхоналар, тут дарахти ва унинг ёнида қудуқлар бўлган. Тепалик устидаги қўрғон хўжаларга тегишли бўлгани учун тепалик ва қишлоқ Хўжақўрғон номини олган.

**Қалъаи Азизон МФЙ** – Қалъаи Азизон ва Тошработ қишлоқларидан иборат.

Қалъаи Азизон – бу азизлар қалъаси дегани. Ривоят қилинишича, урганчилик имом Хожа Муҳаммад Ҳафиз оила аъзолари – хотини – Олтинбиби, укаси – Содикхўжа, синглиси – Чиллабиби (тахаллуси) билан ўзларига пир ахтариб, Самарқандга келишади. Хожа Аҳрор Валига дуч келиб, илми иршодни қўлга киритишади. Хожа Аҳрор уларга оқ фотиҳа

бериб, ҳар бирлари бир туяга ўтириб, ғарбга боришини, туяларни ўз ихтиёрига қўйиб, қаерга чўкса, ўша жойни Ватан қилиб яшашини маслаҳат беради. Улар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир манзилга етишгач, Олтинбибани тўлғоқ тутди. Чодир қурилиб, унда чақалоқ туғилади. Чақалоқни ювиш учун шўр сув керак бўлади. Хожа Муҳаммад Ҳафиз худога ёлвориб, ҳассасини ерга уради, худонинг амри билан шўр сув чиқади. Чақалоқни ювинтирадилар. Энди ичиш учун ширин сув керак бўлади. Хожа Муҳаммад Ҳафиз яна худога ёлвориб, ҳассасини ерга уради, ширин сув чиқади. Икки жойда икки қудуқ пайдо бўлади. Бири аччиқ, бири ширин. Ҳозир Тошрабботдаги бу жой «аччи-мочи» дейилади.

Муҳаммад Ҳафиз яшаган жой атрофи девор билан ўраб олингани учун қалъа, деб аталган. У зот сув келтиргани, одамларга кўп яхшиликлар қилгани учун бу жой азиз авлиё номини олган ва аввалги номи унутилган. Азизон номи билан боғлиқ зиёратгоҳ Ванғози марказида ҳам бор.

Шу ўринда Тошраббот ҳақида. Бухоро амири Қўшбегиси архив ҳужжатларида Тош Работ мавзеси қишлоқ, даҳа сифатида кўп бор тилга олинган.

Қутли Қобиловнинг «Тошраббот тарихи» китобида ёзилишича, Қалъайи Азизон қишлоғида работ бўлган. Бу работнинг қурилган ва тугалланган вақти аниқ эмас. Айтишларича, бир подшоҳлик даврида работни қуриш учун ҳар бир кишига 18 донадан ёки уч кашшадан тупроқ солиғи солинган экан. Солиқ ўрнига пул тўлаш ҳам мумкин бўлган. Йиғиб олинган пул эвазига Ғиштида (Ғиждувон туманидаги қишлоқ) 5 та хумдон қурилиб, ғишт пиширилган. Работни қуриш учун 18 минг одам Ғиштидан Тошрабботга қатор туриб, ғиштни қўлма-қўл етказиб турган. Работ 5 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, унинг шимол ва жануб томонларига қараган ва шарқона ёғоч ўймакорлиги билан безатилган дарвозалари, меҳмонхоналари, тошдан ясалган ҳаммом, баққоллик дўконлари, чойхона, туя ва от саройлари, савдогарларнинг моллари сақланадиган омборлари мавжуд бўлган.

Шу китобда ёзилишича, ипак йўлидан Работга ўтадиган йўлни кесиб ўтиладиган жой Работак, ғишт пиширилган қишлоқ номи Ғишти, ғишт етарли бўлди деган жой Бўлди номини олган дейишади.

Тош Работ йўлидан узок юртларга ўтувчи карвонларга хизмат қилган. Йиллар ўтиб, нураган. 1974-1975 йилларгача 2 гектардаги қисми вайрона ҳолда етиб келган. Шундан сўнг бузилиб, майдони пахта ерларига айлантирилган. Пойдевори мрамрдан бўлгани учун бузилмай тупроқ остида қолган экан.

**Ғамхўр МФЙ** - Тошработ худудининг ғарбий чегараси худудида Ғамхўр қишлоғи мавжуд. Қишлоқ атрофида Ғамхўртепа-1 ва Ғамхўртепа-2 археологик ёдгорликлари қолдиқлари бўлиб, ёзма манбаларда уларнинг ҳар иккаласи даврийлиги милодий эранинг V-VII асрларга тегишли. Ёдгорликлар илк ўрта асрларда Зарафшон дарёси ўнг қирғоғидан ўтган Канпирак деворнинг муҳофаа кудратини янада оширган.

**Ҳасанча МФЙ** - ривоятда айтилишича, қадимда шу қишлоқда бўйича паст бўлса-да, жуссаси пишиқ бир одам яшаркан. У даласида туну-кун ишлар экан. Кунларнинг бирида кечгача ишлаб қайтаётиб, йўлда бир чолга дуч келибди. Уни меҳмон қилиб иззат-икром кўсатибди. Эртасига ҳам яна чой-ош қилиб ҳурмат билан кузатиб кўйибди. Чол қишлоқдан кетаётиб, учраган одамига «Қишлоқ номини Ҳасанча кўйинглари» дебди. Бу нуруний чол Ҳазрат Хўжаи Хизр эканлар.

**Янги ҳаёт МФЙ** - маҳалла 1983 йилда Ўртачўл худудида ташкил топган бўлиб, маҳалла таркибида Янги ҳаёт, Янги турмуш-1, 2; Янги қудуқ, Чайдароз, Янги қудуқ кўчалари, шунингдек, худудида Қирккулоч, Шўрча, Бешқўтон, Тутак, Испеча, Тандирча, Бўрмана, Кориз, Янги қудуқ, Хуросон, Гадейтопмас, Шоҳимардон, Галақудуқ, Шопўлат, Султонқўра, Мансурча, Юлдузқоқ, Ўғриқоқ, Дарвоза, Биткана, Юнусқудуқ, Сеталон, Гардана, Очил қўра каби қўралар бўлган.

Шу ўринда Ўртачўлга тегишли айрим маълумот ва ривоятлар ҳақида тўхталиб ўтсак.

Аввало Кориз ҳақида.

Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» иккинчи жилди 408-саҳифасида бу ҳақда шундай маълумот бор. Кориз:

1. Ер остидан ўтказилган сув йўли, ариқ.

Бир неча қудуқларни бирлаштирувчи ер ости канали, бир-бири билан бирлаштирилган қудуқлар тизими. Ўртачўлда Кориз деб аталувчи ҳудуд бор.

Энди Юлдузқоқ, Ўғриқоқ, Жарқоқ деб номланган жойлар ҳақида. Бу жойлар ери сувни анча вақтгача сақлагани учун қор, ёмғир сувлари тўпланиб қолган. Чорвадорлар, шу жойдан ўтиб-қайтувчи савдогарлар бу сувдан фойдаланишган. Сувни муҳофаза қилиш мақсадида, вақт ўтиши билан бу ҳудудлар паҳса девор билан ўраб олинган.

Яна бир ривоят. Ўртачўлнинг Испеча ҳудудида қадимда қозоқларга тегишли каттагина овулнинг Сулув деган доно, гўзал ва жасур овулбошиси бўлган экан. Унга ҳар тарафдан совчилар чиқаверибди. Ким Испечага сув келтирса, унга турмушга чиқаман деган шартни қўйибди. Кўп йигитлар бу шартни бажариш йўлида курашиб, уддалай олишмабди. Охири бир бойвачча йигит мешларга сув тўлдириб, минг туяга юклаб Испеча томон йўл олибди. Ҳозирги Тўдакўл ҳудудига келганда туялар чўкиб, мешлардаги сувлар тўкилибди ва мана шу сув тўкилган жой Тўдакўл деган номни олибди. Йигит ҳам Сулувга етолмабди. Қизнинг орзуси армонга айланибди. Бу орзу ўтган асрда амалга ошди. Аму Бухоро машина канали қурилиши шарофати билан қақроқ чўлларга ҳаёт бағишланди.

## ҒОРИДЕВОН ҲУДУДИ

**Баланд Ғардиён МФЙ** - 1925 йилги маълумотларга кўра, ўша вақтдаги Зарафшон вилояти, Ғиждувон уезди, Ванғози волости, Бўстон қишлоқ жамоасига кирган 23 та қишлоқ таркибида Ғардиён қишлоғи ҳам бўлган.

Исмоил Ҳусенов ва Истам Раҳимов муаллифлигидаги «Ғардиён» рисоласида ёзилишича, «Ғардиён» сўзи Ғоридевон, яъни «девлар ғори» сўзларининг бирикмасидан ташкил топган эмиш.

Маҳалла оқсоқолларидан Бозор бобо Исматов бу фикрни қуйидаги ривоят билан асослаган:

Жуда қадимда ҳозирги Ғардиён ҳудудида девлар макони бўлган эмиш. Улар катта тепалик остидаги ғорда яшар экан. Девлар баъзан овга чиққанда, уларнинг товуши бўрон увиллашидай қулоқни қоматга келтирар экан.

Йиллар ўтиши билан одамлар Зарафшон дарёси соҳилига яқин ерларни ўзлаштиришга киришибди. Шундай йиллардан бирида Зарафшон шундай тошибдики, девлар яшайдган ғорларни ҳам сув босибди. Шунда осмонга ғорлардан уч кеча-кундуз тутун кўтарилибди. Аммо бу тутун эмас, девлар эмиш. Шундан қишлоқ номи Ғоридевон, яъни девлар ғори бўлиб қолибди.

Баланд Ғардиён ҳудудида Қозоқовул, Кўсаовул, Қудуқовул деб аталган қишлоқлар бўлган.

Маҳаллада «Пирматбобо», «Паст Ғардиён», «Қизбиби», «Чилла авлиё», «Қози Эшон» қабристонлари бор. Маҳалла Майта ариғидан сув олади.

**Кулолон МФЙ** - маҳалла Кулолон, Тотиён қишлоқларидан иборат. Унинг ҳудудида даврийлик санаси номаълум Тотиёнтепа археологик ёдгорлиги бўлган. Худуддан Бўстон-Ғоридевон-Тошрабат йўли, Тотиён ва Кулолон ариқлари оқиб ўтади.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да Кулол сўзига қуйидагича тасниф берилган: «Кулол» – кўзагар, кўза ва бошқа сопол идишлар ясовчи. Лойдан турли сопол идишлар, буюмлар тайёрлайдиган ҳунарманд. Кулоллик – кулол иши, касби, кулолчилик.

Юқоридагиларга асосан, Кулолон кулолчилик билан шуғулланувчилар яшайдиган жой, қишлоқлиги аниқ бўлади. Ғоридевон ҳудудидаги бу қишлоқ ҳам қадимдан маълум ва машҳур Тавоисдан унча узоқ бўлмаган қишлоқ.

**Майта МФЙ** - беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 2-жилд 530 саҳифасида «Майта» сўзига «кўрик, бўз ер» деб тасниф берилган. Айримлар «майта» сўзини «маййит» шаклида ифода этишади. Ўша луғат 2-жилди 528-саҳифасида «май(й)ит» сўзи «ўлик, жасад, мурда» шаклида ифодаланади.

Ғоридевон ҳудудининг юқорисида Зарафшон дарёсига яқин ҳудуддаги қишлоқнинг Майта деб номланиши бежиз эмас. Бу қишлоқ Ғоридевоннинг маданий ҳудудидан анча юқорида, қир этагида жойлашган. Табиийки, қишлоқ ерлари аҳоли томонидан маданий ерларга нисбатан кейинроқ ўзлаштириб олинган. Шунинг учун унга «**Майта - бўз ер, қўриқ**» дея ном берилган.

Қишлоқ ҳудудида жуда катта аҳамиятга эга бўлган археологик ёдгорликлар мавжуд. Улардан бири Абу Муслимтепа ёдгорлиги бўлиб, унинг даврийлик санаси милодий эрадан олдинги 1-асрга тегишли.

**Қушарти МФЙ** - Сармозор ва Қушарти қишлоқларидан иборат. Археолог олимлар Я. Ғуломов, А. Муҳаммаджонов, В. А. Шишкин, А. Ю. Якубовский, В. В. Бартольд, О. В. Обельченко тадқиқотлари бўйича, Тавоис (Арқурд)дан узоқ бўлмаган жойда қадимда шарқда машҳур бўлган Бобохушарти шаҳарчасида ҳунармандчилик, айниқса, тўқимачилик ривож топган, нақшинкор масжид бўлган. Ҳудудда Ҳушартитепа ва Тотиёнтепа ёдгорликлари бор.

Бобохушарти топоними бўйича ҳар хил фикрлар бор. Шулардан бири X-XI асрларда бухоролик бир мулла томонидан Тошмасжид қурилган бўлиб, бу киши чехраси очик, самимий инсон бўлганидан бобо-хуш-афт номи билан шуҳрат топган. Вақт ўтиши билан «Бобо-хуш-афт» иборасидан «Бобохушарти» атамаси ҳосил бўлган эмиш.

Манбаларга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимиз ҳудудига араб қавмларининг кириб келиши ҳамда ўтроқлашиши оқибатида араб этимони билан боғлиқ жой номлари (Араблар, Арабхона, Арабон каби) вужудга келган. Қушарти топоними ҳам мана шу араб қавмларидан бири бўлган Қушайр қабиласи номининг вақт ўтиши натижасида ўзгаришидан юзага келган дейиш мумкин (муаллифнинг шахсий қараш). Манбаларда “Қушайр ибн Каъб” қабиласи исломий фатҳлар бошланган бир пайтда Арабистон диёридан чиқиб, бир қисми мағриб томонга, қолганлари эса машриқ томонга тарқалишди ва баъзилари Мисрда ўрнашиб қолишди. Улар Андалусда ҳам

Хуросон ва Найсабурдаги сингари катта нуфузга эга бўлишган,<sup>155</sup> деган фикрлар берилган.

## ҚИЗИЛТЕПА ШАҲРИ

**Алишер Навоий номли МФЙ** - Алишер Навоий номи билан аталган бу маҳалла 1994 йил 12 январда ташкил топган эди.

Ўзбекистон шоҳ кўчаси, Навоий, Навбаҳор, Ёшлик, Шодлик, Амир Темури, Пахтакор, Баҳор, Насосчилар кўчаларидан иборат.

Маҳалла ҳозирги вақтда туман марказининг энг серҳашам манзили.

**Гулзор МФЙ** - маҳалла Нуроний, Гулзор, Гулзор берк, Наврўз, «Қизил тонг», Истиклол, Боғишамол, Озодлик, Самарқанд, Ибн Сино, Комил Рўзиев номли кўчалардан иборат. Маҳалла ҳудудида темир йўл бекати бўлиб, у билан боғлиқ кўп тарихий воқеалар бор.

1876 йилда Закаспий темир йўл қурилишини режаллаштирган руслар Қизилтепанинг стратегик аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олганлар. Чунки Қизилтепа орқали Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Конимех туманларини ҳам темир йўл билан боғлаш мумкин эди. Шунинг учун режага Қизилтепа станцияси киритилган.

**Фурқат номли МФЙ** - маҳалла таркибида Ислом Каримов номли, Ойбек номли, Фурқат номли, Муқимий номли, Мустақиллик, Самарқанд, Бунёдкор кўчалари мавжуд. Темирйўл ва автомагистрал йўлига яқин.

**Ўзбекистон МФЙ.** - маҳалла таркибида Ўзбекистон ва Мустақиллик шоҳкўчалари, Абдулла Қодирий номли, Дўстлик, Гулистон, Ободлик, Камолот, Фаровон кўчалари бор.

---

<sup>155</sup> Доктор Иброҳим Байсуний. “Имом Қушайрийнинг ҳаёти, тасаввуфи ва илмий фаолияти”.–Қоҳира.: “Мактабатул адаб”, 1992.–6.8